

ЁШ БОКСЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Үқүв-услубий құлланма

Тошкент – 2012

**Ачилов А.М, Халмухамедов Р.Д, Шин В.Н,
Тажибаев С.С, Ражабов F.K**

ЁШ БОКСЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Үқуғ-услубий құлланма

Тошкент – 2012

Муаллифлар:

Ачилов А.М. – педагогика фанлари номзоди, профессор в.б.

Халмухамедов Р.Д. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Шин В.Н. – педагогика фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

Тажибаев С.С. – ЎзДЖТИ III босқич стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

Ражабов F.K. – ЎзДЖТИ бокс, қиличбозлик ва таэквондо назарияси ва услубияти кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Керимов Ф.А. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Турдиев Ф.К. – педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ўқув-услубий қўлланмада мамлакатимиз миқёсида бокс спортиning ривожланиш тарихи, ёш боксчилар техник-тактик ва жисмоний тайёргарлигининг таснифи, кичик разрядли боксчиларни ўргатиш ва машқ бажартириш воситалари ҳамда услубиятлари баён этилган.

Ўқув-услубий қўлланма Халқ таълими вазирлиги хузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан тайёрланди.

Ўқув-услубий қўлланма болалар спорт мажмуалари, спорт мактабларининг бокс мураббийлари, педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультети талабалари, яккаураш ҳамда болалар спортини ривожлан-тириш соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти илмий-услубий кенгашида нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Маълумки, Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов бугунги кунда ҳар томонлама етук салоҳиятли, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва жойларда болалар спортини ривожлантириш ишларига қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини моддий-техника базаси, ундаги шуғулланувчиларга яратилаётган шароитлар комплекс тарзда амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудлари, айниқса чекка қишлоқ жойларида барпо этилаётган иншоотларда келажак ворислари, ўғил ва қизларимиз учун бирдек шароитлар муҳайё этилган-ки, уларни Ватанга муҳаббат, садоқат ва аждодларга муносиб бўлишилик руҳида камол топтириш ишларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз жисмоний тарбия ва спортнинг келажак авлодни соғлом қилиб тарбиялашдаги ўрнини эътиборга олиб, спорт ишларини янада такомиллаштириш, унинг замон талаблари даражасида ўқув ва моддий-техник базасини яратиш ҳамда аҳолининг спортга бўлган қизиқишини ошириш йўлида мақсадли давлат миқёсидаги тадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда. Чунки спорт миллатнинг ўзлигини англашда, унинг аниқ мақсадлари сари жисплашувида ва бирлашувида, ўзидағи бор салоҳиятини ҳамда миллат сифатидаги кудратини жаҳон узра намоён этмоқда.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда мамлакат спортини ривожлантириш долзарб ва ниҳоятда муҳим

масаладир. Зеро, жисмонан бақувват, соғлом ёшлари кўп бўлган миллат қудратли бўлади, унинг давлати ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб, буюк тараққиёт сари ривожланиб боради.

2003-2010 йилларда Жамғарма томонидан Республика бўйича **1 266** та иншоот қурилиб фойдаланишга топширилган бўлиб, ушбу иншоотлардан **1153** таси спорт иншоотлари, **52** таси мусиқа ва санъат мактаблари ва **61** таси сузиш ҳавзаларидир.

Мавжуд бўлган **1 256** та иншоотларидан **997** таси қишлоқ жойларида жойлашган, бу эса **79 %**ни ташкил этади.

Шунингдек, 2004-2010 йиллар мобайнида Жамғарма томонидан **1199** та спорт иншоотлари меъёрий талаблар асосида **18 908** млн. **сўмлик** спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланди.

2004-2010 йиллар мобайнида Жамғарма томонидан **11 586** млн. **сўм** маблағга **270** минг комплект спорт кийимлари харид қилинди. Ушбу спорт кийимлар Жамғарманинг минтақавий филиаллари орқали ижтимоий муҳофазага муҳтож оиласаларнинг спорт билан шугууланаётган фарзандларига етказиб берилди.

2006-2010 йиллар мобайнида **3 306 912** **АҚШ валютасига** Республика бўйича барпо этилган жами **229** та болалар спорт мажмуаларининг полига тахта ўрнига чет эл сунъий тўшамаси қопланди.

2003-2010 йилларда Жамғарма томонидан Халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун юборилган болалар жами **287** та **медалларни** қўлга киритишди. Шундан 103 та олтин, 84 та кумуш, 100 та бронза медаларидир.

Ҳозирги кунда Республикаиз бўйича спорт ва жисмоний соғломлаштириш машқлари билан мумтазам шугууланувчи болалар сони **2 175 168** нафарни ташкил этади.

Бу жами 6-19 ёшгача бўлган ўқувчилар сонига нисбатан **34,9%** ташкил этиб, улардан **695 328** нафари ёки **11,2%** спорт билан шуғулланса, **1 479 840** нафари ёки **23,2%** жисмоний соғломлаштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Қишлоқ жойларида **1 683 261** нафар ёки жами 6-19 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг **35,2%** спорт билан ва жисмоний соғломлаштириш билан доимий шуғулланишмоқда. Улардан **561 559** нафари ёки **11,7%** спорт билан доимий шуғулланса, **1 121 702** нафари ёки **23,4%** жисмоний соғломлаштириш билан шуғуллланмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозлари қаторида бокс билан шуғулланувчилар учун барча керакли анжомлар ва ускуналар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт жиҳозлари билан Жамғарма томонидан қурилган барча спорт мажмуалари жиҳозланмоқда.

Бокс тўтараги мавжуд бўлган Болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари бугунги кунда замонавий ва сифатли бокс ринги, бокс қўлқоплари (10 унция), яssi қўлқоплар, бокс грушаси, бокс девор қоплари, бокс лапалари, гимнастика аргамчиси, гонг, бокс шлеми, сигнал берувчи электрон табло, машқ манекени, тарози, куч тренажёrlари билан тўлиқ таъминланган. Ишлатилиш муддатига қараб эҳтиёж бўлган спорт мажмуаларини таъминлаш дастури ишлаб чиқилди.

Спорт ускуналари ва анжомларидан фойдаланиш мутахассислардан катта билим ва тажриба талаб этади. Буларни ўқув юртида таълим олиш даврида эгаллаш бирмунча қийин. Ёш мутахассислар педагогик фаолияти бошланишиданоқ спорт иншоотлари, спорт анжомлари ва ускуналаридан фойдаланишдаги дастлабки қийинчиликларга дуч келади ва тажрибасизлиги туфайли кўплаб спорт анжомлари ва ускуналарини яроқсиз ҳолатта келтиради,

уларнинг тез ишдан чиқишига сабабчи бўлади. Баъзи ҳолатларда уларнинг тажрибасизлиги туфайли қимматбаҳо спорт анжомлари ва ускуналари ишлатилмай йиллар давомида жиҳозхоналарда сақланиб яроқсиз ҳолатга келишига сабаб бўлади.

Шунга мувофиқ спорт иншоотлари, спорт анжомлари ва ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини оширишга боғлиқ тадбирлар ва уларга таъсир этувчи бошқа омиллар ҳақида Жамғарма томонидан услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, республиканинг барча спорт мажмуалари мураббийлари ва мутахассисларига иш жараёнида фойдаланиш учун тарқатилди.

Республикамизда яккакураш спорт турларидан бири боксни ривожлантириш, бокс мактаблари фаолиятини янада жадаллаштириш ва ёшларни боксга қўпроқ жалб этиш борасида Ўзбекистон Бокс федерацияси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда Республиkanинг барча ҳудудларида бокс мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга бағишлиланган Низом тасдиқланди.

Низомга асосан уч босқичли мусобақаларнинг асосий мақсади ва вазифалари ёшларни бу спорт турига жалб қилиш орқали ватанга садоқатли, матонатли ва жасур қилиб тарбиялашдир. Шунингдек, ёш боксчиларнинг маҳоратларини халқаро майдонларда ҳам намойиш этиш ва мамлакатимиз шарафини янада юксалтиришга қаратилган. Шу билан бир қаторда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан етказиб бери-лаётган бокс спорт анжомлари ва ускуналаридан мақсадли фойдаланиш, уларни келажак авлод учун ҳам сақлаш ҳамда ўсмиirlарни катта ҳаёт бўсағасида қўрқмас ва жасур қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ёш боксчиларнинг маҳоратларини янада ошириш ва

уларда халқаро мусобақаларда иштирок этиш ҳиссини шакллантириш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида қўпгина спорт турларидан маҳорат сабоқлари ўтказилди. Жумладан, таниқли бокс усталари иштирокида бокс бўйича маҳорат сабоқлари тадбирлари ҳам Жамғарма ташаббуси билан юқори савияда ўтказиб борилди. Ўтган йилда жамғарма томонидан юртимиз бўйлаб таниқли Осиё ўйинлари, Олимпия ўйинлари ва нуфузли Халқаро мусобақалар совриндорлари иштирокида маҳорат сабоқлари янада қўпроқ ташкил этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан Андижон вилоятининг Бўз тумани V – ТИП спорт мажмуасида таниқли спортчилар Руфат Рисқиев, Ўткир Ҳайдаров, Боҳодир Султонов, Файрат Ахмедов, Ботир Махмудов ва Зоҳиджон Хурбоевлар иштирокида маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Мазкур тадбир Андижон бокс мактабининг ёш шуғулланувчилари иштирокида ўтказилди.

Спорт иншоотига ташриф буюрган таниқли спортчилар билан учрашиш мақсадида ташриф буюрган ота-оналар нафақат сухбатлашиш, балки ўз фарзандлари учун таниқли боксчиларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини олишга сазовор бўлишди.

Спорт мажмуасига ташриф буюрган бокс ихлосмандларининг ҳар бирига Руфат Рисқиев ўзининг эсдалик совғаларини тақдим этди.

Жаҳонда ва қитъамиизда ўтказиб келинаётган бокс бўйича халқаро мусобақаларда ҳам ёшларимиз ўзларининг маҳоратларини кўрсатиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Масалан, Сингапур шаҳрида бўлиб ўтган ўсмиrlар ўртасида I Олимпия ўйинларида ҳам юртимиз боксчилари юқори натижаларни қайд этишди.

Халқаро Олимпия Құмитаси томонидан тасдиқланған тақвим режасига мувофиқ 2010 йил 14-26 август күнлари Сингапур шаҳрида үсмирлар үртасида I Олимпия үйинлари бўлиб ўтди. Мазкур Олимпия үйинларида 35 нафардан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси иштирок этиб, 3 та кумуш, 6 та бронза жами 9 та медалларни қўлга киритилар. Спортчиларимиз А.Мамажонов кумуш медал, З.Хурбоев ва С. Бегалиевлар бронза медал совриндорлари бўлди.

Ёш боксчилар учун мўлжалланган ушбу услугий қўлланма соҳа мураббийларининг иш фаолиятида ҳамда машғулотлар узлуксизлигини таъминлашда услугий ёрдам сифатида яратилди.

I.ЎЗБЕКИСТОНДА БОКС СПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистонда бокс ёшларнинг энг севимли, анъанавий спорт турларидан бири ҳисобланади. Қадим даврлардан бери муштлашиш жанглари Ўрта Осиё халқлари орасида кенг оммалашган бўлиб, кўнгил очиш воситаси ҳамда мардлик мактаби санаалган.

Ўзбек бокс мактаби давлатимиз худудидан ташқарида мутахассисларга жуда яхши таниш. 1926 йилда биринчи собиқ Иттифоқ чемпионатида Ўзбекистон вакили К.Никитин кумуш медални қўлга киритган. Кўп карра Собиқ Иттифоқ чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси Руфат Рисқиевнинг ғалабалари ҳам ҳаммага маълум. У 1974 йилда собиқ Иттифоқ боксчилари орасида биринчи бор жаҳон чемпиони, 1976-йилда эса XXI Олимпия ўйинларининг кумуш медали соҳиби бўлган. Ўзбек бокс мактабининг яна бир вакили – ХТСУ, кўп карра собиқ Иттифоқ чемпиони, 1974-йилда жаҳон Кубоги соҳиби, “Дўстлик-84” халқаро мусобақаларининг ғолиби Владимир Шиндир. Собиқ Иттифоқ чемпионлари Н.Анфимов, Н.Храмов, С.Василенко, З.Абдукадиров, Р.Тришев; мамлакат Кубоги соҳиблари Г.Пинчук ва А.Матчонов; Х собиқ Иттифоқ халқлари Спартакиадаси чемпиони, 1991 йилда жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби, 1990 йилда биринчи “Яхши ният” ўйинлари ғолиби, ХТСУ Артур Григорян ва кўпгина бошқа буюк боксчиларимиз ўзбек спорти байроғини юқори қўтарганлар. Улар ўз устоз-мураббийлари – собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий С.А. Жаксон, Ю.В. Бухман, Б.А. Гранаткин, А.Д. Дин, М.Б. Франқ, Б.С. Газизов, Б.П. Норкин, А.А. Каримов, М.Г. Қўчқоров, А.А. Размахов, В.Шин, А.Кари-

мов, Ш.Худойбердиев, А.Кадиров, Т.Гулямовлар билан бирга ўзбек бокси шарафини дунёга ёйдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бокс янада оммалашди. Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида бокс мактаблари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Улар орасида Андижон бокс мактаби ҳақиқий етакчи, бокс маркази ҳисобланади. Бу ерда замонавий бокснинг йирик мутахас-сислари М.Г. Қўчқоров ва А.А. Размахов сермаҳсул фаолият юритиб келадилар.

Бутун жаҳонга таниқли бўлган боксчилар – XXVI Олимпия ўйинлари совриндори К.Тўлаганов; XXVII Олимпия ўйинлари чемпиони, 1999-йил жаҳон чемпиони, 1998-йил жаҳон Кубоги совриндори, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган спортчи Муҳаммадқодир Абдуллаев; 1999 ва 2000-йиллар жаҳон чемпиони, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган спортчи Руслан Чагаев; XXVIII Олимпия ўйинлари совриндори, 1999-йил жаҳон чемпиони Ўткир Ҳайдаров; XXVII Олимпия ўйинлари бронза медали соҳиби Сергей Михайлов; 1997 ва 1999-йиллар Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Кубоги финали иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган спортчи Тўлқин Турғуновлар мазкур мактабда тарбияланиб вояга етгандар.

Самарқанд, Бухоро, Жizzах, Хоразм бокс мактаблари ҳам ўз ўрниларига эга. Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси боксчилари кучли спортчилар ҳисобланади.

Илгарилаб таъкидлашимиз мумкинки, 1991-2007 йиллар давомида Ўзбекистон боксчилари халқаро мусобақаларда, шу қаторда Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Кубогида 600 га яқин олтин, кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритганлар.

Мустақиллигимизнинг биринчи йилларида боксчиларимиз халқаро мусобақаларда 12 та медал соҳибига

айландилар. Артур Григорян X собиқ Иттифоқ халқлари Спартакиадасида ва Иттифоқ Кубогида иккита олтин медалга сазовор бўлди.

1992-йилда боксчиларимиз халқаро мусобақаларда 15 та медални қўлга киритдилар. А.Григорян МДҲ чемпионати ғолиби бўлди ва халқаро турнирларда яна 7 та медал қозонилди. Мустақил Ўзбекистон бокс мактаби шу тарзда шаклланди. 1992-йил 9-апрелда бокс мураббийлари ва мутахассислари иштирокидаги конференцияда Ўзбекистон бокс федерацияси мустақил жамоат ташкилоти сифатида таъсис этилди. Спортчиларимизнинг Тампера шаҳрида (Финляндия) ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиши 1993-йилдаги энг муҳим воқеа бўлди. Тошкентлик армиячи Ҳикматилла Аҳмедов 51 кг гача бўлган вазнда кумуш медални қўлга киритди. Бу мусобақада қатнашган Н.Отаев (67 кг, Когон, Бухоро) ва О.Маскаев (91 кг дан юқори, Тошкент вилояти) 5-ўрин соҳибига айландилар.

1994-йилда Ўзбекистон боксчилари халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 41 та медал, улардан 22 та олтин медални қўлга киритдилар.

1994-йил – Хиросима шаҳридаги XII Осиё ўйинлари бўлиб ўтадиган йил. Бу ерда мустақил Ўзбекистон вакиллари Осиё ҳамжамияти олдида биринчи бор намоён бўлдилар. Спортчиларимизнинг Осиё ўйинларида иштироки натижалари жуда салмоқли бўлди. Хоразм вилояти Ҳўжайли шаҳри вакили А.Авазбоев ва Тошкент вилояти боксчиси О.Маскаев 91 кг гача ва 91 кг дан юқори бўлган энг оғир вазн тоифаларида иштирок этиб, Осиё ўйинлари ғолиби бўлдилар. Н.Отаев (67 кг, Бухоро), Д.Ёрбеков (75 кг, Самарқанд) бронза медали совриндорларига айландилар.

1994-йил Ўзбекистон боксчиларининг халқаро турнирда ғолибона иштироки билан бошланди. Ҳиндистон пойтахти

Деҳли шаҳрида ўтказилган мусобақада 7 нафар спортчимиз ғолибликни қўлга киритдилар. Булар – Д.Хайтов (48 кг, Бухоро), Ў.Сиддиқов (54 кг, Қўқон), Ф.Бакиров (63 кг, Тошкент вилояти), Н.Отаев (67 кг, Бухоро), И.Бердиев (71 кг, Тошкент), И.Букин (75 кг, Тошкент). Икки нафар спортчимиз, Ф.Турдиев (48 кг, Андижон) ва Г.Ибрагимов (81 кг, Тошкент вилояти) Бишкек шаҳридаги (феврал, 1994 й.) ҳалқаро турнирда ғолиб бўлдилар. Х.Аҳмедов (51 кг, Тошкент), М.Абдуллаев (57 кг, Андижон), О.Маскаев (91 кг дан юқори, Тошкент вилояти) Туркиядаги ҳалқаро турнир ғолибига айландилар.

Бангкокда (июн, 1994-й.) ўтказилган жаҳон Кубогида Н.Отаев олтин, О.Маскаев кумуш ва Т.Ибрагимов бронза медалини қўлга киритдилар.

1995-йил 1-5-сентябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Осиё ўйинларида ўзбек боксчилари ўзларининг рақиблари бўлган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон боксчилари устидан йирик ғалабага эришдилар. Ҳамма вазн тоифаларида боксчиларимиз совринли ўринларни эгалладилар. Улардан Д.Юлдашев (48 кг, Фарғона), М.Абдуллаев (60 кг, Андижон), Н.Отаев (67 кг, Бухоро), К.Тўлаганов (71 кг, Самарқанд), Р.Чагаев (91 кг, Андижон), Сайфуллаев (91 кг дан юқори, Қўқон) ўйинлар ғолиби бўлдилар; Т.Туляков (54 кг, Андижон), Д.Каримов (57 кг, Жиззах), Т.Ибрагимов (81 кг, Хоразм), Н.Султанов (63,5 кг, Тошкент) кумуш медалини қўлга киритдилар.

1995-йил яқунида боксчиларимиз Чимкентда ўтказилган ҳалқаро турнирда муваффақиятли қатнашиб, И.Бердиев, Р.Чагаев – олтин; С.Михайлов (81 кг, Андижон) – кумуш; Я.Кульков (71 кг, Тошкент) – бронза медалларига сазовор бўлдилар.

1996-йилда ўзбек боксчилари мустақил жамоа сифатида XXVI Олимпия ўйинларида биринчи бор иштирок этдилар.

Ўзбекистондан 7 нафар боксчи – У.Ибрагимов (57 кг, Навоий), М.Абдуллаев, Н.Отаев, К.Тўлаганов, Д.Ёрбеков, Т.Ибрагимов, Р.Чагаев қатнашди.

Олимпиадада К.Тўлаганов (мураббийлари – Ф.Пак, Х.Мухамедов) ҳаммадан яхшироқ иштирок этди. У шиддатли жангларда қатнашиб, бронза медали соҳибига айланди. Н.Отаев ва Д.Ёрбеков 5-8-ўринларни; У.Ибрагимов ва Т.Ибрагимов 9-15-ўринларни; М.Абдуллаев ва Р.Чагаев 16-32-ўринларни бўлишиб олдилар.

Олимпия ўйинларидан сўнг боксчиларимиз Тампера (Финляндия) ва Чимкент (Қозоғистон) шаҳарларида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этиб, 13 та медал, жумладан 8 та олтин медал соҳиби бўлдилар.

1996-йил 1-11-ноябр қунлари Куба пойтахти Гавана шаҳрида бўлиб ўтган ўсмиirlар ўртасидаги жаҳон биринчилигида Р.Чагаев бронза медалини қўлга кирилди.

1997-йилнинг энг асосий мусобақалари иккинчи Марказий Осиё ўйинлари, XIX Осиё чемпионати, жаҳон чемпионати бўлди. Терма жамоамиз мазкур мусобақаларга тайёргарлик қўриш мобайнида бир қатор халқаро мусобақаларда иштирок этди. Бу ерда боксчиларимиз ҳаммаси бўлиб турли қийматдаги 46 та медал, жумладан 16 та олтин медалга сазовор бўлдилар.

Боксчиларимизнинг Италия, Чехословакия, Финляндияда бўлиб ўтган турнирларда эришган ғалабалари салмоқли бўлди. Бу ерда улар Европа қитъасининг энг кучли боксчиларига ҳақиқий рақиб бўла олдилар. Ушбу турнирда Р.Чагаев катта муваффақиятта эришди. Август ойининг иккинчи ярмида Малайзияда XIX Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон боксчилари 3 та олтин, 4 та кумуш, 3 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Т.Турғунов (71 кг. Андижон), М.Абдул-

лаев (60 кг, Андижон), С.Михайлов (81 кг, Андижон) Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлдилар. А.Рахимов (51 кг, Урганч), Н.Отаев (67 кг, Бухоро), И.Бердиев (71 кг, Тошкент), Д.Ёрбеков (75 кг, Самарқанд) иккинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Учинчи ўрин Ф.Бакиров (63,5 кг, Тошкент вилояти), Т.Ибрагимов (91 кг, Урганч), Л.Зокировларга (91 кг дан юқори, Жиззах) насиб этди.

Боксчиларимиз Қозогистон пойтахти Алмати шаҳрида ўтказилган иккинчи Марказий Осиё ўйинларида улкан муваффақият қозондилар. 6 нафар боксчимиз Ўйинлар ғолибига айландилар, 5 нафари иккинчи ўринни ва бир боксчимиз учинчи ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг 16-27-октябр кунлари Будапешт шаҳрида (Венгрия) бўлиб ўтган IX жаҳон чемпионатида боксчиларимиз жиддий синовдан ўтдилар. Терма жамоамиз сафида қатнашган 5 нафар боксчилар орасида Р.Чагаев жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Қолган боксчиларимиз 5-урин билан кифояландилар.

1998-йилнинг энг муҳим мусобақалари – жаҳон Кубоги, “Яхши ният” ўйинлари, XIII Осиё ўйинлари. Терма жамоамиз мазкур мусобақаларга тайёргарлик кўриш давомида Осиё минтақаси давлатлари – Туркия, Эрон, Таиланд, Қирғизистондаги бир қатор иирик халқаро турнирларда иштирок этди ва умумий ҳисобда 25 та совринли, жумладан 13 та биринчи ўринни эгалладилар.

Жаҳон Кубоги 14-20-июн кунлари Хитойда бўлиб ўтди. Боксчиларимиз иккита олтин, битта кумуш, учта бронза медалларини қўлга киритдилар. М.Абдуллаев ва Л.Зокировларнинг шарафига икки бор Ўзбекистон мадхияси янгради. Т.Турғунов кумуш медалига сазовор бўлган бўлса, Д.Юлдашев, Н.Отаев, Д.Ёрбеков броза медали билан тақдирландилар.

27-июлдан 1-августтacha Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) "Яхши ният" ўйинлари бўлиб ўтди. Т.Туляков олтин, Д.Ёрбеков эса бронза медалини қўлга киритдилар.

1998-йил якунида Ўзбекистон боксчилари бутун Осиё минтақасида энг кучли эканликларини яна бир бор намойиш этиб, Таиланд пойтахтида ўtkазилган XIII Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Андижонлик боксчилар М.Абдуллаев, С.Михайлов ва Р.Чагаев шарафига уч марта Ўзбекистон мадҳияси янгради. Тўрт нафар спортчимиз – Т.Туляков, Т.Турғунов, Г.Сулаймонов, Д.Ёрбеков кумуш; Н.Отаев, К.Зокиров бронза медали соҳибига айландилар.

1999-йилдаги жаҳон чемпионати (АҚШ), Марказий Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионати ўзбек боксчилари учун ийининг энг муҳим мусобақасига айланди. Ушбу мусобақаларга тайёргарлик қўриш мобайнида терма жамоамиз Венгрия, Болгария, Гречия ва Россиядан бўлиб ўтган халқаро турнирларда қатнашди ва умумий ҳисобда 21 та медални қўлга киритди. Шулардан 13 таси олтин медал. Р.Чагаев уч марта, М.Абдуллаев икки марта ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори ўрнидан жой олдилар.

20-27 август кунлари боксчиларимиз Хьюстон шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган X жаҳон чемпионатида қатнашиб, мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи бор энг кучли рақиблар бўлган АҚШ ва Куба терма жамоаларидан кейин умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгалладилар. Бундай улкан ютуқларда Андижон бокс мактаби вакилларининг хизматлари катта бўлди. Улар иккита олтин (М.Абдуллаев, Ў.Ҳайдаров) ва битта кумуш медалига (Т.Турғунов) сазовор бўлдилар.

Ушбу ғалабалардан руҳланган боксчиларимиз учинчи Марказий Осиё ўйинлари ва XX Осиё чемпионатида

ишончли муваффақиятга эришдилар. Иккала турнирларда боксчиларимиз жамоа ҳисобида ғолиб бўлдилар. Улар Бишкек шаҳридан бешта олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медаллари билан қайтдилар. Тошкентда бўлиб ўтган XX Осиё чемпионатида Д.Юлдашев, А.Рахимов, Т.Турғунов, М.Абдуллаев, С.Михайлов, Р.Чагаев, Р.Сайдов ғолибликни қўлга киритдилар; Д.Набиев (60 кг, Термиз), С.Наимов (67 кг, Сирдарё вилояти) бронза медалига сазовор бўлдилар.

Жаҳон бокси етакчиларидан бирига айланган ўзбек боксчилари шундай ғалабалар билан 2000-йилни қарши олдилар.

Худди шу йилдан Сиднейда бўлиб ўтадиган XXVII Олимпия ўйинларида қатнашишнинг тўрт йиллик цикли бошланди. Олимпия ўйинларига тайёргарлик қўриш давомида боксчиларимиз еттига йирик ҳалқаро мусобақаларда иштирок этиб, жами 28 та медал, жумладан 10 та олтин медал соҳиби бўлдилар.

Олимпия делегацияси таркибида 10 нафар спортчи: Д.Юлдашев, А.Рахимов, Т.Турғунов, М.Абдуллаев, Ш.Хусанов (57 кг, Фарғона), Д.Ёрбеков, Р.Сайдовлар иштирок этди. Олимпия ўйинларида андижонлик М.Абдуллаев ажойиб ғалабага эришиб, олимпия олтин медалини қўлга киритди. С.Михайлов ва Р.Сайдов бронза медалларига сазовор бўлдилар.

2001-йилда Ўзбекистон боксчилари жаҳон чемпионати ва "Яхши ният" ўйинларида иштирок этишга тайёргарлик кўрдилар. Бу даврда улар бир қатор йирик ҳалқаро мусобақаларда қатнашиб, жами 40 та медални (14 та олтин) қўлга киритдилар.

Жаҳон чемпионати 3-11-июн кунлари Белфаст шаҳрида (Ирландия) бўлиб ўтди. Учта совринли ўрин – спортчилари мизнинг иштироки натижасидир. Ҳаммадан ҳам Р.Чагаев

муваффақиятли қатнашди. У ўзи учун янги, янада оғирроқ вазн тоифасида (91 кг дан юқори) жанг олиб бориб, икки карра жаҳон чемпионига айланди. Ў.Ҳайдаров кумуш, Ш.Хусанов бронза медалига сазовор бўлдилар.

Жаҳон чемпионатидан сўнг терма жамоамиз яна олтита иирик халқаро турнирларда қатнашди. Улардан энг нуфузлиси – Брисбен шаҳридаги (Австралия) “Яхши ният” ўйинлари бўлиб, бу ерда Р.Саидов кумуш, Ў.Ҳайдаров бронза медалига эгалик қилдилар.

Айтиш жоизки, М.Абдуллаев 1997-йилдан 2000-йилга қадар АИБА рейтинги бўйича йилнинг энг яхши боксчиси шарафига сазовор бўлган.

Боксчиларимизнинг улкан ғалабалари ҳукуматимиз томонидан юқори баҳолданди. М.Абдуллаев, С.Михайлов, Ш.Хусанов, Т.Турғунов, Т.Туляков, Ў.Ҳайдаров, Р.Чагаев, Д.Ёрбеков, Н.Отаев, А.Григорян, Р.Саидов, Т.Ибрагимов, О.Маскаевлар, Б.Султонов, Э.Расулов, А.Отоев “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” унвонига сазовор бўлдилар.

Мустақиллигимизнинг 19 йили давомида Ўзбекистон боксчилари Олимпия ўйинларида ҳар хил қийматдаги 6та медал, жаҳон чемпионатларида 35, Осиё ўйинларида 28, Осиё чемпионатида 54 та медални қўлга киритдилар (1,2,3,4-жадваллар), А.Григорян ва Р.Чагаев профессионаллар ўртасида жаҳон чемпиони бўлдилар.

Биринчи марта 2010 йил август ойида Сингапурда ўтказилган Ёшлар Олимпиада ўйинларида ёш умидли боксчиларимиз А.Мамаджонов, З.Хурбоев, С.Бегалиевлар иштирок этиб иккинчи ва учинчи ўринларни банд этдилар (5-жадвал).

1-жадвал

**Мустақиллик даврида Ўзбекистон боксчилари –
Олимпиада ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари**

Йили	Ўтказилган жойи	Фамилияси, исми	Вазни	Ўрин
20.07.1996	XXVI Атланта	1. Тұлғанов К.	71	III
15.09.2000	XXVII Сидней	1.Абдуллаев М 2. Михайлов С. 3. Саидов Р.	63,5 81 91	I III III
14.08.2004	XXVIII Афина	1. Султонов Б. 2. Ҳайдаров Ў.	54 81	III III
08.25.2008	XXIX Пекин	1. Махмудов Д. 2. Расулов Э.	69 75	V V
06.27.2012	XXX Лондон олимпиадаси иштирокчилари	1.Шоимов О 2. Латипов Ж 3.Ғойибназаров Ф 4. Раҳмонов Ў 5. Отаев А 6. Расулов Э	52 56 60 64 75 81	

2-жадвал

Мустақиллик даврида Ўзбекистон боксчилари – жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари

Йили	Ўтказилган жойи	Фамилияси, исми	Вазни	Ўрин
15.09.1991	Австралия	1. Григорян А.	60	II
07.05.1993	Финляндия	1. Аҳмедов Х. 2. Отаев Н. 3. Маскаев О.	51 67 91	II V V
14.05.1995	Германия	1. Ёрбеков Д.	75	III

16.10.1997	Венгрия	1. Чагаев Р. 2. Туляков Т. 3. Турғунов Т. 4. Раҳимов А. 5. Ёрбеков Д.	91 54 57 51 75	I V V V V
20.08.1999	Хьюстон, АҚШ	1. Ҳайдаров Ў. 2. Абдуллаев М. 3. Турғунов Т.	75 63,5 57	I I II
03.06.2001	Ирландия	1. Хусанов Ш. 2. Ҳайдаров Ў. 3. Чагаев Р.	67 75 91	III II I
04.07.2003	Бангкок	1. Хусанов Ш. 2. Султонов Б. 3. Саидов Р.	69 54 91	II III III
13.11.2005	Хитой	1. Маҳмудов Д. 2. Ҳайдаров Ў. 3. Матчонов Ж.	64 81 91	II III III
23.10.2007	АҚШ	1. Отаев А.	81	I
24.10.08	Мексика	1. Махмудов Б. 2. Машрапов Ж. 3. Раҳмонов У.	69 51 64	II III III
22.05.09	Арманистон	1.Хасамов М. 2. Эшматов Д. 3. Ҳожибоев Б. 4. Обидов Б. 5. Абдуназаров Р.	80 46 50 60 70	I III III III III
31.08.09	Италия	1.Отаев А. 2.Расулов Э. 3. Махмудов Б. 4. Султонов Б.	75 81 69 57	I II III III

З-жадвал

Мустақиллик даврида Ўзбекистон боксчилари – Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари.

Йили	Үтказилган жойи	Фамилияси, исми	Вазни	Үрин
04.10.1994	Хиросима (Япония)	1. Аvezбоев А. 2. Маскаев О. 3. Отаев Н. 4. Ёрбеков Д.	91 91 67 75	I I III III
07.12.1998	Бангкок (Тайланд)	1. Туляков Т. 2. Чагаев Р. 3. Тургунов Т. 4. Абдуллаев М. 5. Михайлов С. 6. Сулаймонов Т 7. Ёрбеков Д. 8. Отаев Н. 9. Зокиров Л.	54 91 57 63,5 81 60 75 67 91	II I II I I II II III III
25.09.2002	Пусан (Корея)	1. Махмудов Д. 2. Ҳайдаров Ӯ. 3. Бердиев И. 4. Саидов Р. 5. Михайлов С. 6. Хидиров Б. 7. Сарсекбаев Б. 8. Хусанов Ш. 9. Наимов С.	60 75 81 91 91 54 63,5 67 71	I I I I I II III III III
03.12.2006	Доха (Қатар)	1. Султонов Б. 2. Расулов Э. 3. Саидов Р. 4. Матчонов Ж. 5. Хидиров Б. 6. Махмудов Д.	57 75 91 91 60 64	I I I II III III

16.11.2010	Хитой	1. Расулов Э.	81	I
		2. Отаев А.	75	II
		3. Раҳмонов Ў.	69	II
		4. Раҳмонов С.	64	III
		5. Тожибоеv X.	60	III

4-жадвал

**Мустақиллик даврида Ўзбекистон боксчилари – Осиё
чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари**

Йили	Ўтказилган жойи	Фамилияси, исми	Вазни	Ўрин
01.10.1995	Тошкент	1. Отаев Н. 2. Ёрбеков Д. 3. Чагаев Р. 4. Абдуллаев М. 5. Туляков Т. 6. Тўлаганов К.	67 75 91 60 54 71	I I I II III III
07.10.1997	Малайзия	1. Михайллов С. 2. Абдуллаев М. 3. Турғунов Т. 4. Раҳимов А. 5. Отаев Н. 6. Бердиев И. 7. Ёрбеков Д. 8. Бакиров Ф. 9. Иброҳимов Т. 10. Зокиров Л.	54 91 57 63,5 81 60 75 67 91 91	II I II I I II II III III III
23.10.1999	Тошкент	1. Йўлдошев Д. 2. Раҳимов А. 3. Турғунов Т. 4. Абдуллаев М. 5. Михайллов С. 6. Чагаев Р. 7. Сайдов Р. 8. Набиев Д. 9. Наимов С.	48 54 57 63,5 81 91 91 60 67	I I I I I I I III III

17.06.2002	Малайзия	1. Дониёров Т. 2. Хидиров Б. 3. Сарсекбоев Б. 4. Хусанов Ш. 5. Ҳайдаров Ў. 6. Бердиев И. 7. Михайлова С. 8. Саидов Р.	51 54 63,5 67 75 81 91 91	III I I III I I III I
25.08.2005	Вьетнам	1. Ҳайдаров Ў. 2. Матчонов Ж. 3. Саидов Р. 4. Абдураҳмонов Ш	81 91 91 75	II II II III
03.06.2007	Мўғилистон	1. Расулов Э. 2. Отаев Н. 3. Саидов Р. 4. Шойимов О. 5. Хидиров Б. 6. Назаров О. 7. Матчонов Ж	75 81 91 54 60 48 91	I I I II II III III
24.11.07	Қозогистон	1. Тожибоев Ҳ 2. Ахмедов К 3. Солиев У 4. Абдуллаев Ш 5. Раҳмонов А	54 57 +91 75 91	I I I III III
07.06.09	КНР	1. Раҳмонов С 2. Расулов Э 3. Дониёров Т 4. Тожибоев Ҳ 5. Абдуллаев С	64 81 54 57 +91	I I II II II

5-жадвал

Ёшлар Олимпиада ўйинлари

II. ЁШ БОКСЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУРЛАРИ

Боксчиларнинг умумий ўргатиш ва машқ бажартириш жараёни ёш шуғулланувчиларни ўргатиш ҳамда тарбиялаш асосийси ҳисобланади. Ёш шуғулланувчи – бу ўргатишнинг биринчи босқичидан ўтган ва III спорт разрядига эга бўлиш учун расмий мусобақаларда қатнашувчи боксчидир. Бу босқич, одатда, 8 дан 12 ойгача давом этади. Ёш шуғулланувчи қандай техника мактабини ўтиши, у қанчалик жисмоний тайёргарликка эга бўлиши, қанчалик тез ўзининг жанг олиб бориш услубини топа олиши, спортчи сифатида қандай тарбия олишига қараб, унинг спортдаги кейинги фаолияти шуларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўргатишнинг биринчи йили спортчининг бокста бўлган қобилиятини аниқлаш учун ҳал қилувчи муддат бўлибгина қолмай, балки унинг психик тайёргарлиги, интилишлари, қизиқишлиари, кайфияти, интизоми, меҳнатсеварлиги даражасини аниқлаш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг ҳаммаси мураббий зиммасига юклатилади. У ёш шуғулланувчиларнинг бокста қизиқишиларини уйғотиш, уни сақлаб қолиши, спортчиларнинг қобилияtlарини аниқлаш ҳамда уларни ривожлантириш учун юксак касб иқтидорини намоён қилиши лозим.

Ёш шуғулланувчилар билан ишлайдиган мураббий юқори малакали мураббий ва педагог бўлиши, ўз спорт

Йили	Ўтказилган жойи	Фамилияси, исми	Вазни	Ўрин
27.08.10	Сингапур	1.Мамаджонов А. 2. Хурбоев З. 3. Бегалиев С.	69 48 81	II III III

турини яхши билиши, психология, педагогика, физиология соҳаларига оид масалаларда чуқур билимга эга бўлиши, сиёсий жиҳатдан билимдон ҳамда юксак маданиятли мутахассис бўлиши керак.

Ёш шуғулланувчилар гурухини энг яхшиси саралаш асосида ташкил қилиш лозим. Бунда асосан спортчиларнинг психик ва жисмоний сифатлари даражаси аниқланади. Мураббийни қизиқтирадиган кўпгина сифатларнинг ривожланиш даражасини спорт ва ҳаракатли ўйинлар, буюмлар ва тўсиқлар билан эстафеталар, тезлик, координация учун маҳсус машқлардан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин.

Ёш шуғулланувчилар ўқув гуруҳлари олдида турган асосий вазифалар:

- боксга қизиқиши уйфотиш ва спортдаги меҳнат-севарликни тарбиялаш;
- соғлиқни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик;
- боксчи учун зарур бўлган сифатларни (чаққонлик, тезкорлик, куч, чидамлилик ва ҳ.к.) ривожлантириш;
- бокс техникаси асослари, силжиб юришлар механикаси, зарбалар ва ҳимояланишларни ўрганиш;
- оддий техник-тактик ҳаракатларни асосан узоқ ва ўрта масофаларда ҳамда уларнинг элементларини яқин масофада ўрганиш;
- снарядларда бажариладиган маҳсус машқлар малакаларини эгаллаш;
- бокс тўғрисидаги баъзи назарий маълумотлар билан танишиш;
- ички мусобақаларда қатнашиш орқали жанговар тажриба орттириш;
- III разряд меъёрини бажариш.

Ёш шуғулланувчилар учун мұлжалланган дастур бүйіча үқув-машғулоттарни ўтказишига доир услубий күрсатмалар

Умумий жисмоний тайёргарлик

Мунтазам умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик бокс техникаси ҳамда тактикасини әгаллашда асос бўлиб ҳисобланади. Боксчи маҳсус жисмоний машқлар малакасини қанчалик әгаллаб олишига қараб, унинг спортдаги келгуси фаолияти шунга боғлиқ бўлади.

Жисмоний тайёргарлик воситаларини қўллашнинг асосий вазифаси – умумий жисмоний ривожланиш, суюкбойлам аппаратини мустаҳкамлаш, бўғимлардаги катта ҳаракатчанлиқ, ҳаракат координацияси, мувозанатни сақлай олиш кўнижмасини ривожлантириш, шунингдек, юрак-қон томир тизими ва нафас олиш органлари ишини яхшилаш.

Маълум бир ҳажм ва шиддатдаги машқларни танлаёт-тиб, шуни ёдда тутиш лозимки, биз ёш боксчилар, одатда, ўсмиirlар билан иш бошламоқдамиз. Шунинг учун уларнинг ёшга хос анатомик-физиологик ва психик хусусиятларини ҳисобга олишимиз лозим.

Ҳар бир шуғулланувчи сафланиш машқлари малакасини әгаллаши керак.

Умумий ривожлантирувчи машқларга боксчилар учун маҳсус бўлган юриб, тик туриб, ўтириб, ётиб қўллар, елка камари, гавда, оёқлар, бўйин мушаклари учун машқлар билан қўшиб бажариладиган гимнастика; мушакларни комплекс ривожлантириш учун буюмлар билан машқлар (қисқа ва узун арқонлар, гимнастика таёқчаси ва булавалар, теннис, тўлдирма ҳамда баскетбол тўплари, гантеллар); акробатика машқлари, шерик билан қаршиликда бажариладиган машқлар, мувозанатдан чиқариш машқлари, чангидা

юриш, конкида югуриш, эшкак эшиш, сузиш, резиналар билан машқлар ва ҳ.к. киради.

Куч, тезкорлик, координация ва чидамлиликтин комплекс ривожлантириш учун гимнастика снарядларида бажариладиган машқлардан фойдаланилади: арқон ва чүпга тирмашиб чиқищ, хода устида юриш, турниқда, параллел брусларда, ҳалқаларда машқлар, таяниб сакрашлар; енгил атлетика машқлари (югуриб келиб баландликка сакраш, улоқтириш ва ирғитишлар, кесишган жой бўйлаб югуриш, қисқа масофага югуриш). Боксчилар фаолиятига қўйидаги спорт ўйинлари яқин: қўл тўпи, теннис, баскетбол.

Мураббий боксчиларга шундай машқларни тавсия этиши лозимки, бу машқлар ҳар бир боксчидаги ривожланишда орқада қолаётган жисмоний сифатларнинг ривожини таъминлаши зарур. Улар билан нафақат гуруҳ бўлиб маҳсус машғулотлар пайтида, балки бокс машғулотларидан бўш бўлган кунларда ҳам шуғулланиш даркор.

Маҳсус жисмоний тайёргарлик

Маҳсус жисмоний тайёргарлик боксчилар учун хос бўлган жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган. У бокс техникаси усуllibарини эгаллаш ва уларни такомиллаштириш билан бир вақтда олиб борилиши лозим. Мураббий машқларни шундай танлайдики, ёш боксчи маълум бир доирадаги техник қўникумга ва малакаларни эгаллаб олиши мумкин бўлиши керак. Ундан узоқ вақт давом этадиган чидамлилик машқларини ёки тез-тез бажариладиган тезкор-куч ҳаракатларини талаб этиб бўлмайди, чунки жангда ёш боксчи асосан 2 минутдан иборат 2-3-раундли жанг ҳисобидан тезкорлик, чидамлилик, координация ва бошқа сифатларни намоён қилиши, ҳимояланиш, силжиб юриш, зарбалар бериш техникасини қўллашда маҳорат кўрсатиши

лозим.

Ёш шугулланувчини кўп сонли умумий ва маҳсус машқлар билан қўмиб ташлаш мақсадга мувофиқ эмас. Унинг бокс билан шугулланиш учун вақти кам, шунинг учун шундай машқларни танлаш керакки, улар комплекс ривожлантириш вазифаларига жавоб бериши лозим. Булар қўйидагилар: кросс, қисқа масофага югуриш, чаққонликни ривожлантириш учун машқлар (спорт ўйинлари), шериклар билан машқлар, маҳсус гимнастика, тўлдирма ва теннис тўпларини бир-бирига ошириш, мувозанат, атрофни хис қилиш, бўшашиб ҳамда ҳаракат эркинлигини тарбиялаш учун машқлар.

Тўп билан, резинкаларда, пневматик груша, арқон билан бажариладиган машқлар техникасини эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўргатиш жараёнида умумий жисмоний тайёргарлик учун асосан секция машғулотлари жадвалига кирмайдиган алоҳида машғулотлар ва кунлар ажратилади. Маҳсус жисмоний тайёргарлик учун ихтисослашган (маҳсус) машғулотлар (ҳафтасига 2 соатдан 3 марта) қўлланилади. Одатда, машғулотнинг биринчи қисмида координация ва тезкорликни тарбиялашга қаратилган машқлар қўлланилади, охирида эса снарядларда бажариладиган машқлар ҳамда этилувчанлик ва куч сифатларини ривожлантириш учун, шунингдек, тезкорлик, координация, чаққонликни комплекс ривожлантириш учун (бу сифатларни ривожлантириш учун ҳаракатли ва спорт ўйинларидан фойдаланиш мумкин) маҳсус гимнастика қўлланилади.

Умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарликни режалаштираётib, ёш шугулланувчининг бутун ўргатиш ҳамда машқ қилдириш муддати давомида унинг улуш ҳажмини ҳисобга олиш лозим. Машғулотлар бошида умумий жисмоний

тайёргарликка маҳсус тайёргарликка қараганда кўпроқ эътибор қаратилади. Боксчи техникани эгаллаб боргани сари машғулотларга техникани сифатли ўзлаштиришга ёрдам берувчи маҳсус жисмоний тайёргарлик бўйича машқларни кўпроқ киритиш лозим, ихтисослашган машғулотлар астасекин маҳсус машқлар билан тўлдириб борилади.

Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича назорат меъёрлари

Жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш ва жисмоний сифатларини ривожлантириш жараёни мунтазам олиб бориладиган педагогик назоратни тақозо этади.

Умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик бўйича назорат машқларининг бажарилиши назоратнинг таъсирили воситаси ҳисобланади.

Бошловчи боксчилар (биринчи йил машғулотлари)

1. Югуриш 100 м – 14,5 с.
2. Югуриш 800 м – 2 мин 40 с.
3. Югуриб келиб узунликка сакраш – 4,00 м
4. Труниқда тортилиш – 8 марта
5. Ётиб таяниб, қўлларни букиб-ёзиш – 10 марта
6. Боксчининг вазни қўйидагича бўлганда 5 кг оғирликтаги босқонни улоқтириш:

- 60 кг гача – 7,5 м
- 71 кг гача – 8,5 м
- 71 кг дан ортиқ – 9,8 м

III разрядли боксчилар гурӯҳи

1. Югуриш 100 м – 14,0 с
2. Югуриш 1500 м – 6 мин 30 с
3. Югуриб келиб узунликка сакраш – 4,30 м
4. Боксчилар қўйидаги вазн тоифаларига бўлинганда турниқда тортилиш:

- 60 кг гача – 10 марта

- 71 кг гача – 8 марта

- 71 кг дан ортиқ – 6 марта

5. Ётиб таяниб, құлларни букиб-ёзиш – 12 марта

6. Боксчилар вазни қуйидагида бўлганда 7,257 кг оғирлиқдаги босқонни улоқтириш:

- 60 кг гача – 6,50 м, 5,00 м

- 71 кг гача – 7,50 м, 5,50 м

- 71 кг дан ортиқ – 8,50 м, 6,50 м

II разрядли боксчилар гурӯҳи

1. Югуриш 100 м – 13,6 с

2. Югуриш 1500 м – 5 мин 10 с

3. Югуриб келиб узунликка сакраш – 4,50 м

4. Боксчилар қуйидаги вазн тоифаларига бўлинганда турниқда тортилиш:

- 60 кг гача – 12 марта

- 71 кг гача – 10 марта

- 71 кг дан ортиқ – 8 марта

5. Боксчиларнинг вазни қуйидагида бўлганда 7,257 кг оғирлиқдаги босқонни улоқтириш:

- 60 кг гача – 7,50 м, 5,50 м

- 71 кг гача – 8,50 м, 6,50 м

- 71 кг дан ортиқ – 9,50 м, 7,50 м

I разрядли боксчилар гурӯҳи

1. Югуриш 100 м – 13,0 с

2. Югуриш 300 м (кросс) – 11,0 мин

3. Югуриб келиб узунликка сакраш – 4,80 м

4. Боксчилар қуйидаги вазн тоифаларига бўлинганда турниқда тортилиш:

- 60 кг гача – 15 марта

- 71 кг гача – 12 марта

- 71 кг дан ортиқ – 10 марта

5. Ётиб таяниб, қўлларни букиб-ёзиш – 25 марта
6. Боксчиларнинг вазни қуийдагича бўлганда 7,257 кг оғирлиқдаги босқонни улоқтириш:

- 60 кг гача – 8,50 м, 6,50 м
- 71 кг гача – 9,00 м, 7,00 м
- 71 кг дан ортиқ – 10,50 м, 8,00 м

Эслатма: ядро ирғитишда биринчи ўринда энг қучли қўл учун, иккинчи уринишида бўшроқ қўл учун натижалар кўрсатилган.

Техник-тактик тайёргарлик бўйича назорат машқлари.

Техник назорат меъёrlари боксчининг шахсий хусусиятларига биноан белгиланади: у қандай зарбалар ва ҳимояланишлардан фойдаланишини афзал қўради, қандай усуllарни у бошқаларига нисбатан яхшироқ бажаради; нимани мувоффақиятлироқ амалга оширади – ҳужумними ёки қарши ҳужумними, узоқ, ўрта ёки яқин масофадан жанг олиб боришними, битталиқ, қўшалоқ ёки серияли зарбаларми. Мусобақа натижалари спорт тайёргарлиги даражаси кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Ёш шуғулланувчилар (бошловчилар) гуруҳлари

1. Жанговар туриш холатида битталиқ ва биргалиқдаги қадамлар билан турли хил йўналишларда (шериксиз) силжиб юришлар.

2. Олдинга, орқага ва ён томонларга қадам ташлаб зарба бериш мумкин бўлган жанговар масофани аниқлаш мақсадида узоқ масофада туриб шериги олдида силжиб юришлар.

3. Битталиқ, қўшалоқ зарбалар билан ҳужум ва қарши ҳужум қилиш ҳамда узоқ масофада ҳимояланиш ҳаракатлари (усуллари).

4. Снарядларда зарбаларни машқ қилиш.

III разрядли боксчилар гурухлари

1. Қадам ташламасдан туриб зарба бериш мүмкін бўлган масофани аниқлаш мақсадида шайланган жанговар туриш ҳолатида ўрта масофага кириш олдида силжиб юришлар.

2. Ўрта ва яқин масофалардан туриб бериладиган зарбалар ҳамда ҳимояланишларнинг турли уйғунликлари, қарши хужум қилиш қўнимаси.

3. Ўрта ва яқин масофага кириш.

4. Узоқ ва ўрта масофаларда чапақай боксчига қарши жанг олиб бориш усуллари.

5. Бокс снарядларида зарбаларни машқ қилиш.

II ва I разрядли боксчилар гурухлари

1. Барча масофаларда жанг олиб бориш усуллари ва йўллари, уларнинг тактик қўлланилиши.

2. Манёвр олиб бориш ва ринг бўйлаб силжиб юришлар, турли жанг вазиятларида хужум ва қарши хужум қилиш қўнимаси.

3. Ўзининг жанг услуби ва тактикасининг у ёки бу йўналиши билан ажралиб турувчи боксчиларга қарши жанг олиб бориш.

Техник-тактик тайёргарлик

Боксчиларни ўргатиш жараёнида техника ва тактикани ўрганиш катта ўрин эгаллайди. Ёш шуғулланувчини ўргатишнинг энг асосий вазифаларидан бири – боксчи учун зарур бўлган жисмоний сифатларнинг (тезкорлик, этилувчанлик, чаққонлик, мувозанат, маҳсус чидамлилик, куч ва бошқ.), шунингдек, силжиб юриш, зарба бериш, ҳимоя ҳаракатлари ҳамда қарши зарбалардаги техник малакаларнинг ҳар

томонлама ривожланишини таъминловчи машқлар техникасини эгаллашдир. Шу сабабли бу машқларга катта эътибор қаратиш ва шуғулланувчилардан ҳаракатларни аниқ бажаришларини талаб этиш лозим.

Ёш боксчини ўргатишда курс бошида, тахминан 2-3 ой давомида, ўқув-машғулотларда боксдаги ҳаракатларнинг биомеханикавий асосларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Ёш боксчи ҳаракат эркинлиги ва маҳсус машқлар комплексини эгаллаши лозим.

Мақсад шундан иборатки, боксчи турли хил дастлабки холатлардан туриб рақибга қарши ҳужум қилишни билиши зарур. Бунинг учун ҳаракатланаётуб зарбалар бериш ва ҳимояяга ўтиш машқлари қўлланилади. Улар юзма-юз туриб ва ёнламача турган холатлардан ўрганилади ҳамда оёқларга қарама-қарши ёки мос қўллар билан бажарилади. Қўлга қарама-қарши оёқда ўргатишда, чап қўлда зарба ҳаракати юзага келган пайтда гавда оғирлиги ўнг оёққа тушади, ўнг қўлда зарба берилганда гавда оғирлиги чап оёққа тушади. Қўлга мос оёқда ўргатишда чап қўлда зарба бериш пайтида гавда оғирлиги чап оёққа тушади ва аксинча.

Бу ҳаракатлар аввал алоҳида ўрганилади, бунда боксчи ўз ўрнида туради, сўнгра олдинга, орқага ва ён томонларга ҳамда айлана бўйлаб қадам ташлаб бажарилади.

Зарба беришда бир нечта ҳаракатларни бирга қўшиб бажаришга эришиш керак. Бунда қўлларга нисбатан қарама-қарши оёқларда ҳаракатланишдан мос оёқларда ҳаракатланишга ўтиш, ва аксинча, ҳам рўпарада туриш, ҳам жанговар тик туриш холатида ҳаракат қилиш лозим. Худди шу схема бўйича турли хил жанговар ҳаракатлардан туриб ҳимоя ҳаракатларини ўрганиш зарур: оғишлар, шўнгишлар, орқага, олдинга, ён томонларга, айлана бўйлаб қадам ташлашлар, қўллар билан ҳимояланишни имо-ишора

орқали бажариш, комбинациялашган ҳимоялар.

Силжиб юришда ҳаракатланиш, зарбалар ва ҳимояланышларни тез эгаллаб олишга ёрдам берадиган бир қатор машқлар бир вақтда ўрганилади ва такомиллаштирилади. Бунда ҳимоя ҳаракатларидан кейин кейинчалик қарши

хужумга ўтиш мақсадида қулай дастлабки холатни яратишга өзбек бериш жоиз.

Машғулотларнинг биринчи куниданоқ жанг олиб бориши жараёнида боксчиларда “бир қўллик” малакаси ривожланмаслиги учун уларни ҳам ўнг, ҳам чап қўлда ҳаракат қилишга ўргатиш керак. “Бир қўллик” қўпчилик боксчиларнинг ҳаракат қилишдаги имкониятларини чеклайди. Ёш шуғулланувчиларни ўргатиш дастурида кўзда тутилган техник воситаларни муваффақиятли ўзлаштириш учун маълум бир кетма-кетликка риоя қилиш мақсадга мувофиқ. Аввал узоқ масофадаги ҳаракатлар, тўғридан бошга ҳамда гавдага битталик зарбалар билан ҳужумлар ўрганилади ва такомиллаштирилади. Кейин, агар боксчи чап томонлама тик туришда турган бўлса, чап қўлда ёндан бошга зарба бериш ёки, агар боксчи ўнг томонлама тик туришда турган бўлса, ўнг қўлда ёндан бошга зарба бериш ўргатилади. Бундай зарбалар аввал шартли равищда, кейин эркин бажарилади. Сўнгра орқага ва ён томонларга қадам ташлаш, кафт, елка, билак билан тўсиш, қайтариш ҳамда оғишлар ёрдамида ҳимояланишлар ўрганилади. Битталик зарбалар ва улардан ҳимояланишлар (асосан узоқ масофада) ўргатиб бўлингандан сўнг аввал шартли равищда топшириқ бўйича, кейин эса эркин танлашгина кўра ҳимояланишни қўллаган ҳолда кетма-кет бериладиган иккита ва учта зарбаларга ўтиш даркор.

Ёш боксчи силжиб юриш, хужум зарбалари, ҳимояланишлар техникасини етарли даражада ўзлаштириб олганидан сўнг у жавоб шаклидаги қарши зарбаларни ўрганишга киришиши мумкин.

Қарши зарбаларни қуйидаги кетма-кетлиқда ўрганиш лозим:

1. Чап ёки ўнг қўлда тўғридан ёки ёндан бошга битталик зарба билан ёки тўғридан гавдага хужум қилинганда ҳимояланишлардан бири қўлланилади ва жавоб шаклида бошга ёки гавдага энг қулай қарши зарбалардан бири берилади.

2. Битта зарба билан хужум қилинганда – жавоб шаклидаги иккита кетма-кет зарбалар билан ҳимояланиш ва қарши хужум қилиш.

3. Иккита зарба билан хужум қилинганда – битта зарба билан ҳимояланиш ва қарши хужум қилиш.

4. Иккита зарба билан хужум қилинганда – жавоб шаклидаги иккита зарба билан ҳимояланиш ва қарши хужум қилиш.

Бунда зарбалар ва ҳимояланиш ҳаракатларининг тўғри бажарилишига, шунингдек, боксчининг ҳимояланишдан кейинги дастлабки холатига (кейинчалик қарши зарбалар бериш мақсадида) асосий эътиборни қаратиш лозим.

Шерикнинг хужумлари ва жавоб қарши хужумларига қарши ҳимояланиш ҳаракатлари яхши ўзлаштириб олинмагунча қаршидан бажариладиган қарши хужум зарбаларига ўтиш тавсия этилмайди.

Узоқ масофада ҳимоя зарбалари ва улардан ҳимояланишларни тўлиқ ўзлаштириб олиб (бу техник-тактик тайёргарлик учун ажратилган бутун вақтнинг тўртдан уч қисмини эгаллайди), ёш боксчи ўрта масофадаги ҳаракатларни ўрганишга киришади. Хужумлар ва ҳимояланишларни ўрганиш ҳамда такомиллаштириш худди шу тартибда ўтади: аввал битталик зарбалар билан, кейин битта хужум зарбасига битта жавоб зарбаси, битта хужум зарбасига иккита жавоб, иккита хужум зарбасига битта жавоб зарбаси ва ҳ.к.

Ўрта масофада асосан ёндан ва пастдан зарбалар қўлланилиши сабабли, шўнғишлиар, оғишлар, тўхтатишлиар,

кафт, елкаларни қўл устига қўйиш ва қочишилар билан ҳимояланишлар ўрганилади ҳамда такомиллаштирилади.

Ёш шуғулланувчилар учун мавзулар режасида ўрта ва яқин масофадаги ҳаракатларни ўрганишга кам вақт ажратилиади. Асосан ўргатиш босқичи охирида ёш боксчини яқин масофадаги жанг малакалари, аниқроғи, унинг элементлари билан таништирилади.

Ёш шуғулланувчини ўргатиш даврида унинг шахсий сифатлари, феълатвори, қатъиятлилиги, техника ва тактиканни эгаллаш даражаси, жисмоний имкониятларидан келиб чиқиб, жанг олиб бориш услубини аниқлаб олиш лозим, шунинг учун боксчи ҳамма масофаларда жанг олиб боришнинг барча турларини синааб кўриши лозим.

Техникани ўргатишда баъзи услубий қўрсатмалар

Силжиб юриш. Шуғулланувчилар мураббийнинг умумий буйруғи билан олдинга, орқага ва ён томонларга қадам ташлашни бажарадилар. Мураббий боксчиларнинг силжиш пайтида гавда оғирлитини оёқдан оёққа тўғри кўчиришларини қузатиб боради.

Олдинга, орқага, ён томонларга битталик, иккиталик ва учталик қадам ташлашларни ўзлаштириб олиб, “мокисимон” қадам ташлашларни ўрганиш ҳамда такомиллаштиришга киришиллади.

Шуғулланувчилар жуфтликлардаги машқларни мустақил бажаришлари керак. Ҳар бир жуфтлик ўзига ажратилган жойда ҳамма томонларга силжиб ҳимояланиши лозим. Ўқитувчи ўхшаш хатолар бўйича умумий огоҳлантиришлар беради.

Ўрта қа яқин масофаларда силжиб юриш учун қадамлар қисқароқ бўлиши зарур. Бунда боксчи ўзини йигиб

олган, бирмунча олдинга әгилган бўлади. Ҳар хил масофаларда силжиб юриш услубларини ўзлаштириб олиб ва зарба ҳаракатлари механикасини ўрганиб бўлиб, қадам ташлашларни қўлга нисбатан мос ҳамда қарамақарши оёқлар остида имоишоралар ёрдамида кўрсатиладиган зарба ҳаракатлари билан бирга қўшиб бажариш керак.

Силжиб юриш техникасини ўрганишда бошида қуидаги хатолар кўпроқ учрайди:

- а) гавда, бош ва қўлларнинг нотўғри холати;
- б) силжиб юришларда оёқлар орасидаги масофанинг бузилиши;
- в) оёқлар учидаги эмас, балки бутун оёқ кафтида силжишлар;
- г) гавда ҳаракати ва оёқлар ўртасидаги ёмон координация;
- д) тўғри силжиб юришни қийинлаштирувчи оёқ кафтларининг нотўғри жойлашиши;
- е) нотўғри силжиб юриш оқибатида мувозанатни йўқотиши.

Боксчиларни бошлангич ўргатиш даврида айниқса силжиб юришга қўп вақт ажратиш лозим. Силжиб юриш машқларини турли йўналишдаги машғулотларда амалда қўллаш даркор.

Зарбалар. Тўғри зарба бериш техникасини муваффақиятли эгаллаб олиш шуғулланувчиларни зарба бераётган қўл муштининг асосий холатлари, шунингдек, жароҳатланишни олдини олиш мақсадида панжани тўғри бинтлаш малакалари билан таништиришдан бошланади. Аввал зарбаларни ўргатиш бир жойда туриб, кейин олдинга, орқага, ён томонларга ва айлана бўйлаб қадам ташлаш билан амалга оширилади. Зарба беришга ўргатаётib, уларнинг аниқ, тез ва кескин тарзда берилишини таъминлашга алоҳида эътибор

қаратиши лозим. Бироқ бошланғич ўргатиши босқицида шүгүлланувчилардан күчли “бұзғунчи” зарбалар беришни талаб этмаслик лозим, чунки ҳаракат техникасини әгаллаш жараёни анча секинлашади ҳамда зарбалар билан қўпол тарзда алмашиш бошланади. Зарбани эркин, зўриқишиз бошлаш, ҳаракат охирига келиб уни тезлаштириш ва нишонга теккан заҳоти дарров тўхтатиши керак. Шүгүлланувчиларга доимо шуни эслатиб туриш жоизки, зарбаларни силтанишсиз бажариш зарур, чунки ортиқча силтаниш зарбани аниқ йўллашга халақит беради ва ракибга химояга ўтиш учун сигнал бўлиб хизмат қиласи.

Боксчилар қўлга нисбатан мос ва қарама-қарши оёқлар остида битталик зарбаларни жойида туриб, олдинга, орқага, ён томонларга қадам ташлаб бажаришни әгаллаб олганларидан сўнг мураббий уларни ўзаро қўшилиб алмашинадиган бир типли ва ҳар хил типли зарбаларни беришга ўргата бошлайди.

Битталик, қўшалоқ ва айниқса серияли зарбаларни ўргатишида спортчилар мустаҳкам мувозанатни сақлашлари лозим.

Энг қўп учрайдиган хатолар:

- 1) зарбалар беришда ҳаракатларнинг нотўғри динамикаси;
- 2) зарба беришда қўллар ҳаракатлари билан бирга олдинга, орқага ва ён томонларга силжиб юришларда нотўғри координация;
- 3) хужумлар пайтида йиғилувчанликнинг йўқлиги, зарбалар силтаниб бажарилади, бош қўтарилиган ва зарба учун очиқ қолган;
- 4) зарба муштнинг тақиқланган жойи билан берилади;
- 5) боксчининг ҳаракатлари чекланиб қолган, ҳаракат эркинлиги йўқ;

- 6) зарбалар фақат битта дастлабки холатдан берилади;
- 7) зарба кучли, лекин ноаник.

Химояланиш ҳаракатлари. Боксчилар бир вақтнинг ўзида ҳам зарбалар, ҳам химояланиш техникасини ўзлаштириб боришлари лозим. Химояланишларни жуфтлиқда ўрганишга киришишдан олдин ҳамма химояланишларни мустақил бажаришни ўрганиб олиш, ўз ҳаракатларини кўзгу олдида назорат қилишни билиш, мураббийнинг огоҳлантиришларини ҳисобга олиш зарур.

Ўкув жараёни шундай қурилиши керакки, унда химояланиш ҳаракатларини ўрганиш ва такомиллаштиришга, янги шуғулланувчи боксчини ўргатишнинг бошқа томонларига қараганда, кўпроқ вақт ажратилиши зарур.

Химояни ўз вақтида қабул қилиш лозим ва албатта шунга интилиш керакки, бу ҳимоя химояланувчиларга кейинги қарши ҳужумлар учун қулай дастлабки холатни яратиши даркор.

Химояланиш ҳаракатларини такомиллаштириш мураббий ва боксчи томонидан алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этади. Бутун спорт фаолияти давомида ҳар бир машғулотда химояланишларни мунтазам такрорлаб бориш, уларнинг бажарилиш техникасини такомиллаштириш, уларни автоматлашган ҳолда бажарилишига етказиши зарур.

Химояланиш ҳаракатларини шундай кетма-кетлиқда ўрганиш тавсия этилади: силжиб юриб химояланиш, қўлларни қўйиб химояланиш, қўлни қўйиш ва қайтаришларни орқага ҳамда ён томонларга қадам ташлашлар, орқага оғишлиар билан бирга қўшиб бажариш. Химояланишнинг бундай шакллари узоқ масофадаги жангта хосдир. Сўнгра ҳал қилувчи ҳаракатлар учун анча қулай имконият яратиб берувчи химояланишларнинг анча мураккаб шаклларини ўрганиш ва такомиллаштиришга киришилади. Улар қуйи-

дагилар: гавда билан ҳимояланишлар, түгридан берилган зарбаларни ён томонларга ва орқага оғишилар, ёндан берилган зарбалардан шўнғишлар. Ва ниҳоят, комбинациялашган ҳимояланишлар ўрганилади: қўл қўйишларни оғишилар ва шўнғишлар билан бирга бажариш ёки орқага ҳамда ён томонларга қадам ташлашни қайтаришлар, қўл қўйишлар билан бирга бажариш ва ҳ.к.

Зарба бериш ва ҳимоя ҳаракатлари техникасини янада муваффақиятлироқ такомиллаштириш мақсадида аввал хуҷумлар ҳамда улардан, жавобсиз ҳамда қаршидан бериладиган қарши зарбалардан ҳимояланишлар ўрганилади. Боксчилардан бири маълум бир зарбалар билан хужум қиласи, бошқаси ҳимоя қўллайди ва бу биринчи боксчи зарбани тўғри беришга, иккincinnиси эса аниқ ва ишончли ҳимояланишни ўрганиб олгунга қадар давом этади.

Икки томонлама ўргатишда шерик билан аввал топширилган, кейин эркин комбинациялар ўрганилади. Вақти вақти билан назорат учун ҳаракатларни секин суръатда бажариш лозим. Битта хужум зарбасига қарши ҳар хил ҳимояланишларни қўллаш яхшироқ. Бунда уларни эркин зўриқишиз бажариш керак ҳамда асосан ҳаракатлар қанчалик тўғри бажарилаётганлигини кузатиб туриш лозим. Лекин техникани эгаллаб олган сайин тезроқ ҳаракатланиш зарур бўлади.

Ўргатиш ва машқ қилдиришда бундай кетма-кетлик шуғулланувчига турли-туман техник воситаларни эгаллаб олиб ўзининг жанг олиб бориш услубини тезроқ топишга, мўлжал олишни яхшилашга, зарбалар бериш аниқлигини такомиллаштиришга, ҳимояланишларни тўғри бажаришга, фаол қарши ҳаракатлар учун қулай дастлабки холатни танлаб олишга имкон беради.

Кўп учрайдиган хатолар:

- 1) берилаётган зарбадан ҳимояланишни вақтидан олдин бажариш;
- 2) ҳимояга ўтишда кечикиш;
- 3) оғишлар ва шўнғишилар билан ҳимояланишларни катта амплитудада бажариш;
- 4) орқага чекиниш билан ҳимояланишда масофани ҳаддан ортиқ узайтириб юбориши;
- 5) рақибга яқинлашаётганда қўлларнинг нотўғри ҳолати;
- 6) шахсий хужумлар пайтида эҳтиёткорликнинг йўқлиги (қўл эркин, ёки туширилган, ёки орқага ва ён томонга узатилган).

Яқин масофадаги жанг. Ўргатиш ва машқ қилдиришнинг биринчи босқичида яқиндан жангта кам эътибор қаратилади. Бироқ ҳар бир ёш боксчи рақибга яқинлашганда унинг харакатларини бартараф этиш ёки муваффакиятта эришиш учун қандай йўл тутишни билиши керак.

Яқиндан жанг боксчидан ўнг ва чап қўлларда бирдек тенг харакат қилишни тақозо этади. Яқин масофадаги жанг усуllibарини фақат шерик билан ўрганиш зарур. Иккала боксчи “йифик” жанговар тик туришни эгаллашлари ва эркин, зўриқишиз қўлларнинг қулагай холати учун кураш олиб боришлари лозим. Зарбалар бериш мумкин бўлган холатларни яхши ўрганиб олиш шарт. Қуршаб олиш, зарба бериш ва манёвр олиб бориш техникасини эгаллаб олиш билан турли хил холатлардан, рақибдан орқага ва ён томонга қисқа узоқлашиб, унинг орқасига ўтиб олиб зарба бериш билан боғлиқ бўлган усуllibарни ўрганиш ҳамда такомиллаштиришга ўтиш керак. Зарбаларни рақиб қўллари орасидан ёки қўллари устидан беришга ўрганиш лозим. Чунки яқиндан жанг олиб бориш санъатини яхши билмайдиган

рақиб узоқ масофада устунликка эга бўлиши мумкин, уни яқин масофада жанг қилишга мажбур этиш лозим.

Боксчининг техник ва тактик маҳорати масофаларда жанг олиб бориш, рақибнинг бўш техник ҳамда жисмоний сифатларини билиб олиш ҳамда рақибга ўзи учун мақбул бўлган жанг шаклини таклиф қилиш билан белгиланади.

Ёш шуғулланувчининг жангга тайёргарлиги. Ёш боксчи учун расмий мусобақада қатнашиш унинг бокста бўлган лаёқати аниқланадиган биринчи имтиҳон ҳисобланади. Лекин боксчининг мусобақадаги натижасига қараб хulosа чиқариш ярамайди. Ёш боксчининг мусобақадаги иштирокини у ўрганган малакалар ва қўнималарнинг намоён бўлиш даражасига қараб муваффақиятли ёки муваффақиятсиз, деб аташ мумкин. Боксчининг тайёргарликсиз қатнашишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Мусобақаларга тайёргарлик кўрсаткичи бўлиб физиологик, техник-тактик, жисмоний тайёргарлик ва психолого-шайланиш ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бирига ёш боксчини унинг ҳаётидаги биринчи жангга тайёrlашда эътибор қаратиш лозим.

Мусобақалардан икки ҳафта олдин машғулотларда мусобақаларни моделлаштириши бошлаш зарур: жанг олдидан бадан қиздириш машқларини ўtkазиш, секундантлар маслаҳатларидан факат танаффус пайтида фойдаланиш, ҳамма анъаналарга риоя қилиш, масалан, рингда жангни бошқариб борувчи ҳакам бўлиши керак.

Рингдаги жанговар амалиёт – ёш боксчининг мусобақаларда қатнашишига тайёргарлигининг энг муҳим воситасидир. Ўқув жангига тайёргарлик кўриш ва уни ўtkазиш пайтида боксчи куйидаги қоидаларга амал қилиши зарур:

1. Жангдан олдин яхшилаб бадан қиздириш.

2. Қоидаларда күзда тутилган тарзда құлларни бинт билан ўраб олиш.
3. Ниқоб ва капа кийиб олиш.
4. Рақибига қараганда кичик құлқоп киймаслик.
5. Анча бүш рақибларни излашга уринмаслик – машғулотлардаги ентил ғалабалар мусобақаларда оғир мағлубият билан яқунланиши мумкин.
6. Жангни вақтидан олдин тугатмаслик.
7. Агар носоғлом, ўзингизни ланж ҳис қилаёттан бўлсангиз, рингта чиқмаслик.
8. Чидамлиликни тарбиялаш мақсадида жангни юқори суръатда ўтказиш.
9. Жангда рақибни ютишга ва очколар бўйича устунликка эга бўлишга интилиш, лекин бунга қучли зарбалар ёки жангни қўпол тарзда олиб бориш ҳисобига эришиш ман этилади.
10. Ўзининг устуналигини намойиш қилиш учун рақибнинг бўшлигидан фойдаланмаслик, инсонпарвар, яхши ўртоқ бўлиш.
11. Жангда ҳамма масофаларда режага мувофиқ рақибнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўпроқ усуллар, қарши хужумларни қўллаш.
12. Ўкув жанг қанчалик оғир бўлганлигидан қатъи назар, дам олиш ва машғулотларни режа бўйича давом эттириш.
13. Машғулотдан сўнг мураббий билан ўтказилган жангни, ўзининг устуналиги ва камчиликларини таҳлил қилиш.
14. Машғулот охирида ёки эртаси қуни мураббий ва врачга ўзининг жангдан кейинги холати тўғрисида гапириб бериш.
15. Шартли жанглардан қочмаслик, уларни ясси қўлқоп

билин, снарядларда бажариладиган машқларга ўзгартири- маслик. Шуни ёдда тутиш керакки, снарядларда ва ясси қўлқоп билан бажариладиган машқлар ёрдамчи машқлар хисобланади. Боксчи учун ҳамма зарур сифатлар рингда рақиб билан жанговар машқлар ёрдамида ривожлан- тирилади.

Ўқув жангини ўз ичига олган машғулот одатда узоқ вақт давом этмайди (50-60 мин), лекин катта шиддатда ўтказилади. У қуидаги режа бўйича қурилади:

1. Бадан қиздириш – 20-25 мин.
2. Рингда жанг (режага мувофиқ бир неча раунд).
3. Тўлдирма ва пневматик грушаларда, тўп, резиналарда ҳамда теннис тўплари билан зўриқишиз машқлар – 2-3 раунд.
4. Мушакларни бўшаштириш ва организмни тинчлан- тириш учун секин, енгил гимнастика.

Агар машғулотга эркин жанг шароитларида техника ва тактикани такомиллаштириш ҳамда чидамлиликни тарбия- лашга йўналтирилган машқлар киритилган бўлса, унда рингдаги жангдан кейинги машқлар тинчлантирувчи хусу- сиятта эга бўлиши лозим.

Ёш боксчини ўргатишда ёшга хос хусусиятларни хисобга олиш

Ёш шугулланувчиларни тайёрлаш тўғрисида гап кетган пайтда шуни назарда тутиш лозимки, шугулланишни энди бошлаган боксчиларнинг кўпчилиги – бу ўсмиirlар. Шунинг учун уларни ўргатиш ва машқ қилдиришда хисобга олиниши лозим бўлган ёшга хос хусусиятларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Боксчилар ёшига кўра кичик (14-15 ёш) ва катта (16-17 ёш) ўсмиirlар гурухлари, ўспириналар (18-19 ёш) ҳамда катталар (20 ёш ва ундан катта) гурухларига ажратилади. Бу

гурӯхларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятларига эга ва улар мусобақалар қоидаларида ҳам ўз аксини топган.

14-18 ёшда организм жадал ривожланиб боради, куч тўпланади, чақонлик такомиллашади, чидамлилик ошади, ҳамма органлар иши яхшиланади, айниқса асаб тизими холати, юрак ва нафас олиш органлари фаолияти ўзгаради, гавданинг узунлигига тез ўсиши содир бўлади. Бироқ умуртқа, кўкрак қафаси, тос ва оёқ-кўллар суюкларининг қотиши ҳали якунига етмайди. Бойлам аппарати катталарникига қараганда анча чўзилувчанроқ бўлади. Шунинг учун 14-16 ёшда катта мушак кучланишларини бериб бўлмайди.

17-18 ёшдаги ўсмирларда мушак тўқимаси тез ўсади, юрак-қон томир тизими фаолияти янада мукаммалашади, томир уриш мароми камаяди, қон босими пасаяди, юрак уриш ҳажми катталарнинг юрак уриш ҳажмига яқинлашади. Айнан шу даврда мушакларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланиши жуда муҳимдир, чунки мушакларнинг бир гурӯхининг ривожланиши ички органларнинг нотекис ривожланишига ҳамда уларнинг иш фаолияти бузилишига олиб келиши мумкин.

Бокса техник ва тактик малакаларни эгаллаш узоқ вақт давом этадиган жисмоний ҳамда психик зўриқишилар билан боғлиқ.

Ўсмирлар билан ишлашда шуни ҳисобга олиш лозимки, улар қанчалик ёш бўлса, қўзғалиш жараёнлари фаол тормозланиш жараёнларидан шунчалик устунроқ бўлади. Узоқ муддатли зўриқишилар ёки ўтказиб юборилган зарбалар асаб тизимини ҳаддан ортиқ тормозланиш холатига келтириб қўяди, шунинг учун алоҳида машқлар орасида, катталарга қараганда, тез-тез ва узоқ давом этадиган танаффуслар бўлиши керак. Шунингдек, кучли зарбалардан воз кечиш лозим.

Ёш ўтиши билан конституция хусусиятлари, демакки, ўлчамлар, оғирлик, органлар ва тизимларнинг, айниқса асаб тизимининг фаоллиги ўзгариб боради. Шунингдек, куч сифатлари, тезкорлик, координация ва ҳ.к. яхшиланади.

Бутун организмнинг умумий жадал ўсиши билан бир қаторда юрак мушаги ҳам ўсади. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, юракнинг ривожланиши барибир бошқа органларнинг ривожланишидан ортда қолади ва, агар юқори юкламаларда мушаклар тизими, ички органлар мослашса ҳамда қўйилган талабларга бардош бера олса, юрак ўта зўриқиши билан ишлайди. Бундай ҳолларда юрак гипертонияси холати юзага келиши мумкин. Юрак-қон томир тизими иш қобилияти даражасини кўтаришга умумий жисмоний тайёргарлик ёрдам беради. Унда асаб ва жисмоний юклама аста-секин ортиб боради, асосан табиий машқларда: юриш, югуриш, чангидаги юриш, сузиш ва бошқ.

Ёш ўтиши билан болалар ва ўсмирларда қон босими аста-секин ортиб боради, қоннинг ҳаракатланиш тезлиги камаяди. Буни юрак-қон томир тизимининг у ёки бу жисмоний юкламага реакциясини аниқлаш учун функционал диагностика пайтида назарда тутиш жоиз. Қон босими 18 ёшга келиб анча барқарор даражага етади.

Юрак-қон томир тизими фаолиятининг ошиши нафас олиш тизими фаолияти кучайиши билан кузатилади: томир уриши тезлашади – нафас олиш ҳам тезлашади. Улар орасидаги мувофиқликнинг бузилиши организмнинг мослашувчанилигига таъсир кўрсатади, буни бокс билан шуғулланишда ҳисобга олиш жуда муҳим, чунки боксда ҳаракатлар ациклик хусусиятга эга ҳамда зўриқиши катталиги тез-тез ўзгариб туради.

16-18 ёшда ўпка массасининг тез ўсиши кузатилади, шу сабабли унинг тириклик сигими ошади. Болалар ва

ўсмирларда газ алмашинуви шиддати, катталарга қараганда, анча катта. Маълумки, мушак фаолиятининг фаоллиги, унинг иш қобилияти ишплаётган мушакларга етиб келаётган қон миқдорига боғлиқ. Мушак фаолияти қанча фаол бўлса, мушакларни озиқлантириш учун қонга бўлган эҳтиёж шунчалик катта. Шунинг учун бокс машғулотларида, масалан, ўқув жанги давомида, нафас олиши яхши йўлга қўйилмаган, жанг пайтида энг фаол ҳаракат қиласидан мушаклар (оёқлар, қўллар мушаклари) етарлича машқланмаган, боксчиларнинг асосий ҳаракатлари автоматлашган ҳолга келмаган боксчилар кўпроқ чарчайдилар. Ёш боксчиларда (ҳатто машқ қилган-ларда) жанг пайтида катта ёшдаги боксчиларга нисбатан толикиш анча эрта содир бўлади. Шунинг учун машғулотларни иложи борича кўпроқ очиқ ҳавода ўтказиш зарур, чунки ўсмирлар, катталарга қараганда, кўп миқдорда кислородга муҳтождирлар.

Боксда ветибуляр аппарат фаолияти муҳим аҳамият касб этади. У ўсмирларда ўзининг ривожига етиб бўлган бўлади. Машқ қилиб борган сари ўсмирларда мустаҳкам динамик мувозанатни сақлашга бўлган қобилият ортади, лекин мушаклар ҳали бақувват бўлмаганилиги туфайли, мувозанатта сабаб бўлувчи асад марказлари механик таъсирга юқори даражада реакция қиласиди. Бундай реакция айниқса мушаклари бўш ривожланган ёки астеник типдаги ўсмирлар учун хосдир.

Ўргатиш ва машқ қилдиришнинг энг асосий омилларидан бири ёшга хос психологияк хусусиятларни ҳисобга олиш ҳисобланади. Ўсмирлик ёшида бу сифатлар энди шаклана бошлайди, шунинг учун боксчилар тайёрлашда мураббийнинг ҳар бир шугулланувчига алоҳида педагогик ёндашуви мувваффақият гаровидир.

Ўсмирларда жинсий етилиш даврида сезиш қобилияти

анча ўткир, кўриш хотираси эса яхшироқ бўлади. Бу ёшда спортчилар юқори координацияга эга бўладилар ва техник малакаларни муваффақият билан ўзлаширадилар.

Ўсмирлар фикрлашда аста-секин изчилилликка эришадилар ва ўз ҳаракатларини назорат қила оладилар. Уларнинг идрок этиши барқарор эмас, кучлари ва матонати индивидуал хусусиятларга боғлиқ, энг кучли тасаввурлари ҳаракат тасаввури ҳисобланади. У ёки бу ҳаракатни яхши ўхшата туриб, улар янги усулни тез ўрганиб олишлари мумкин. Агар ўсмир ҳаракатларни ўхшатмоқчи бўлган боксчиларда кўргани каби қайта бажариб кўрсатмоқчи бўлса, бундай тасаввурлар аниқ бўлади. Рингдаги жангда яхши спортчини кўриб, ёш спортчилар унинг ҳаракатларини эслаб қоладилар ва уни қайтаришга интиладилар.

Ҳаёлдаги рақиб билан жант (“соя билан жанг”) “рақиб” тўғрисидаги, ўзининг ва унинг ҳаракатлари тўғрисидаги тасаввурларга қурилади.

Шунинг учун мураббий техник усулларни тўғри намо-йиш қилиши, баъзан юқори малакали боксчилар билан бирга машғулотлар олиб бориши, кўргазмали машғулотларни уюштириши, кучли спортчилар иштирок этадиган мусобақаларни бориб кўришни, кинофильмлар томоша қилишни ташкил этиши жуда муҳим. Ҳаракатларни тасаввур қилиш қанчалик ёрқин ва таъсирчан бўлса, уларни қайта кўрсатиб бериш ва бажариш шунчалик аниқ бўлади.

Жинсий етилиш даврида умумий хотира бирмунча пасаяди, лекин кўриш ва мотор хотира катталарга нисбатан анча юқори бўлади, шу сабабли ўсмирлар образларни эслаб қоладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўсмирлар узоқ ва бир хилда такрорланадиган битта усулдан кўра турли комбинацияларда ҳамда варианtlарда бажариладиган машқларни яхшироқ

Эслаб қоладилар. Боксчининг билим ва кўнижмалари қанча кўп бўлса, комплекс ҳаракатларни у шунча тез ҳамда аниқ эслаб қолади. Кўпгина маҳсус тайёргарлик машқларини мана шу тамоийил асосига қуриш керак.

Идрок этиш ва ҳаракат қилиш сифати ўрганилаётган предметга бўлган диққат-эътиборга боғлиқ бўлади. Бокс спортчилардан юқори даражадаги диққатни нафақат ўқув-машғулот жараёни вақтида, балки асосан мусобақалар пайтида тақозо этади. Бир оз бўлса ҳам эътиборсизлик, хушёрликни йўқотиш зарбанинг келиб тушишига сабаб бўлади. Боксчилар фақат ўз ҳаракатларига диққат-эътиборни қаратиб қолмасдан, балки рақиб ҳаракатларини ҳам кузатиб боришлари зарур. Ёш боксчилар машғулот пайтида ўз диққатларини битта вазифага жамлашлари жуда қийин, улар тез-тез чалғийдилар ва ўзлари учун қизиқарли бўлган нарсаларни бажарадилар. Шунинг учун мураббий вазифаларни тез-тез ўзгартириб туриши, шу орқали шуғулланувчиларда кўпроқ қизиқиш уйғотиши керак. Бундан ташқари, машқларни бажариш ҳаддан ташқари узоқ давом этмаслиги лозим.

Боксчиларда диққатни ривожлантириш учун мураббий биринчи навбатда вазифаларни бажаришда интизомли бўлишни талаб қилиши, машғулотларни қизиқарли олиб бориши, ҳар бир элементни, хоҳ у енгил бўлсин, хоҳ мураккаб, қизиқарли қилиб тушунтириши, шу орқали спортчиларда мустаҳкам диққатни уйғотиши зарур. Бирга ўргатиш учун шерилкларни тўғри танлаш, яхши жихозланган зал, машғулотларнинг эмоционал тарзда, қизиқарли ва ижодий ўтказилиши жуда муҳим.

Ўсмирлик ёшида энг асосий вазифа – бу бокс малакаларини муваффақиятли эгаллаш асоси ҳисобланган ҳар томонлама жисмоний ривожланиш бўлганлиги сабабли,

машғулотларни шундай ташкил этиш жоизки, машқлар күп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлаши даркор. Машғулотларда күпроқ спорт ва ҳаракатли ўйинлар, координация, тезкорликка мўлжалланган гимнастикা машқлари, югуриш, сакраш, комбинациялашган эстафеталар қўлланилиши лозим. Снарядларда ва снарядлар билан (тўлдирма ва теннис тўплари, ҳалқалар, гимнастика таёқчалири, арқон ва боксчилар снарядлари) бажариладиган машқларга катта эътибор бериш керак.

Бокс техникаси одатдаги кетма-кетлиқда ўрганилади, лекин услубий усуllар шуғулланувчиларда қизиқиш ҳосил бўлишига ёрдам бериши лозим.

III. БОКС ТЕХНИКАСИ


Малакали боксчини тарбиялаш боксчилар ҳар томонлама тайёргарлигининг мураккаб ва қўп меҳнат талаб этиладиган жараёни ҳисобланади. Спортда юқори натижаларга эришиш учун оқилона техникани эгаллаш ва уни ҳаракат малакаларида мустаҳкамлаш биринчи даражали аҳамиятга эга.

Боксчининг асосий холатлари техникаси

Боксчининг асосий холатлари техникасига муштни жанговар холати, жанговар тик туриш, силжиб юришлар ва жанговар масофалар киради.

Муштнинг жанговар холати.

Бокс қоидларига асосан фақат паралон билан тўлдирилган маҳсус бокс қўлқопида қисилган мушт билан зарба беришга руҳсат этилади. Зарба пайтида панжа анчагина юклама олади, шунинг учун уни панжаларни мушт қилиб тўғри қисиш керак. Панжаларни мушт қилиб тўғри қисиш учун бармоқларни эгиб кафтга қисиш лозим, катта бармоқ кўрсаткич бармоқнинг ўрта суюгига босилади.



1-расм. Муштни шаклантириш кетма-кетлиги

Жанговар тик туриш.


Жанговар тик туриш әңг қулай дастлабки холат бўлиб, бунда боксчи жанг вақтида кўзда тутилган ҳаракатларни бажаради.

Боксда барча ҳаракатларни эгаллаб олиш жанговар тик туришни тўғри эгаллаб олишга қўп даражада боғлиқдир. Жанговар тик туриш жанг жараёнида жанг фаоллиги, масофа, ҳимоя, хужум ва қарши ҳужумдаги вазиятга қараб ўзгариб туриши мумкин.

Тик туришнинг уч тури ажратилади: чап томонлама (буни одатда ўнақай боксчилар қўллайдилар, кейинчалик биз фақат боксда қўпроқ тарқалган чап томонлама жанговар тик туришни кўриб чиқамиз); ўнг томонлама(буни қўпроқ чапақай боксчилар қўллайдилар); юзма-юз (ўқув) холат.

Юзма-юз (ўқув) холатидан бошланиши керак.


Бажарилиши техникаси: Оёқлар елка кенглиги бўйлаб бир чизикда керилган, товонлар ёнма-ён жойлашган. Қўллар тирсақдан эркин букилган, бош пастта туширилган, қорин ичга тортилган. Тана оғирлиги иккала оёққа баравар тақсимланган. Бу холат қўпроқ ўқув аҳамиятига эга бўлиб, бу холатда боксчи асосий ҳаракатларни эгаллаб олади. Жангда у яқинлашган пайтда, айниқса рақибни таъқиб қилиш учун қўлланилади.



2-расм. Юзма-юз холатида тик туриш.

Чап томонлама жанговар тик туриш (асосий).

Бажарилиши техникаси: Чап томонлама жанговар тик туришда чап оёқ олдинда туради. Ўнг оёқ бир қадам орқада ва ярим қадам ўнгда туради. Оёқ кафтлари ёнма-ён, оёқлар тиззадан бир оз букилган, тана оғирлиги иккала оёққа баравар тақсимланади. Лекин ўнг оёққа бир оз кўпроқ туширилади. Тана орқага бир оз эгилган, чап қўл тирсақдан букилиб, гавда олдинга чиқарилади, бунда тирсак туширилиб, чап мушт тахминан елка бўғими сатҳида бўлади. Ўнг қўл тирсақдан букилиб, кўкрак олдинда жойлашади. Тирсак туширилган, ўнг мушт ияқдан ўнг томонда туриб ичкарига бурилган бўлади.




3-расм. Чап томонлама жанговар холат(асосий)

Жойлашишлар

Барча асосий ҳаракатлар – жойлашишлар, зарбалар ва ҳаракатлар – тана оғирлигини бир оёқдан иккинчисига ўтказиш билан бирга олиб борилади. Агар координация асосини тана оғирлиги күчириш ташкил этмаса, унда бирорта ҳам ҳаракат амалий натижа бермайди. Шунинг учун асосий техникани ўрганишдан олдин силжиб юришларни эгаллаб олиш керак.

Олдинга-орқага жойлашишлар.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан, ўнг оёқ учida депсиниб, тана оғирлигини олдинда турган чап оёққа ўтказинг ва сўнгра тескарисини бажаринг. Бу силжиб юриш олдинга ва орқага қадам ташлаш, шунингдек, қўлда бериладиган зарбаларни бажариш учун асос бўлиб ҳизмат қиласди.



4-расм. Олдинга – орқага жойлашишлар.

Ёнга жойлашишлар.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан, ўнг оёқ учида итарилиб, тана оғирлигини бир оз чапга оғдириш билан олдинда турган чап оёққа ўтказинг ва кейин аксинча – ўнга оғиш билан. Ушбу ҳаракат чапга ва ўнгта қадам ташлаш, шунингдек, оғишлар, қарши ва жавоб ҳужумларини бажарыш учун асос бўлиб ҳизмат қиласди.



5-расм. Чапга – ўнгта жойлашишлар

Силжишлар, юришлар

Силжиш боксчи тактикасининг муҳим воситаси ҳисобланади. Серия ва комбинацияларнинг ҳамма тактик ҳаракатлари турли хилдаги силжиб юришларга асосланган.

Силжиб юришларга: қуидагилар киради биттлик қадам ташлашлаб, сапчишлар, сакрашлар ва бурилишлар.


Битталик қадам ташлашлар.

Битталик қадам ташлашлар манёвр қилишнинг асосий энг оддий усули ҳисобланади. Тайёргарлик ҳаракатларидан, рақиб дикқатини чалгитиб туриб, алдамчи ҳаракат сифатида битталик қадам ташлашдан фойдаланиш мумкин; жанговар масофани ўзгартириш мумкин ва ниҳоят барча техник

усуллар ушбу силжиб юриш билан биргалиқда олиб борилади.

Олдинга қадам ташлаш.

Бажарылыш техникасы: жанговар тик туриш холатидан, олдинда турған чап оёқда кичик таҳминан оёқ кафти узунлигига тенг қадам ташланади, бунда орқада турған ўнг оёқ жанговар тик туриш холатига ўтади. Қадам товонни деярли ердан узмасдан енгил ташланади. Қадам узунлигини ошириб ёки қисқартириб, ўзингиз ва рақиб орасидаги масофани назорат қилинг. Олдинга қадам ташлашни ўнг оёқдан бошласа ҳам бўлади, бунда уни бир оз нарироққа ёки чап оёққа тақаб қўйилади, сўнгра жанговар масофани қисқартириш учун чап оёқ тегишли масофада олдинга чиқарилади. Олдинга қадам ташлаш асосан рақибга яқинлашиш ва бевосита хужум қилиш учун қўлланилади.




6-расм. Олдинга қадам ташлаш.

Орқага қадам ташлаш.

Бажарылыш техникасы: жанговар тик туриш холатидан орқада турған ўнг оёқда оёқ кафти узунлигига тенг бўлган кичик қадам ташлашни бажаринг, сўнгра чап оёқда худди


шундай масофага орқага қўйинг. Орқага қадам ташлаш асосан ҳимояланиш, жангдан чиқиш ва қарши хужумни тайёрлаш учун қўлланилади. Қадам узунлиги рақиб хужуми ва масофа хусусиятига қараб аниқланади.



7-расм. Орқага қадам ташлаш.

Чапга қадам ташлаш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан чап оёқда оёқ кафти узунлиги даражасида чапга қадам ташланг, сўнгра ўнг оёқни чап томонга худди шундай масофага қўйинг. Бундай қадам ташлаш кўпинча олдинга ташланган қадам билан қўшиб олиб борилади. Олдинга чапга қадам ташлаш ёрдамида рақибни фош қилиш, яқинлашиш ва хужум ҳаракатларини бажариш мумкин.



8-расм. Чапга қадам ташлаш.

Үнгга қадам ташлаш.

Бажарилыш техникаси: жанговар тик туриш холатидан үнг оёқда товон узунлигига тенг даражада үнгта қадам ташланып, сүнгра чап оёқни үнг томонға худди шундай масофага қўйинг. Бундай қадам ташлаш асосан ҳимоя учун қўлланилади. Үнгта силжиш билан масофани узоқлаштириш, рақибнинг үнг қўл зарбаси хавфидан қутилиш мумкин.



9-расм. Үнгта қадам ташлаш.


Жанговар масофалар.

Замонавий бокс амалиётида учта асосий масофа мавжуд: узок, ўрта ва яқин. Рингда ўтадиган жангдаги масофалар техник, тактик вазифаларни ҳал этиш натижасида ўзгариб туради, шунингдек, боксчининг психик, жисмоний сифатларига ва жанг олиб бориш услубига боғлиқ бўлади. Одатда, барча масофаларда оқилона жанг олиб бора оладиган боксчи техник воситаларнинг янада кенгроқ арсеналини қўллаши мумкин.

Узоқ масофа.

Узоқ масофа шундай масофаки, бунда жанговар тик туриш холатидан бўлган боксчи олдинга силжиш ёрдамида рақибни зарба билан доғда қолдириши мумкин. Узоқ масофада ҳужумни муваффақиятли амалга ошириш учун боксчи доимо соҳта, алдамчи ҳаракатлар билан рақибдиққатини чалғитиб туриши керак.

Шунинг учун узоқ масофа тайёргарлик ва соҳта ҳаракатларни, енгил силжишларни ҳамда фаол кескин ҳужумларни жавоб ҳужумлари вақтида ҳимоя ҳаракатлари билан биргаликда хатосиз бажаришни талаб қиласди. Узоқ масофа боксчи томонидан индивидуал тарзда тананинг морфологик тузилиши, жисмоний ва техник-тактик сифатларига қараб белгиланади. Жангда узоқ масофани, асосан, тактик мақсадни кўзлаб фаол ҳаракатлардан чекинувчи боксчилар танлайдилар. Улар силжиб ҳаракатланиш тезлигида ўз устунликларидан фойдаланадилар. Масофани белгилашда вақтни ҳис қилиш, реакция тезлиги, шунингдек, рақиб тактикасини тўғри баҳолдай олиш катта аҳамиятта эга.




10-расм. Узок масофа.

Үрта масофа.

Үрта масофа – бу яқин ва узок масофалар ўртасидаги оралиқ масофадир. Бу рақибгача бўлган шундай масофаки, бунда олдинга силжимасдан туриб қўл билан зарбалар бериш мумкин.


Бу масофада узок масофага қараганда боксчиларда ўз ҳаракатларини ўйлаб олишга жуда кам вақт қолади. Шунинг учун ўрта масофадаги жанг янада фаолроқ шаклга эга бўлади. Жангнинг бу масофасида, одатда, тезкор серияли зарбалардан фойдаланилади. Энг кучли зарбалар айнан шу ўрта масофадан берилади, чунки бунда боксчининг холати янада мустахкам ва пухта бўлади, бу урғули зарбалар беришга имкон яратади. Бу масофада асосан гавда ёрдамида ҳимояланишлардан ва боксчилардан аъло даражадаги жисмоний ва техник тайёргарликни талаб қилувчи қисқа сирғалувчан қадамлар билан силжишлардан фойдаланилади.



11-расм. Ўрта масофа.

Яқин масофа.

Бу шундай холатки, унда боксчилар гавданинг бирор – бир қисми билан бир-бирига тегиб туриши мумкин ва фақатгина қўлларда қисқа зарбалар бериш имконига эга бўладилар. Яқин масофадаги жанг бошқа масофадаги жангларга қараганда анча мазмунга бой ва фаол ўтади. Бу масофада жанг олиб бориш мушакни ҳаракатлантирувчи сезгиларнинг ривожланишини, бўшашиб кўникмасини, ўз вақтида зўр бериш ва ўз рақибини ҳис қилишни талаб этади. Рақиб яқин турганлиги сабабли боксчилар зарбаларга асосан тўсиш ва устма – уст қўйиш, қўллар билан ички холатни әгаллаш, қўл панжасини рақиб билагига устма – уст қўйиш билан реакция қилишга улгура оладилар.



12-расм. Яқин масофа.

ҚҰЛЛАРДА ЗАРБА БЕРИШ ТЕХНИКАСИ

Құлларда зарба бериш техникаси умумий түшунчаси

Құл зарбалари – боксда хужумнинг асосий воситаси, техник қуролланғанлыкнинг мұхим таркибий қисмлардан биридір. Құлда зарба берішдә рақиб гавдасининг маълум бир жойига тегиши ва унинг жантовар қобилятига салбий таъсир құрсатиши мақсадида зарбаларнинг маълум бир күчига әришиш лозим. Зарба бериш ҳаракатларининг аниқлиги ҳаракат тезлиги ва давомийлігінде боғлиқ бўлади. Тезлик қанча юқори бўлса ҳаракатни бошқариш шунчалик мураккаб бўлади, зарба ҳаракати қанчалик қисқа бўлса, унга таъсир құрсатиши шунчалик мураккаб бўлади. Шунинг учун қўл зарбалари самарадорлиги ҳаркат юқори тезликларда бажарилаётганда уни бошқара олиш имкониятларига боғлиқ бўлади. Зарба ҳаракатларида гавданинг айрим бўғинлари қатнашиб, улар маълум бир кетма-кетлиқда ишга жалб қилинади. Гавда пастки қисмининг зарба бериш механикасида иштироки қуйидаги уч бўғимли кинематик занжир бўйича содир бўлади: оёқ кафти – болдир – сон. Бу кинематик занжир гавдага қўзғалма ҳаракат бериб, тос айланишининг тезланишига имкон яратади. Чап оёққа таянилганда айланиш чап оёқ кафти ва чап тос-сон бўғими орқали ўтувчи вертикал ўт атрофида, ўнг оёққа таянилганда ўнг оёқ кафти ва ўнг тос – сон бўғимидан ўтувчи ўқ атрофида рўй беради.

Оёқ кафти – болдир – сон кинематик занжиридан ҳаракат кейинги уч бўғимли занжирга ўтади.

Зарбалар берішдә кучланишлар оёқ кафтидан болдирга ва сонга, сўнгра тосга, гаданинг юқори қисмiga ва ундан панжанинг зарб берувчи қисмiga ўтади. Шундай қилиб, зарба ҳаракатининг дастлабки лаҳзаси (оёқ кафтида депси-ниб)дан бошлаб, то якунловчи ҳаракатларга куч ва тезлик ҳар

бир занжирда ошиб боради. Мушаклар қанча кичик бўлса, улар шунча тез қисқариш мумкин, лекин шу билан бирга йирик мушакларнинг қўзғалма самарасини сақлаб туриш ва тезлаштириш, у шу орқали зарба кучини ошириш учун улар етарлича кучли бўлиши керак. Зарба йўналишига қараб у ёки бу мушак турӯҳлари фаол ишга киришади, зарба тезлиги ва кучи уларнинг сифатли ҳаракатига боғлиқ бўлади. Зарба (бош ёки гавдага) бериладиган нишоннинг баландлиги зарба ҳаракатлари таркибида унчалик аҳамиятта эга эмас. Олдинга қўйилган вазифалар зарбани максимал даражада қучли ва максимал тез амалга ошириш вазифасига, олишув жараёнида юзага келадиган тактик вазифаларга боғлиқ ҳолда зарба беришга ҳаракатлар тузилиши фарқланади.

Зарба ҳаракатларидаги кўрсатма зарба кучи катталигини ва зарба ҳаракатининг умумий вақтини белгилаб беради.

“Кучга” кўрсатмада зарба импульси энг юқори бўлиб, шу билан бирга зарба ҳаракати вақти ҳам энг юқори бўлади. Биз куч ҳисобига ютганимизда тезликка ютқазамиз “Тезликка” кўрсатмада зарба импульси энг кам бўлиб, шу билан бирга зарба ҳаракати вақти ҳам энг кам бўлади. Куч кўрсаткичининг камайиши зарба бериш тезлигидан ютишга олиб келади. Зарба бериш хусусияти зарба ҳаракати тезлиги ёки вақт ичида тезлик ўсиши кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Жангда зарбанинг уч тури қўлланилади.

Биринчи турдаги зарбалар учун тезлик ва кучнинг энг кам даражада намоён бўлиши хосдир. Бундай зарбалар тактик мақсадга кўра разведка олиб боришни қўзлайди.

Иккинчи турдаги зарбалар учун куч ёки тезликнинг оптималь нисбати хос (максимал катталикка нисбатан 75%).

Бундай зарбалар тактик мақсадларга кўра жанг олиб боришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Учинчи турдаги зарбалар учун зарба бериш тезлиги ёки

кучининг энг юқори даражада намоён бўлиши ҳосдир. Жангда улар вақти-вақти билан тактик жиҳатдан тайёрланган вазиятларда қўлланилади. Бундай зарбаларни ургу берилган зарбалар деб аташ қабул қилинган. Бажариш механикасига кўра ҳар бир қўлда бериладиган зарбалар техникасини унинг асоси ва тафсилотлари тавсифлаб беради.

Техника асоси – ҳаракат вазифаларини ҳал этиш учун нисбатан ўзгармас, зарурий ва етарли ҳаракат қисмлари йиғиндисидир. Бу қисмлар техника асослари бўғимлари деб аталади. Ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш техникси асоси, қўйидагилардан иборат:

- тавданинг зарба йўналишидаги силжиши;
- тавданинг ўнгдан – чапга бурилиши;
- ўнг қўлда зарба бериш ҳаракати.

Техника тафсилотлари – бу ҳаракатнинг иккинчи даражали хусусиятлари бўлиб, унинг асосий механизмини бузмайди. Ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш техникаси тафсилотларига қўйидагилар киради:

- зарба пайтида бошнинг холати;
- чап қўл холати;
- дастлабки холатта қайтиш тезлиги.


Техника тафсилотлари муайян ҳаракатларнинг қўлланилиш шароитлари ва мақсадларига ҳамда боксчининг шахсий хусусиятларига боғлиқ равишда шаклини ўзgartириши мумкин. Бундан ташқари, қўлда бериладиган ҳар бир зарбалар зарба берилаётган масофага қараб, узунлиги ва йўналиши, рақиб қўлининг холати унинг ҳимояси, шунингдек, ҳужумчининг ўзига (у ўз ҳужуми пайтида ҳимоя билан эҳтиётланishi лозим) боғлиқ равишда шаклини ўзgartириши мумкин.

Лекин қўлда зарба бериш техникасининг индивидуаллашуви фақат жанговар тажриба орттириш ва қўлда зарба

бериш техникасини мукаммал әгаллаб олиш асосида юз бериши мүмкин. Тұғридан, ёндан ва пастдан зарбалар учун бош ва үрта бармоқлар бүгімлари асоси муштнинг зарба юзаси бўлиб хизмат қиласди. Зарба бармоқларга зўр берилмайди. Бевосита жанг олдидан улар зўриқтирилиб, қаттиқ сиқиласди, бу эса урилаётганда зарур бўлган қаттиқликни таъминлайди.

Шикастланишдан сақланиш учун қўл панжаларини эластик бинт билан боғлаш керак.

Панжани шундай боғлаш керакки, бинт панжа очилганда уни сиқиб қўймасилиги ва қисилган холатда яхши тортиб туриши керак. Бинт боғлашнинг турли усуллари бор.



13-расм. Күл панжаларини бинт билан боғлаш кетма – кетлиги.

ҚҮЛ ЗАРБАЛАРИДАН ҲИМОЯЛАНИШ ТЕХНИКАСИ УМУМИЙ ТУШУНЧАСИ

Қүл зарбаларидан ҳимояланиш ҳаракатлари арсеналини эгаллаш боксчининг жанговар қобилияларига анча таъсир кўрсатади. Ҳимояланишлар гавданинг нозик жойларини қўл зарбаларидан ишончли ҳимоялаш ва ҳимоядан қарши ҳужум ва ҳужумга ўтиш учун қулай пайт танлаш мақсадида фойдаланилади. Ҳимояланиш ҳаракатлари асосида рақибнинг ҳужум ҳаракатларини олдиндан била олиш маҳорати ва ўз ҳужумини ташкил қилиш усуслари ётади.

Қўл зарбаларидан ҳимояланиш техникасида ҳимояланиш усусларининг учта синфни ажратилади:

1. Қўллар ёрдамида ҳимояланиш.
2. Оёқлар ёрдамида ҳимояланиш.
3. Гавда ҳаракати ёрдамида ҳимояланиш.

Қўллар ёрдамида ҳимояланиш.

Қўл билан ҳимояланишнинг устунликлари юқори ишончлилик ва самарадорлик бўлса, камчилити шуки, бунда зарбага қарши ҳаракат қилиш учун қўллардан фойдаланиш қарши ҳужум ҳаракатларини тўхтатиб қўйиш мумкин. Қўллар билан ҳимояланишда суст ва фаол ҳимояланишларни ажартиш мумкин:

Суст ҳимояланиш тўсиш, қайтариш, блок, фаол ҳимояга эса, қарши зарбалар киради.

Тўсиш – бу панжа, елка ва билакни тўсиқ қилиб қўйиш билан рақиб зарбасини тўхтатишидир.

Блок – бу қўлнинг қарши ҳаракати бўлиб, у рақиб зарбасини тўхтатувчи ҳисобланади унга ҳаракатни оптималь амплитудада ва тезлиқда бажаришга имкон бермайди.

Қарши зарба – бу қарши олувчи зарба бўлиб, у рақиб зарба бераётган пайтда ишлатилади ва унинг ҳужумининг

авж олишини тұхтатади. Бу зарба хужум зарбасига қарaganда нишонға әртароқ етиб бориш мақсадида рақиб томонидан бериладиган зарбадан үзіб кетиши лозим.

Рақиб зарбасини бошида бартараф этиш мүмкін – ушбу ҳолда қарши зарба ёки блокдан фойдаланилади, зарба бериш үртасида қайтаришдан фойдаланилади зарба бериш охирида түсишдан фойдаланиш мақсадта мувофиқдир.

Қайтариш – қўлнинг қарши ҳаракати бўлиб, рақиб зарбаси йўналишини ўзгартириб юборишга қаратилган.

Оёқлар ёрдамида ҳимояланиш.

Ҳимояланиш бу синфи орқага чекинишга масофани узайтириш ёки рақиб билан тўқнашувдан чиқиши мақсадида силжишлар ёрдамида жойлашиш ўрнини ўзгартиришга асосланган.

Оёқ ёрдамида ҳимояланиш асосий усулларига орқа ва ўнгта қадам ташлаб, орқа ва чапга қадам ташлаб, гавдани буриш билан ўнгта қадам ташлаб, гавдани буриш билан чапга қадам ташлаб ҳимояланишлар киради.

Гавда ҳаракати ёрдамида ҳимояланиш.

Бу синф етарлича мураккаб бўлиб, унинг устунлиги шундаки, жанговар холатни сақлаб қолган ҳолда боксчининг қўллари рақиб хужумларига қаршилик қўрсатишдан бўш қолади, бу эса тезлик билан жавоб хужуми учун имкон яратади. Тана билан ҳимояланишнинг асосий усулларига оғишлар ва шунғишлар киради.

Оғиш – бу жойни ўзгартирмасдан туриб зарбадан ўнгга ёки чапга оғищдир. Зарбадан орқага оғиш чекиниш деб аталади.

Шўнғиш – бу жойни ўзгартирмасдан туриб рақиб зарба берәётганида зарбадан пастга ёки ёнга ҳамда рақиб зарба берәётган қўлнинг остига ҳаракат қилиб зарбадан қочишидир.

Комбинациялашган ҳимоя

Одатда, жанговар вазиятда битталик ҳимоя усуллари бир-бири билан ҳар хил турда уйғуналашган ҳолда қўлланилади ва бир бутун ҳаракатни ҳосил қиласди. Улардан бир неча зарбалардан ҳимояланиш ёки рақиб ҳужумининг бўлиши мумкин бўлган ёки башорат қилинадиган ҳужумидан эҳтиёт бўлишни таъминлаш учун ҳимояланишнинг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида фойдаланилади. Бундай ҳаракатларни комбинациялашган ҳимояланиш белгилаб беради, чунки ҳимояланишнинг турли усуллари бир вақтнинг ўзида бажарилади.

Қўл зарбаларидан ҳимояланиш ҳаракатларини бажариш қўл зарбаларига қараганда анча мураккабдир. Биринчидан, қўлда берилган ҳар бир зарбага қарши масофа, тезлик ва қўлланилаётган ҳимоянинг тактик мақсадига боғлиқ равишда бир нечта ҳимоя ҳаракатлари қўлланиши мумкин.

Иккинчидан, ҳимояланиш ҳаракатларини тез ва ўз вақтида қўллаш лозим, бу яшин тезлигидаги мураккаб реакцияни тақозо этади.

Ҳар бир муйян вазиятда шундай ҳимояланиш ҳаракатлари қўлланилади, жавоб ва қаршиловчи шаклдаги қарши ҳаракатлар учун янада қулайроқ ҳолатлар яратади.

Ҳимояланиш ҳаракатлари тез бажарилиши сабабли кичик амплитудада амалга оширилади. Шунинг учун зарба бошланишини аниқлаш учун қўриш ёрдамида назорат қилишнинг аҳамияти ортади. Ҳимояланиш сифати унинг ўз вақтида бажарилиши ва аниқ ҳисоб қилиниши билан белгиланади, у вақтидан олдин ҳам, кечикиб ҳам бўлиши керак эмас.

Шундай қилиб, ҳимояланиш ҳаракатлари мукаммалиги нафақат уларнинг тўғри бажариш билан, балки ҳимоя ҳаракатлари тезилиги билан аниқланади. Ҳимояланиш

ҳаракатларининг катта арсенали – бу юқори маҳорат даражасига эришиш учун яхши пойдевордир.

ТҮГРИДАН ЗАРБАЛАР ВА УЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШЛАР

Түғридан зарбалар бериш


Қўлда тўғридан зарба бериш анча тез бажарилиб, бунда узоқдан жанг қилиш имкони бўлади, шунинг учун жуда ҳар хил вазиятларда қўлланилади. Тўғридан зарбанинг устунлиги шундаки, у нисбатан оддий, зарба тез берилиши билан бирга кучли, аниқ ва самарали бўлиш имконияти мавжуд. Тўғридан зарбанинг асосий хусусияти қўйидагилардан иборат: ураётган қўлни оҳиригача чўзиш, зарба тезлиги ва кучини эса гавданинг айланма ҳаракати ва бутун гавданинг олдинга ҳаракати билан ошириш лозим.

Чап қўлда тўғридан зарбалар бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш тактик вазифаларга қараб турли вариантларда қўлаш мумкин.

Юзма-юз (ўқув) холатидан чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: юзма-юз (ўрганиш) холатидан гадани тос-сон бўғимларидан чапдан – ўнга буриб, бир вақтнинг ўзида чап оёқ учини буринг, чап елкани олдинга кескин чиқаринг ва мумкин бўлган жавоб қарши хужумига қарши чап елкани бир оз кўтариб, (илякни беркитиб), чап қўл муштини тўғри чизиқ бўйлаб нишонга йўналтиринг. Ўнг қўл тирсаги гавдани ҳимоя қиласи, мушт эса илякни қаршиловчи зарбалардан ҳимоялайди. Тана офирилиги иккала оёқча тенг тақсимланган. Чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва юзма-юз холатни қабул қилинг.




14-расм. Юзма-юз холатдан чап құлда бошга түғридан зарба бериш.

Турган жойида чап құлда бошга түғридан зарба бериш

Бажарилыш техникасы: жанговар тик туриш холатидан чап оёқ учини айлантириб, бир вақтнинг ўзида тос – сон суяги бўғимидан гавдани чапдан – ўнгга буриб, чап елкани кескин олдинга чиқариб ва чап қўл муштини тўғри чизиқ бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Зарба пайтида иякни қаршиловчи ёки жавоб зарбаларидан ҳимоялаш учун чап елкани бир оз кўтаринг. Ўнг қўл тирсаги билан гавдани ҳимояланг, қўлнинг кафт қисми билан иякни ҳимояланг. Тана оғирлиги иккала оёққа teng тақсимланг. Чап қўлни дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатига ўтинг.



15-расм. Турган жойида чап құлда бошга түғридан зарба бериш.




16-расм. Чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилиши.


Чап оёқда олдинга қадам ташлаб, чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан, ўнг оёқ учида депсиниб, чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташланг, сўнгра гавданинг бутун оғирлиги чап оёқка ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани тос-сон бўғимидан чапдан – ўнгга буриб, чап елкани олдинга кескин чиқаринг ва чап қўл муштини тўғри чизик бўйлаб, кескин йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг.

Зарба пайтида, иякни жавоб ёки қаршиловчи ҳаракатларидан ҳимоялаш учун, чап елкани, бир оз кўтаринг. Ўнг қўл тирсаги билан гавдани ҳимоялаб, мушт билан эса, иякни қаршиловчи зарбалардан ҳимояланг. Чап қўл ва оёқни зарба траекторияси бўйлаб, дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатига ўтинг.



17-расм. Чап оёқда олдинга қадам билан чап қўлда бошга тўғридан зарба.




18-расм. Чап оёқда олдинга қадам билан чап қўлда бошга, тўғридан зарба бериш ҳужуми.

Чап оёқда олдинга қадам ташлаб, чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш


Гавдага чап қўлда тўғридан зарба беришни турган жойида олдинга қадам ташлаб амалга ошириш мумкин. Бу зарбадан, ҳужум учун ҳам, ҳужум қилаётган рақибга қарши қаршиловчи зарба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан

бир оз ярим ўтириб, бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнга буриб, ўнг елкани кескин олдинга чиқариб ва чап қўл муштини тўғри чизик бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Зарба пайтида, иякни жавоб ва қаршиловчи зарбалардан ҳимоя қилиш учун, чап елкани бир оз кўтаринг. Ўнг қўлнинг тирсаги гавдани ҳимоя қиласди, қўлнинг қафт қисми эса, иякни эҳтиётлайди. Чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатига ўтинг.



20-расм.Чап қўлда гавдага тўғридан зарба бериш.




21-расм. Чап қўлда гавдага тўғридан зарба бериш билан хужум қилиш.

ЎНГ ҚЎЛДА ТЎҒРИДАН ЗАРБА БЕРИШ.

Юзма-юз холатидан ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш

Бажарилиши техникаси: юзма-юз холатида гавдани тоссон бўғимидан ўнгдан – чапга буриб, бир вақтнинг ўзида ўнг оёқ товонидан айланиб, ўнг елкани кескин олдинга чиқаринг ва ўнг елкани бир оз кўтариб ўнг қўл муштини тўғри чизиқ бўйича нишонга йўналтиринг, тана оғирлигини иккала оёқقا тенг тақсимланг. Чап тирсак гавдани ҳимоя қиласи, мушт эса иякни мумкин бўлган қаршиловчи ёки жавоб ҳужумларидан ҳимоялайди. Ўнг қўлни дастлабки холатга зарба траекторияси бўйлаб қайтаринг ва юзма-юз холатига ўтинг.




22-расм. Юзма-юз холатидан ўнг қўлда тўғридан бошга зарба бериш.


Турган жойида ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида т бепсиниб гавдани тос – сон бўғимидан чапга буриб, ўнг елкани кескин қайириб ва ўнг қўл муштини тўғри чизиқ бўйича нишонга йўналтириб зарба ҳаракатини

бажаринг. Зарба пайтида иякни беркитиш учун ўнг елкани бир оз кўтариш. Ўнг қўл билан бошни ҳимоялайди, тирсак эса, гавдани мумкин бўлган жавоб ёки қаршиловчи хужумлардан эҳтиётлайди. Қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатига ўтинг.



24-расм. Турган жойида ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш.




25-расм. Ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилиш.

Чап оёқда олдинга қадам ташлаб, бошга ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташланг ва унга тана оғирлигини ўтказинг. Бир вақтнинг

ўзида гавдани тос–сон бўтимидан ўнгдан чапга буриб, ўнг елкани кескин буриб ва ўнг қўл муштини тўғри чизик бўйича нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг.

Зарба пайтида чап қўл қўлқопнинг панжа қисми билан бошни химоялади, тирсак эса гавдани мумкин бўлган жавоб ёки қаршиловчи хужумдан эҳтиётлайди. Чап қўл ва ўнг оёқни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки тик туриш холатига ўтинг.



26-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб бошга ўнг қўлда тўғридан зарба бериш.




27-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилиш.


Ўнг қўлда гавдага тўғридан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани тос-сон бўғимидан ўнгдан – чапга буриб, бир оз олдинга – чапга оғиб ва ўнг қўл муштини тўғри чизик бўйича нишонга йўналтириб зарба ҳаракати бажаринг.

Зарба пайтида ўнг елка иякни беркитиш учун бир оз кўтарилади. Чап қўл билан бошни ҳимоялайди, тирсак эса гавдани мумкин бўлган жавоб ёки қаршиловчи ҳужумлардан эҳтиётлайди. Қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатига ўтинг.



28-расм. Ўнг қўлда гавдага тўғридан зарба бериш.







29-расм. Ўнг қўлда гавдага тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилиш.

ТҮФРИДАН БЕРИЛГАН ЗАРБАЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШЛАР

Үнг қўл кафтида тўсиш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан чап оёқ учида депсиниб тана оғирлиги үнг оёққа ўтказинг. Бир ватнинг ўзида гавдани чапдан – үнгга буриб, үнг қўл кафтда тўсиш билан ҳимояланишни бажаринг.



30-расм. Үнг қўл кафтида тўсиш билан ҳимояланиш.

Чап елкада түсиш билан ҳимояланиш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан чап оёқ учида депсиниб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгта буриб, чап елкани бир оз күтариб ва иккала қўлни (кафтларни ўзига қаратиб) иякка қаттиқ босиб, чап елкада түсиш билан ҳимояланишини бажаринг.





31-расм. Чап елкада түсиш билан ҳимояланиш.

Бошга бериладиган зарбага қарши билаклар

ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.



Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан тана оғрлигини иккала оёққа тушириб, бирлаштирилган иккала қўл билакларини (кафтларни ўзига қаратиб) бош даражасига кўтариб, билаклар ёрдамида тўсиш билан ҳимояланишни бажаринг.



32-расм. Бошга бериладиган зарбага қарши билаклар ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.

Гавдага бериладиган зарбага қарши билаклар ёрдамида түсиш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавда оғирлиги иккала оёққа ўтказинг, тиззани бир оз букиб ва бирлаштирилган иккала қўл билакларининг (кафтларни ўзига қаратиб) гавда ёнига тушириб, билаклар ёрдамида түсиш билан ҳимояланишни бажаринг.




33-расм. Гавдага бериладиган зарбага қарши билаклар ёрдамида түсиш билан ҳимояланиш.

Чап қўлда ўнгта қайтариш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани бир оз орқага эгиб, чап қўлни ёй бўйлаб ўнгта ҳаракатлантириб ва ўнг қўл кафти билан иякни беркитиб, чап қўлда ўнгта қайтариш билан ҳимояланишни бажаринг.




a



б



в





Г

34-расм. Чап қўлда ўнгта қайтариш билан ҳимояланиш.

Чап қўлда чапга қайтариш билан ҳимояланиш.





Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани бир оз орқага эгиб, чап қўлни ёй бўйлаб чапга ҳаракатлантириб ва ўнг қўл кафти билан иякни беркитиб, чап қўлда чапга қайтариш билан ҳимояланишни бажаринг.



35-расм. Чап қўлда чапга қайтариш билан ҳимояланиш.

Үнг қўлда ўнгга қайтариш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниши билан тана оғирлигини чап оёқа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани олдинга – чапга эгиб ва ўнг қўлни ёй бўйлаб ўнгга ҳаракатлантириб, ўнг қўлда ўнгга қайтариш билан ҳимояланишни бажаринг.



36-расм. Ўнг қўлда ўнгга қайтариш билан ҳимояланиш.

Чап қўлда юқорига қайтариш билан ҳимояланиш.



Бажарилиши таҳнидикаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани бир оз орқага эгиб, тирсақдан букилган чап қўлни юқорига харакатлантириб, иякни ўнг қўл кафти билан беркитиб, чап қўлда юқорига қайтариш билан ҳимояла-нишни бажаринг.




37-расм. Чап қўлда юқорига қайтариш билан ҳимояланиш.

Үнг қўлда юқорига қайтариш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани чапга эгиб, тирсакдан букилган ўнг қўлни юқорига ҳаракатлантириб, чап қўл кафти билан иякни беркитиб, ўнг қўлда юқорига қайтариш билан ҳимояланишни бажаринг.



б



в




г

38-расм. Ўнг қўлда юқорига қайтариш билан ҳимояланиш.

Чап қўлда пастга қайтариш билан ҳимояланиш.





Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани бир оз орқага эгиб, тирсақдан букилган чап қўлни пастга ҳаракатлантириб, ўнг қўл кафти билан иякни беркитиб, чап қўлда пастга қайтариш билан ҳимояланишни бажаринг.



39-расм. Чап қўлда пастга қайтариш билан ҳимояланиш.

Үнг қўлда пастга қайтариш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг, гавдани олдинга – ўнгта бир оз эгиб, бир вақтнинг ўзида тирсақдан букилган ўнг қўлни пастга ҳаракатлантириб ва чап қўл кафти билан иякни беркитиб, ўнг қўлда пастга қайтариш билан ҳимояланишни бажаринг.



40-расм. Ўнг қўлда пастга қайтариш билан ҳимояланиш.

Гавдани орқага оғдириш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан чап оёқ учида десиниб тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани орқага оғдириб, чап елкани чиқарип ва иякни ўнг қўл кафти билан беркитиб, оғиш билан ҳимояланишни бажаринг.



41-расм. Гавдани орқага оғдириш билан ҳимояланиш.

Чапга оғиш билан ҳимояланиш.



Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани ўнгдан – чапга буриб ва олдинга – чапга эгилиб, бошни зарба чизигидан четта олиб ва ўнг елкани бир оз кўтариб, чапга оғиш билан ҳимояланишни бажаринг.



42-расм. Чапга оғиш билан ҳимояланиш.

Үнгта оғиш билан ҳимояланиш.





Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан чап оёқ учида депсиниб тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгта буриб ва олдинга – ўнгта эгилиб, бошни зарба чизигидан четта олиб, чап елкани бир оз күтариб, ўнгта оғиш билан ҳимояланишни бажаринг.



43-расм. Ўнгта оғиш билан ҳимояланиш.

Ярим ўтириш билан ҳимояланиш.



Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани пастга ҳаракатлантириб, тана оғирлигини иккала оёқда сақладаб, бошни ҳимоялаб ва иккала қўлларни (кафтларни ўзига қаратиб) ияқ олдида қаттиқ қисиб, ярим ўтириш билан ҳимояланишни бажаринг.



44-расм. Ярим ўтириш билан ҳимояланиш.

Чап оёқда ёнга қадам ташлаб билан бир вақтда гавдани чапга буриш билан ҳимояланиш.


Бажарилыш техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани чап оёқ атрофида чапдан – ўнгта ва бир вақтнинг ўзида чап оёқда чапга қадам ташлаб, гавдани чапга буриш билан ҳимояланишни бажаринг.



45-расм. Чап оёқда ёнга қадам ташлаш билан бир вақтда гавдани чапга буриш билан ҳимояланиш.

Үнг оёқда ёнга қадам ташлаш билан бир вақтда гавдани ўнгта буриш билан ҳимояланиш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўзида гавдани ўнгдан – чапга айлантириб, бир вақтнинг ўзида ўнг оёқда ўнгта – олдинга қадам ташлаб, гавдани ўнгта буриш билан ҳимояланишни бажаринг.



46-расм. Ўнг оёқда ёнга қадам ташлаб бир вақтда гавдани ўнгта буриш билан ҳимояланиш.


ЁНДАН ЗАРБАЛАР ВА УЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШЛАР

ЁНДАН ЗАРБАЛАР

Ёндан зарбалар тирсак бўғимидан букилган қўлда амалга оширилади. Билак билан ҳосил қилинган масофага қараб тўғри бўлиши, шунингдек, яқин масофадаги жангда қисқариб ва узоқ масофада узайиб, тўғри бурчакдан катта бўлиши мумкин. Зарба бераётган қўлнинг мушти эгри чизик (ёй) ҳосил қилиб, нишонга ёндан йўналади, билак ва тирсак мушт билан бир текисликда ҳаракат қиласди.

Юзма-юз холатдан чап қўлда бошга ёндан зарба бериш.



Бажарилиши техникаси: юзма-юз холатдан гавдани чапдан – ўнгга буриб, бир вақтнинг ўзида чап оёқ учидагу бурилиб, чап қўлни кескин олдинга ташлаб, уни тирсак бўғимидан тўғри бурчак остида букиб, чап қўл муштини ётиқ ёй бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан ўнг қўл билан бошни ҳимояланг. Зарба траекторияси бўйлаб чап қўлни дастлабки холатга қайтаринг ва юзма – юз холатини эгалланг.



47-расм. Юзма – юз холатда чап қўлда бошга ёндан зарба бериш.

Турган жойида чап қўлда бошга ёндан зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани чапдан – ўнгга буриб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида чап оёқ учида бурилиб, чап қўлни кескин силтаб, уни тирсак бўғимидан тўғри бурчак остида букиб ва чап қўл муштини ётиқ ёй бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан бошни ўнг қўл билан ҳимояланг. Зарба траекторияси бўйлаб чап қўлни дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.



48-расм. Турган жойида бошга ёндан зарба бериш.

Чап оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда бошга ёндан зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташланг ва унга тана оғирлигини ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгта буриб, чап оёқ учида бурилиб, чап қўлни кескин олдинга ташлаб, уни тирсак бўғимидан тўғри бурчак ости букиб ва чап қўл муштини ётиқ ёй бўйлаб, нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан бошни ўнг қўл билан химояланг. Чап оёқ ва чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.



49-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда бошга ёндан зарба бериш.

Чап қўлда гавдага ёндан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан енгил ярим ўтириб ва бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгта буриб, чап оёқ учида бурилиб, чап қўлни кескин силтаб, уни тирсак бўғимидан тўғри бурчак остида букиб ва чап қўл муштини ётиқ ёй бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан бошни ўнг қўл билан ҳимояланг. Чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




50-расм. Чап қўлда гавдага ёндан зарба бериш.

ҮНГ ҚҰЛДА ЁНДА ЗАРБАЛАР

Юзма-юз ҳолатидан үнг құлда бошга ёндан зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш ҳолатидан үнг оёқ учида депсиниб гавдани үнгдан – чапға буриб, үнг құлни кескин силтаб чиқариб, уни тирсак бүгимидан түғри бурчак остида букиб ва үнг құл муштини ёй бүйлаб нишонга йұналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан бошни чап құл билан ҳимояланг. Үнг құлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки ҳолатта қайтаринг ва юзма – юз ҳолатини эгалланг.




51-расм. Юзма – юз ҳолатда бошга үнг құлда ёндан зарба бериш.

Турган жойида ўнг қўлда бошга ёндан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани ўнгдан – чапга буриб, ўнг қўлни кескин силтаб чиқариб, уни тирсак бўғимидан тўғри бурчак остида букиб ва ўнг қўл муштини ётиқ ёй бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан бошни чап қўл билан ҳимояланг. Ўнг қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




52-расм. Турган жойида ўнг қўлда бошга ёндан зарба бериш.




53-расм. Ўнг қўлда бошга ёндан зарба бериш билан ҳужум қилиш.

Үнг қўлда гавдага ёндан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани ўнгдан – чапга буриб, ўнг қўлни кескин силтаб чиқариб, уни тирсак бўғимидан тўғри бурчак остида букиб ва ўнг қўл муштини ётиқ ёй бўйлаб нишонга йўналтириб, зарба ҳаракатини бажаринг. Мумкин бўлган қаршиловчи зарбалардан бошни чап қўл билан ҳимояланг. Ўнг қўл ва оёқни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.



54-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда гавдага ёндан зарба бериш.







55-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда гавдага ёндан зарба бериш билан хужум қилиш.

ЁНДАН БЕРИЛГАН ЗАРБАЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ

Чап қўл билаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.



Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан, тирсак бўғимидан бурилган чап қўлни (кафтни ўзига қаратиб) бир оз юқорига кўтариб ва зарбага тўсиқ қўйиб (зарбага қарши қўйиб) ҳамда бир вақтнинг ўзида ўнг қўл билан бошни ҳимоялаб, чап қўл билаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланишни бажаринг.



56-расм. Чап қўл билаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.

Үнг қўл билаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.



Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб, тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида тирсак бўғимидан букилган ўнг қўлни (кафтни ўзига қаратиб) юқорига бир оз кўтариб (зарбага қарши қўйиб) ва чап қўл билан бошни эҳтиётланг, ўнг қўл билаги ёрдамида тўсишни бажаринг.



57-расм. Ўнг қўл билаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.

Чап қўл тирсаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланниш.



Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан тосни бир оз орқага эгилтириб, тирсаклари ўткир бурчак остида пастта туширилган иккала қўлни букиб, гавдага бир оз тақалган чап қўл тирсагини зарбага қарши қўйинг. Гавдани бир оз ўнгга буриш орқали тирсакка берилган зарбани юмшатиш мумкин.



58-расм. Чап қўл тирсаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.

**Үнг қўл тирсаги ёрдамида тўсиш билан
ҳимояланиш.**


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан тосни бир оз орқага эгилтириб, тирсаклари ўткир бурчак остида пастта туширилган иккала қўлни букиб, гавдага бир оз тақалган үнг қўл тирсагини зарбага қарши қўйинг. Гавдани бир оз чапга буриш орқали тирсакка бериладиган зарбани юмшатиш мумкин.



59-расм. Үнг қўл тирсаги ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.

Чап билак ёрдамида, тўхтатиш – устига қўйиш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан рақибнинг ўнг қўлда бошга ёндан зарба билан ҳужуми бошланишда ураётган қўлнинг билагига тўғри бурчак остида букилган ва кафти пастга қаратилган чап қўлни қўйинг. Ўнг қўл билан бошни ҳимояланг.



60-расм. Чап билак ёрдамида, тўхтатиш – устига қўйиш билан ҳимояланиш.

Ўнг билак ёрдамида тўхтатиш-устига қўйиш билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан рақибнинг чап қўлда бошга ёндан зарба билан ҳужуми бошланишида ураётган қўлнинг билагига тўғри бурқак остида букилган ва кафти пастга қаратилган ўнг қўлини қўйинг. Чап қўл билан бошни ҳимояланг.



61-расм. Ўнг билак ёрдамида тўхтатиш-устига қўйиш билан ҳимояланиш.

Ўнгга шўнғиши билан ҳимояланиш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб, гавдани бир оз, олдинга – чапга оғдириб, тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг. Сўнгра гавдани оғирлигини иккала оёққа баравар тақсимлаб, гавда билан пастга ҳаракат қилинг. Оёқларни тўғрилаб ва гавдани ўнгта бурган ҳолда юқорига силтаб чиқариб ўнгта шўнғиши билан ҳимояланишни бажаринг.



62-расм. Ўнгта шўнғиши билан ҳимояланиш.

Чапга шүнғиш билан ҳимояланиш.

Бажарилыш техникаси: жанговар тик туриш холатидан, чап оёқ учида депсиниб, гавдани бир оз олдинга – ўнгта оғдириб, тана оғирлитини ўнг оёққа ўтказинг. Сүнгра тана оғирлигини иккала оёққа баравар тақсимлаб, гавда билан пастга ҳаракат қилинг. Оёқларни тұтырладаб, гавдани чапга бурган ҳолда юқорига силтаб чиқариб, чапга шүнғиш билан ҳимояланишни бажаринг.



63-расм. Чапга шүнғиш билан ҳимояланиш.

ПАСТДАН ЗАРБАЛАР ВА УЛАРДАН ХИМОЯЛАНИШЛАР


Пастдан зарбалар жангда асосан ўрта ва яқин масофаларда қўлланилади. Ундан узоқ масофадаги хужумларда фақат олдиндан тайёргарлик кўрилгандан сўнг, шунингдек, агар рақиб паст тик туриш холатида, фойдаланиш мумкин.

Пастдан зарбалар ҳаракатларнинг мураккаб координацияси билан ажралиб туради, лекин бу зарбаларнинг техника жиҳатдан турли-туманлиги улардан яқин масофадаги жангларда фойдаланиш имконини беради.

Чап қўлда пастдан зарбалар

Юзма-юз ҳолатидан чап қўлда бошга пастдан зарба бериш.


Бажарилиши техникиаси: юзма-юз ҳолатидан, гавдани чапдан – ўнгга буриб, бир вақтнинг ўзида чап оёқ товонида бурилиб, пастта бир оз энгашиб ва зарба учун дастлабки холатни яратиб, мушт бармоқларини юқорига қаратиб, бир вақтнинг ўзида оёқларни тўгрилаб, чап қўлда пастдан – юқорига зарба ҳаракатини бажаринг. Ўнг қўл бошни қаршиловчи зарбалардан химоя қиласи. Чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва юзма – юз ҳолатини эгалланг.



64-расм. Юзма-юз ҳолатидан чап қўлда бошга пастдан зарба бериш.

Турган жойида чап қўлда бошга пастдан зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани чапдан – ўнгта буриб, ўнг оёқда депсиниш билан пастга бир оз энгасиб ва зарба учун дастлабки холатни яратиб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг, мушт бармоқларни юқорига қаратиб, бир вақтнинг ўзида оёқларни тўғрилаб, чап қўлда пастдан юқорига зарба ҳаракатини бажаринг. Ўнг қўл бошни қаршиловчи зарбалардан ҳимоя қилади. Чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




65-расм. Турган жойида чап қўлда пастдан бошга зарба бериш.

Чап оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда пастдан бошга зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб, тана оғирлиги чап оёққа ўтказган ҳолда, чап оёқда олдинга кичик қадам ташлашни бажаринг. Бир вақтнинг ўзида, гавдани чапдан – ўнгга буриб, бир оз ярим ўтириб, зарба учун дастлабки холатни яратиб, мушт бармоқларини юқорига қаратиб, бир ватнинг ўзида оёқларни тўғрилаб, чап қўлда пастдан бошга зарба ҳаракатини бажаринг. Ўнг қўл бошни қаршиловчи зарбалардан химоя қиласди. Чап қўл ва чап оёқни зарба траекториялари бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




66-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда пастдан бошга зарба бериш.



67-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда пастдан бошга зарба бериш билан ҳужум.

Үнг оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда пастдан бошга зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан чап оёқ учида депсиниб, үнг оёқда олдинга – үнгта кичик қадам ташланг. Бир вақтнинг ўзида, гавдани чапдан – үнгта буриб ва бир оз ярим ўтириб, зарба учун дастлабки холатни яратиб, мушт бармоқларини юқорига қаратиб, бир вақтнинг ўзида оёқларни тўғрилаб, чап қўлда пастдан бошга зарба ҳаракатини бажаринг. Үнг қўл бошни қаршиловчи зарбалардан химоя қиласди. Чап қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




68-расм. Үнг оёқда олдинга қадам ташлаб чап қўлда пастдан зарба бериш.

Чап қўлда гавдага пастдан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани чапдан үнгта буриб, гавда оғирлигини үнг оёққа ўтказинг. Бир вақтнинг ўзида гавдани үнгта буриб ва бир оз ярим ўтириб, зарба учун дастлабки холатни яратиб, мушт бармоқларни юқорига қаратиб, бир вақтнинг ўзида оёқларни тўғрилаб, чап қўлда пастдан зарба ҳаракатини бажаринг. Үнг қўл бошни қаршиловчи зарбаларидан химоя қиласди. Чап

қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатга қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




69-расм. Чап қўлда гавдага пастдан зарба бериш.

ҮНГ ҚҰЛДА ПАСТДАН ЗАРБАЛАР

Юзма-юз ҳолатидан үнг құлда бошга пастдан зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: юзма-юз ҳолатидан гавдани үнгдан – чапға буриб, бир вақтнинг ўзида үнг оёқ учини буриб, бир оз ярим ўтириб ва зарба учун дастлабки холатни яратиб, муштни бармоқларни юқорига қаратиб, оёқларни түғрилаб, үнг құлда пастдан – юқорига зарба ҳаракатини бажаринг. Чап құл бошни қаршиловчи зарбалардан ҳимоя қиласы. Үнг құлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва юзма – юз тик туриш холатини эгалланг.




70-расм. Юзма – юз ҳолатидан үнг құлда бошга пастдан зарба бериш.

Турган жойида ўнг қўлда бошга пастдан зарба бериш.

Бажарилши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани ўнгдан – чапга буриб, тана оғирлигини чап оёққа ўтказиб, бир вақтнинг ўзида ўнг оёқ учини буриб, бир оз ярим ўтириб, зарба учун дастлабки холатни яратиб, ўнг қўлда бошга пастдан зарба ҳаракатини бажаринг. Чап қўл қаршиловчи зарбалардан бошни ҳимоя қиласи. Ўнг қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




71-расм. Турган жойида ўнг қўлда бошга пастда зарба бериш.




72-расм. Турган жойида ўнг қўлда бошга пастдан зарба бериш билан хужум қилиш.

Чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда пастдан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан ўнг оёқ учида депсиниб, тана оғирлигини ўнг оёқка ўтказиб, чап оёқда олдинга кичик қадам ташланг. Бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгта буриб, бир оз ярим ўтириб ва зарба учун дастлабки холатни яратиб, мушт бармоқларни юқорига қаратиб, оёқларни тўғрилаб, ўнг қўлда пастдан юқорига зарба ҳаракатини бажаринг. Чап қўл қаршиловчи зарбалардан бошни химоя қилади. Ўнг қўл ва чап оёқни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




73-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда пастдан зарба бериш.



74-расм. Чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда пастдан зарба бериш билан хужум қилиш.

Үнг қўлда гавдага пастдан зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: жанговар тик туриш холатидан гавдани ўнгдан – чапга буриб, тана оғирлигини чап оёққа ўтказиб, бир вақтнинг ўзида ўнг оёқ учини буриб, бироз ярим ўтириб, зарба учун дастлабки холатни яратиб, мушт бармоқларни юқорига қаратиб, оёқларни тўғрилаб, ўнг қўлда пастдан гавдага зарба ҳаракатини бажаринг. Чап қўл қаршиловчи зарбалардан бошни ҳимоя қиласди. Ўнг қўлни зарба траекторияси бўйлаб дастлабки холатта қайтаринг ва жанговар тик туриш холатини эгалланг.




75-расм. Чап қўлда гавдага пастдан зарба бериш.

ПАСТДАН БЕРИЛАДИГАН ЗАРБАЛАРДАН


ҲИМОЯЛАНИШЛАР

Пастдан бериладиган зарбалардан ҳимояланишнинг асосий ва энг самарали турларига қўйидагилар киради:


1. Манёвр қилиш билан ҳимояланиш.
2. Ўнг ва чап кўл кафти ёрдамида тўсиш билан ҳимояланишлар.
3. Ўнг ёки чап тирсак ёрдамида тўсиш билан ҳимояланишлар.
4. Ураётган қўлнинг икки бошли мушагига ўнг ёки чап кўл кафтни қўйиб тўхтатиш билан ҳимояланиш.



76-расм. Ўнг кўл кафти ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.



77-расм. Тирсаклар ёрдамида тўсиш билан ҳимояланиш.



78-расм. Ураёттан қўлга ўнг ёки чап қўл кафтни қўйиб тўхтатиш билан ҳимояланиш.



ТЎҒРИДАН ИККИТАЛИК ЗАРБАЛАР КОМБИНАЦИЯЛАРИ

Бошга ва гавдага тўғридан бериладиган зарбалар иккиталик комбинацияларидан асосан яқин ва ўрта масофаларда фойдаланилади. Чап ва ўнг қўлда тўғридан бошга бериладиган зарбалардан иборат комбинациялар шартли равища “бир – икки” деб аталади. Рингдаги жанг вазиятига ва тактик вазифаларга қараб турли бошга ва гавдага тўғридан бериладиган зарбалардан иборат турли хил комбинацияларни ҳужум, қаршиловчи ва жавоб зарбалари шаклида қўллаш мумкин.

Олдинга қадам ташлаб чап ва ўнг қўлда бошга тўғридан зарбалар бериш.

Бажарилиши техникаси: узоқ масофадан туриб ўнг оёқ учида депсиниб, тана оғирлигини олдинда турган чап оёққа ўтказинг, рақибгача бўлган масофани тез енгиб ўтиб, оёқ учида бутун товон билан қадам ташланг. Бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгга буриб, чап қўлни кескин тўғрилаб ва муштни нишонга йўналтириб, рақиб бошига тўғридан зарба беринг. Зарба пайтида навбатдаги ургу берилган ўнг қўл зарбасига қулай вазият яратиш учун чап елкани олдинга

булинг. Сүнгра гавдани ўнгдан – чапга буриб ва тана оғирлигини тұлалигича чап оёққа ўтказиб, ўнг қўлни тездә тўғри чизиқ бўйлаб нишонга йўналтиринг. Зарба бериш пайтида қаттиқ қисилган мушт олдинга эгилади. Чап қўл тирсаги гавдага яқинлашади. Иккита тўғридан зарба берилиши биланоқ зудлик билан дастлабки холат эгалланант.




79-расм. Олдинга қадам ташлаш билан чап ва ўнг қўлда бошга тўғридан зарбалар бериш.

Олдинга қадам ташлаш билан чап ва ўнг қўлда гавдага тўғридан зарбалар бериш.

Бажарилиши техникаси: узоқ масофадан туриб ўнг оёқ учида депсиниб, тана оғирлигини олдинда турган чап оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида чап оёқда олдинга қадам ташланг ва гавдани чапдан – ўнгта буриб, олдинга – ўнгта энгашиб, чап қўлда гавдага тўғридан зарба беринг. Чап қўл

тирсагини гавдага қаттиқроқ тортиб, гавдани күттармасдан ва ўнг оёқни қаттиқроқ босиб, гавда оғирлигини тұлалигича чап оёққа үтказиб, ўнг қўлда гавдага тұғридан зарба беринг. Комбинация тугагач, зудлик билан дастлабки холатта қайтинг.





80-расм. Олдинга қадам ташлаш билан чап ва ўнг қўлда гавдага тұғридан зарбалар бериш.


Ўнг ва чап қўлда бошга тұғридан зарбалар бериш.

Бажарилыш техникаси: чап қўлда алдамчи ҳаракат бажарилғач, ўнг ва чап қўлда бошга тұғридан иккиталик зарба комбинациясини мувоффақиятли үтказиш мумкин. Узоқ масофадан туриб бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан – ўнгта буриб, чап оёқда олдинга қадам ташлаб ва тана

оғирлигини тұлалигича чап оёққа ўтказиб, ўнг қўлда бошга түғридан зарба беринг. Сүнгра гавда оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб ва гавдани орқага тортиб, чап қўлда бошга түғридан зарба беринг. Орқада турган ўнг оёққа тана оғирлигини ўтказиб чап қўлда бошга түғридан зарба бериш рақибнинг жавоб зарбаларига қарши қўлланилади.



б



в

81-расм. Ўнг ва чап қўлда бошга түғридан зарбалар бериш.

ТҮГРИДАН УЧТАЛИК ЗАРБАЛАР СЕРИЯСИ


Зарбаларни бир қолипда құллаш мүмкін әмас, ундан жаңғдаги маълум бир жанг масофасига қараб техника-тактик воситалар ёрдамида онгли равища фойдаланиш керак. Ҳар бир сеирияни үзининг зарбаларини алмашиб бажариш тартибига эга. Серияларни ҳар бир зарбаси маълум бир нишонга тегиши керак. Зарбалар орасидаги танаффуслар түрлича бўлиши мүмкін. Зарбалар сериясини амалга оширища уларнинг бажарилиш тезлиги ва айрим зарбаларни бериш орасидаги танаффусларнинг давомийлиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳаракатларнинг керакли маромига ўргатиш учун шартли равища буйруқ қўлланилиб, ҳар бир серия учун алоҳида берилади ва бунда зарбалар орасида керакли танаффуслан қилинади. Масалан бошга учталик тўғридан зарбалар сериясини “чапда – чапда – ўнгда” бажариш учун “бир-бир – икки” буйруғи берилади ёки худди шу серия учун; “бир... – бир – икки” буйруғи берилиши мүмкін.

“Бир – бир – икки” буйруғида барча зарбалар бир хил танаффусдан сўнг берилади. “Бир-бир-икки” буйруғида эса бир...” саноғидан кейин, яъни биринчи зарбадан сўнг кичик танаффус қилиниб, кейинги “бир-икки” саноғи тез айтилади, яъни “бир – икки” зарбалари орасидаги танаффуслар кам бўлади. Ўрта масофадан туриб бериладиган сериялардаги зарбалар орсидаги танаффуслар қисқаради, чунки бу ерда боксчилар орасидаги масофа ҳам кам бўлади. У ёки бу сериядаги энг қисқа танаффуслар яқин масофадаги жаңгда бўлиши мүмкін. Лекин баъзи айрим ҳолларда танаффуслар узайтирилиши мүмкін. Бу тактик вазифаларга ва боксчиларнинг жисмоний сифатларига боғлиқ.

Чап қўлда бошга ва гавдага, ўнг қўлда бошга

түғридан зарбалар бериш.


Бажарилиши техникаси: узоқ масофадан туриб чап оёқда олдинга қадам ташлаб, чап қўлда рақиб бошига түғридан зарба беринг. Чап қўлни дастлабки холатга қайтариб, ўнг оёқни чап оёқка қаттикроқ тортиб ва бир вақтнинг ўзида чап оёқда олдинга – чапга қадам ташлаб, чап қўлда гавдага түғридан зарба беринг. Сўнгра тана оғирлигини тўлалигича чап оёқка ўтказиб, ўнг қўлда бошга түғридан зарба беринг. Комбинация бажарилгач, зудлик билан дастлабки холатга қайтинг.



82-расм. Чап қўлда бошга ва гавдага, ўнг қўлда бошга түғридан зарбалар бериш.

Чап қўлда бошга, ўнг қўлда гавдага ва чап қўлда бошга түғридан зарбалар бериш.

Бажарилыш техникаси: узоқ масофадан туриб чап оёқда олдинга қадам ташлаб, рақиб бошига чап қўлда тўғридан зарба беринг. Зарбадан сўнг ўнг оёқни чап оёққа қаттиқроқ тортиб ва олдинда турган чап оёққа тана оғирлигини ўтказиб, ўнг қўлда рақиб гавдасига тўғридан зарба беринг. Сўнгра чап оёқда депсиниб, тана оғирлигини орқада турган ўнг оёққа ўтказинг ва бир вақтнинг ўзида чап қўлда бошга тўғридан зарба беринг. Комбинация бажарилгач, зудлик билан дастлабки холатга қайтинг.




83-расм.Чап қўлда бошга, ўнг қўлда гавдага ва чап қўлда бошга тўғридан зарбалар бериш.

ТҮГРИДАН ТҮРТТАЛИК ЗАРБАЛАР СЕРИЯСИ

Түрттали зарбалар сериясими мұваффақиятли бериш хужумнинг, кутилмаганда амалга оширилишига унинг бажарилиш тезлиги, яхлитлиги ва аниқлигига боғлиқ бўлади. Тўғридан бериладиган зарбалар серияси олдинга кичикроқ қадам ташлаш билан бажарилади. Тўғридан бериладиган зарбалар сериясими бажаришда зарба беришдан бўш бўлган қўл билан бошни эҳтиётлашга ҳар бир тўғридан берилган зарбадан сўнг қўлни жуда қисқа йўл билан дастлабки холатга қайтариш лозим.

Чап ва ўнг қўлда бошга, чап ва ўнг қўлда бошга тўғридан зарбалар бериш.


Бажарилиши техникаси: узоқ масофадан туриб чап оёқда олдинга қадам ташлаб, чап қўлда рақиб бошига тўғридан зарба беринг. Зарбадан сўнг ўнг оёқни чап оёққа қаттикроқ тортинг ва ўнг қўлда бошга тўғридан зарба беринг. Тана оғирлигини орқада турган ўнг оёққа ўтказинг ва бир вақтнинг ўзида чап қўлда бошга тўғридан зарба беринг. Рақибнинг яқинлашувини бир оз кечиктириш ва кейинги зарба учун дастлабки холатни яратиш учун зарба берилгач, чап қўлни бир қанча вақт чўзилган ҳолда ушлаб туринг. Сўнгра тана оғирлигини олдинда турган чап оёққа ўтказинг, ўнг қўлда бошга тўғридан зарба беринг. Комбинация тугагач, дастлабки холатга қайтинг.



84-расм. Чап ва ўнгда қўлда бошга, чап ва ўнг қўлда бошга тўғридан зарбалар бериш.

Ўнг ва чап қўлда бошга, ўнг ва чап қўлда гавдага тўғридан зарбалар бериш.

Бажарилиши техникаси: узоқ масофадан туриб чап оёқда олдинга қадам ташлаб, тана оғирлигини тўлалигича олдинда турган чап оёққа ўтказиб, ўнг қўлда бошга тўғридан зарба беринг. Зарбадан сўнг тана оғирлигини орқада турган ўнг оёққа ўтказинг ва бир вақтнинг ўзида чап қўлда бошга тўғридан зарба беринг. Гавдани ўнгдан – чапга буриб ва олдинга – чапга оғдириб, ўнг қўлда гавдага тўғридан зарба беринг. Сўнгра тана оғирлигини олдинда турган чап оёққа тўлалигича ўтказиб, чап қўлда гавдага тўғридан зарба беринг. Комбинация тутагач, дастлабки холатга қайтинг.



85-расм. Ўнг ва чап қўлда бошга, ўнг ва чап қўлда гавдага тўғридан зарбалар бериш.


ТҮГРИДАН БЕРИЛАДИГАН ЗАРБАЛАР БИЛАН ҚАРШИ ҲУЖУМЛАР

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши ўнг қўл кафтини тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда чап оёқ учида депсиниб гавдани бир оз орқага оғдириб, тана оғирлигини орқада турган оёққа ўтказиб ва ўнг қўл кафтини рақиб зарбаси остига қўйиш билан ҳимояланишни бажаринг. Зарба кафтга қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учида ердан депсиниб, чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.



8



б



в


86-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл кафтини тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши чап қўл кафтни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда чап оёқ учиде депсиниш билан гавдани бир оз орқага оғдириб ва ўнг қўл кафтини рақиб зарбаси остига қўйиш билан ҳимояланиш ҳаракатини бажаринг. Зарба кафтта қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учиде ердан депсиниш билан ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.



a



б





в

87-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши чап қўл кафтни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Үнг құлда бошга түғридан берилган зарбага қарши үнг құл кафтини түсиқ қилиб қўйиб ҳимояланиш ва чап құлда гавдага түғридан жавоб зарбасини бериш.

Бажарилыш техникаси: рақиб үнг құлда бошга түғридан зарба бериш билан ҳужум қилаёттган пайтда, чап оёқ учиды депсиниб, гавданы бир оз орқага оғдириб, тана оғирлигини орқада турған үнг оёққа ўтказиб, үнг құл кафтини рақиб зарбаси остига қўйиши билан ҳимояланиш ҳаракатини бажаринг. Зарба кафтта қаттиқ тегиши биланоқ, үнг оёқ учиды ердан депсиниб чап құлда гавдага түғридан жавоб зарбасини беринг.




88-расм. Үнг құлда бошга түғридан берилган зарбага қарши, үнг құл кафтини түсиқ қилиб қўйиши билан ҳимояланиш ва чап құлда гавдага түғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл кафтини тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, чап оёқ учиде депсиниб, гавдани бир оз орқага оғдириб, тана оғирлигини орқада турган ўнг оёққа ўтказиб, ўнг қўл кафтини рақиб зарбаси остига қўйиш билан ҳимояланишни ҳаракатини бажаринг. Зарба кафтта қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учиде ердан депсиниб, ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини беринг.



а



б






в

89-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл кафтини тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.




Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда, бошга, тўғридан зарба бериш билан хужум қилётган пайтда, гавдани чапдан – ўнгта буриб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, иякни ўнг қўл кафти билан ҳимоялаб, рақиб зарбасига чап елкани қўйиб, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланишни бажаринг. Зарба елкага қаттиқ тегиши биланок, ўнг оёқ учида ердан депсиниб, ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беришинг.



90-расм. Ўнг қўлда бошга тўғридан берилаган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.



Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда, бошга, тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда, гавдани чапдан – ўнгга буриб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, иякни ўнг қўл кафти билан ҳимоялаб, рақиб зарбасига чап елкани қўйиб, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланишни бажаринг. Зарба елкага қаттиқ тегиши биланок, ўнг оёқ учида ердан депсиниб, чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беришинг.



91-расм. Чап қўлда, бошга, тўғридан берилган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.




Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда гавдани чапдан – ўнгга буриб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, иякни ўнг қўл кафти билан ҳимоялаб, рақиб зарбасига чап елкани қўйиб, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланишни бажаринг. Зарба елкага қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учida ердан депсиниб, ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини беринг.



92-расм. Ўнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.



Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда, гавдани чапдан – ўнгга буриб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, иякни ўнг қўл кафти билан ҳимоялаб, рақиб зарбасига чап елкани қўйиб, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланишни бажаринг. Зарба елкага қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учida ердан депсиниб, чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.



93-расм. Чап қўлда, бошга, тўғридан берилган зарбага қарши, чап елкани тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, чап оёқ учиде депсиниб, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, рақиб зарбасига иккала қўл билакларини қўйиб, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланишни бажаринг. Зарба билакларга қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учиде ердан депсиниб, ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.




94-расм. Чап қўлда, бошга, тўғридан бериладиган зарбага қарши билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, чап оёқ учида депсиниб гавда оғирлигини үнг оёққа ўтказиб, рақиб зарбасига иккала қўл билакларини қўйиб, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ҳаракати бажаринг. Зарба билакларга қаттиқ тегиши биланоқ, үнг оёқ учида ердан депсиниб, чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.



a



б





в

95-расм. Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда гавдага тўғридан берилган зарбага қарши, билаклар-ни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда гавдага тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда, чап оёқ учида депсиниб тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, рақиб зарбасига иккала қўл билакларини қўйиб, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ҳаракатини бажаринг. Зарба билакларга қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учида ердан депсиниб, чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беришинг.




96-расм. Чап қўлда гавдага тўғридан берилган зарбага қарши билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда гавдага тўғридан берилган зарбага қарши, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда гавдага тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда, чап оёқ учида депсиниб тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, рақиб зарбасига иккала қўл билакларини қўйиб, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ҳаракатини бажаринг. Зарба билакларга қаттиқ тегиши биланоқ, ўнг оёқ учида ердан депсиниб, ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.



a






б



97-расм. Ўнг қўлда гавдага тўғридан берилган зарбага қарши, билакларни тўсиқ қилиб қўйиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида ўнгта қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.



Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, бир вақтнинг ўзида гавдани чапдан ўнгга буриб, рақиб мушти нишонга ҳаракат қилаётган пайтда чап қўл кафти билан қайтарувчи ҳаракатни бажаринг. Сўнгра ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг ва бир вақтнинг ўзида тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг.



98-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида ўнгта қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши чап қўл ёрдамида чапга қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, бир вақтнинг ўзида гавдани ўнгдан – чапга буриб, рақиб мушти нишонга ҳаракат қилаётган пайтда чап қўл кафти билан қайтарувчи ҳаракатни бажаринг. Сўнгра ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг ва бир вақтнинг ўзида тана оғирлиги чап оёққа ўтказинг.



99-расм. Ўнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида чапга қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида юқорига қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.



Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, бир вақтнинг ўзида рақибнинг чап қўл билагини юқорига қайтариш учун тирсак бўғимиidan тўғри бурчак остида букилган чап қўл кафтини устки томони билан қайтарувчи харакатни бажаринг. Сўнгра ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини беринг, бунда бир вақтнинг ўзида чап оёқда олдинга қадам ташлананг ва бир вақтнинг ўзида тана оғирлиги чап оёққа ўтказинг.




100-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида юқорига қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда гавдага тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида пастга қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда гавдага тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказиб, рақиб мушти нишонга ҳаракат қилаётган охирги пайтда, чап қўл кафти билан пастга қайтарувчи ҳаракатни бажаринг. Сўнгра ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг ва бир вақтнинг ўзида чап оёқда олдинга қадам ташланг ва бир вақтнинг ўзида тана оғирлиги чап оёққа ўтказинг.



б





в

101-расм. Ўнг қўлда гавдага тўғридан берилган зарбага қарши, чап қўл ёрдамида пастга қайтариш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл ёрдамида чапга қайтариш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.



Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани ўнгдан – чапга буриб, рақиб мушти нишонга ҳаракат қилаётган охирги пайтда ўнг қўл кафтини ичкарига қилиб, қайтаришни бажаринг. Сўнгра чап оёқда олдинга қадам ташлаб, чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.



102-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл ёрдамида чапга қайтариш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл ёрдамида ўнгга қайтариш билан ҳимояланиш ва чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.



Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, чап оёқда олдинга кичик қадам ташланг, бир вақтнинг ўзида гавдани олдинга – чапга оғдириб ва чапдан – ўнгга буриб, рақиб мушти нишонга ҳаракат қилаётган охирги пайтда, ўнг қўлда ташқарига қайтаришни бажаринг. Сўнгра чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбаси беринг ва бир вақтнинг ўзида тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг.



103-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ўнг қўл ёрдамида ўнгга қайтариш билан ҳимояланиш ва чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбадан, орқага оғиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани орқага оғдириб ва иякни ўнг қўл кафти билан ҳимоялаб, оғиш билан ҳимояланишни бажаринг. Сўнгра чап оёқда олдинга қадам ташлаб ўнг қўлда рақиб бошига тўғридан жавоб зарбасини беринг.




104-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага орқага оғиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбадан, орқага оғиш билан ҳимояланиш ва үнг қўлда гавдага жавоб зарбасини бериш.

Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда қўлда тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, тана оғирлигини үнг оёққа ўтказинг, бир вақтнинг ўзида гавдани орқага оғдириб ва үнг қўл кафти билан иякни ҳимоялаб, оғиш билан ҳимояланишни бажаринг. Сўнгра чап оёқда олдинга қадам ташлаб, үнг қўлда рақиб гавдасига тўғридан жавоб зарбасини беринг.



a






б

в

105-расм. Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбадан, орқага оғиш билан ҳимояланиш ва үнг қўлда гавдага жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбадан, ўнгта оғиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган охирги пайтда, зарба қаршисига кичикроқ қадам ташлаб, бир вақтнинг ўзида олдинга – ўнгта эгилиб, бошни зарбадан олиб қочиб ва бир оз ярим ўтириб, бир оз ярим ўтириб, ўнгта оғиш билан ҳимояланишни бажаринг. Қўллар иякка тақалган, бош чап елкага туширилган. Сўнгра гавда оғирлигини чап оёққа ўтказиб, ўнг қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини беринг.




106-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши ўнгта оғиш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда бошга жавоб зарбасини бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши ўнгта оғиши билан ҳимояланиш ва үнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб ўнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган охирги пайтда зарба қаршисига кичик қадам ташлаб, бир вақтнинг ўзида олдинга – ўнгга эгилиб, бошни зарбадан олиб қочиб, ўнгта оғиши билан ҳимояланишни бажаринг. Сўнгра тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг ва бир вақтнинг ўзида ўнг қўлда рақиб гавдасига тўғридан жавоб зарбасини бериш.



a



б






в

107-расм. Ўнг қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши ўнгта оғиши билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Үнг құлда бошга түғридан берилған зарбага қарши чапга оғиши билан ҳимояланиш ва үнг құлда бошга түғридан жавоб зарбасини бериш.




Бажарилиши техникаси: рақиб үнг құлда бошга түғридан зарба бериш билан ҳужум қилаёттан охирғи пайтда, чап оёқда олдинга кичик қадам ташлаб, бир вақтнинг ўзида гавдани үнгдан – чапга буриб ва бошни зарбадан олиб қочиб, чапга оғиши билан ҳимояланишни бажаринг. Сүнгра тана оғирлигини үнг оёққа үтказинг ва бир вақтнинг ўзида чап құлда рақиб гавдасига түғридан жавоб зарбасини беринг.



108-расм. Үнг құлда бошга түғридан берилған зарбага қарши чапга оғиши билан ҳимояланиш ва үнг құлда бошга түғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши чапга оғиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган охирги пайтда, чап оёқда олдинга кичик қадам ташлаб, бир вақтнинг ўзида гавдани ўнгдан – чапга буриб ва бошни зарбадан олиб қочиб, чапга оғиш билан ҳимояланишни бажаринг. Сўнгра тана оғирлигини ўнг оёққа ўтказинг ва бир вақтнинг ўзида чап қўлда рақиб гавдасига тўғридан жавоб зарбасини беринг.




109-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши чапга оғиш билан ҳимояланиш ва чап қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши яrim ўтириш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган охирги пайтда, рақиб зарбаси остига иккала оёқда бир текис яrim ўтириб, яrim ўтириш билан ҳимояланишни бажаринг. Сўнгра ростланиб, чап қўлда рақиб гавдасига тўғридан жавоб зарбасини беринг.



a



б






в

110-расм Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, яrim ўтириш билан ҳимояланиш ва чап қўлда бошга тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши, ярим ўтириш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.


Бажарилиши техникаси: бошга ўнг қўлда тўғридан зарба бериш билан рақиб хужум қилиши пайтида, рақиб зарбаси остиги иккала оёққа бир текисда ярим ўтириб, ярим ўтириш билан ҳимояланиш бажаринг. Сўнгра растланиб, рақиб гавдасига ўнг қўлда тўғридан жавоб зарбаси берилади.



111-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилган зарбага қарши ярим ўтириш билан ҳимояланиш ва ўнг қўлда гавдага тўғридан жавоб зарбасини бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилаётган зарбага қарши, чап қўлда гавдага тўғридан қаршиловчи зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташлаб, бир вақтнинг ўзида гавдани олдинга – ўнгта эгилтириб, чап қўл муштини нишонга тўғри чизиқ бўйлаб йўналтиринг. Зарба пайтида ўнг қўл билан иякни ҳимояланг. Агарда қаршиловчи зарба рақиб ҳаракатини енгиб ўтса, бу ҳолда у самарали бўлади.



112-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилаётган зарбага қарши, чап қўлда гавдага тўғридан қаршиловчи зарба бериш.

Чап қўлда тўғридан берилаётган зарбага қарши, чап қўлда тўғридан қаршиловчи зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда тўғридан зарба бериш билан ҳужум қилаётган пайтда, чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташлаб, бир вақтнинг ўзида гавдани олдинга – ўнгта эгилтириб, чап қўл муштини нишонга тўғри чизиқ бўйлаб йўналтиринг. Ҳаракатнинг оҳирги пайтида муштнинг қисилиши ва унинг билак бўғимиидан эгилишига катта аҳамият беринг. Иякни эхтиётовчи ўнг қўл зарурият бўлганда рақиб зарбасини тўхтатиши керак.



113-расм. Чап қўлда тўғридан берилаётган зарбага зарбага қарши, чап қўлда тўғридан қаршиловчи зарба бериш.

Чап қўлда бошга тўғридан берилаётган зарбага қарши, ўнг қўлда гавдага тўғридан қаршиловчи зарба бериш.


Бажарилиши техникаси: рақиб чап қўлда тўғридан зарба бериш билан хужум қилаётган пайтда, чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташлаб, бунда гавдани ўнгдан – чапга бир оз олдинга ва пастга буриб, бир вақтнинг ўзида ўнг қўл муштини нишонга йўналтиринг. Ҳаракатнинг охирги пайтида муштнинг қисилиши ва унинг билак бўғимидан эгилишига катта аҳамият беринг. Иякни ҳимоялови ўнг қўл зарурият бўлганда рақиб зарбасини тўхтатиши керак.



114-расм. Чап қўлда бошга тўғридан берилаётган зарбага қарши, ўнг қўлда гавдага тўғридан қаршиловчи зарба бериш.

Үнг қўлда бошга тўғридан берилаётган зарбага қарши, үнг қўлда бошга тўғридан қаршиловчи зарба бериш.

Бажарилиши техникаси: рақиб үнг қўлда бошга тўғридан зарба бериш билан ҳужум қиласётган пайтда, чап оёқда олдинга кичикроқ қадам ташлаб, бунда гавдани ўнгдан – чапга буриб ва бир вақтнинг ўзида үнг қўл муштини нишонга йўналтиринг. Мушт нишонга тегиши пайтида тана оғирлигини чап оёққа ўтказинг.



115-расм. Үнг қўлда бошга тўғридан берилаётган зарбага қарши, үнг қўлда бошга тўғридан қаршиловчи зарба бериш.

IV. БОКС ТАКТИКАСИ

Умумий қоидалар

Тактика – бокс назарияси бўлими бўлиб, унда жанг олиб бориш услуби турли хил бўлган рақиблар билан олишиш шакллари, турлари, услублари ва вариантлари ўрганилади. Боксчининг тактик маҳорати жангнинг тўғри ташкил қили-ниши ва унинг бошқарилиши билан белгиланади.

Боксчининг тактик маҳорати рақибнинг кучли томонларини бартараф этиш, унинг бўш томонларидан фойдаланиш ва шу билан бир вақтда индивидуал жанг олиб бориш услугбини қўллай билишида намоён бўлади. Жангни бошқариш, уни олиб бориш санъати жанг режасини амалда қўллай олиш, унга аниқлик киритиш, зарур ҳолларда эса жанг давомида уни ўзгартира олишдан иборат. Жангни бошқариш кўникмаси боксчининг жанговар тез фикрлашига, унинг иродавий сифатларига боғлиқ.

Жанг режасини тузиш боксчининг чуқур фикрлаш, рақиб ҳаракатларини таҳлил қилиш ва синтезлаш қобилиятига, шунингдек, техник-тактик воситаларнинг эгалланганлик даражасига боғлиқ. Улар қанча турли-туман бўлса, жангни режалаштириш вариантлари шунча кўп бўлади.

Олишувни режалаштириш ва уни бошқариш боксчининг турли хил жанг шаклларини қай даражада мукаммал ўзлаштириб олганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Жанг олиб боришнинг учта тури мавжуд: разведка, хужумкор ва ҳимоя.

Разведка шаклидаги жанг унинг режасини тузиш пайтида рақиб тўғрисида маълумотлар олиш воситаси сифатида мустақил ҳисобланади. Хужум ёки ҳимоя ҳаракатларини тайёрлашда у ёрдамчи шакл бўлиб хизмат қиласи.

Хужумкор шаклдаги жанг – ташаббусни олиб қўйишни назарда тутувчи рақиб билан олишишнинг фаол шакли. У узоқ, ўрта ва яқин масофалардаги хужум, қарши ва жавоб ҳаракатлари ёрдамида амалга оширилади.

Химоя шаклидаги жанг ташаббусни тортиб олган рақибдан химояланиш шакли ҳисобланади, бунда у мустақил ва ёрдамчи бўғин бўлиши ҳамда хужумнинг ривожланишида бирга амалга оширилиши мумкин.

Замонавий жанг – турли масофаларда бажариладиган силжишлар, зарба ва химоя ҳаракатларининг мураккаб уйғуналигидир.

Рақиблар жанговар ҳаракатларини олиб борадиган масофа кўп ҳолларда боксчиларнинг техникаси хусусиятларини, жангда у ёки бу жисмоний ва иродавий сифатларнинг намоён бўлишини белгилаб беради. Ҳар бир масофадаги олишув турли-туман шароитларда ўтади ва ўзининг қонуниятларига эга.

Зарбаларни бериш ва химояга ўтиш вақти рақиблар ўртасидаги масофага боғлиқ. Жанговар масофа қанча қисқа бўлса, зарба шунча тез ва сезилмасдан нишонга етиб боради ҳамда ундан химояланиш шунча қийин бўлади. Ва, аксинча, масофа қанча узоқ бўлса, боксчи рақиби зарбаларидан шунча осонликча химояланади. Ҳар бир масофа учун зарбалардан химояланиш имкониятини белгилаб берувчи вақт чегараси (лимит) мавжуд.

Боксцида узоқ масофада ўрта масофага қараганда, ўрта масофада эса яқин масофага қараганда химояланиш учун яхши шароит мавжуд. Узоқ масофада ўрта масофага нисбатан ҳаракатларни бажариш учун вақт кўп бўлишига қарамасдан, у барibir секундларда ҳисобланади. Шунинг учун зарбадан химояланётганлар узоқ масофада турганликларига қарамасдан, рақиб ҳаракатларига ўз вақтида реакция қилиш учун

етарлича тез реакция ва ҳаракатга эга бўлишлари лозим.

Турли масофалардаги вақт чегараси тегишли техника, тактикани танлашни белгилаб беради, реакция ва фикрлаш тезлитининг, тезкорлик ва ҳаракат координацияси, дикқат ҳамда бошқа сифатларнинг турли даражада ривожланишини тақозо этади.

Узоқ масофада, ўрта масофага қарагандা, боксчи ҳар доим ҳужум бошлашга қийналади, чунки зарба бериш доирасидан ташқарида турган рақиб бошланғич ҳаракатларни нисбатан осонлик билан қабул қиласи ва уларга ҳимояланиш билан реакция қила олади. Ҳужум ва қарши ҳужум рақиб учун кутилмагандага бўлиши учун боксчи, зарбани тайёрлаётуб, унинг дикқатини масофани доимо ўзгартириб туриш ва алдамчи ҳаракатлар билан чалғитиши лозим.

Узоқ масофадаги жанг ўзига хос хусусиятларга эга. Боксчи қадди ростланган ҳолда тик туриб, оёқлари учидаги (оёқлар текис, кенг керилган) ринг бўйлаб енгил силжиб ҳаракатланади ва ҳар доим силжиб юриш турлари ҳамда рақибгача бўлган масофани ўзгартириб, ҳужумдан қарши ҳужумга тез ва силлик ўтишга тайёр туради. Узоқ масофада жанг олиб борувчи боксчи асосан тўғридан зарбалардан фойдаланади, енгил, чалғитувчи зарбаларни шиддатли ва кескин зарбалар билан бирга қўшиб бажаради, кўпроқ орқага ва ён томонга қадам ташлаб ҳимояланишлар, шунингдек, тўсишлар ёрдамида турли ҳимояланишларни қўллайди. Тўғридан зарбалар ва ажойиб тарзда силжиб юришлар билан бирга финтлардан фойдалана билиш узоқ масофада жанг олиб борувчи боксчининг ўзига хос хусусияти хисобланади. Бироқ узоқ масофадаги жанг техникаси фақат шу хусусиятлар билан чекланиб қолмайди. Узоқ масофада жанг олиб борадиган паст бўйли, жисмонан бақувват боксчиларда

ўзларининг техникаси шакланган. Бу боксчилар, ринг бўйлаб анча юмшоқ ва оёқ учида ўта кўтарилимасдан силжиб юриб, ринг бўйлаб ҳаракатланишларни гавданинг алдамчи ҳаракатлари ҳамда гавдани бир оёқдан иккинчисига ўтказиш ҳаракатлари билан доимо бирга бажарадилар. Уларнинг энг севган зарбалари – олдинга “сакраш” билан ва зарба берётган қўлга қарама-қарши оёқда қадам ташлаш билан ёндан ҳамда пастдан зарбалар.

Ўрта масофадаги жанг ёки хужум ёхуд қарши хужум ҳаракатларининг ривожланиши, ёки боксчининг тактик вазифаларига кирувчи ёхуд унинг индивидуал жанг олиб бориши услубига хос бўлган жанговар ҳаракатларнинг маълум бир услуби ҳисобланади. Ўрта масофада, худди яқин масофадаги каби, агар рақиб жангнинг ривожланишига ҳалақит бериши мумкин бўлган қаршиликни кўрсатмаса ёки у хужум қилаётганга фаол қаршилик кўрсатса, жанг ривож топиши мумкин.

Агар рақиб ҳаракатларни ўрта масофада ривожлантиришга имконият бермаса, ушбу ҳолда кескин қарши жанг юзага келади, унда хужум қилаётган ташаббус ва маънавий устунликка эришиш учун курашиши лозим. Бундай олишувда одатда хужумлар ва рақиб қарши хужумларидан ҳимояланиш ҳамда рақиб қарши хужумларига қарши хужумлар бирлашган ҳолда амалга оширилади.

Ўрта масофа учун яна узоқ масофадагига нисбатан вақт чегарасининг камлиги хосдир. Бу боксчиларнинг техникаси ва тактикасида акс этади. Ўрта масофада тактик кўрсатманинг хусусияти шундан иборатки, боксчи зарбалар серияси билан рақиб қарши хужумидан илгари ҳаракат қилишга интилади. Рақибнинг мумкин бўлган қарши зарбаларини олдиндан қўзлай олган ҳолларда у шўнғишилар, оғишилар, тўсишилар билан автоматлашган ҳимояланиш серияларини қўллайди ва

кескин зарбалар беради. Ўрта масофадаги жанг вақт оралиғида қатый чегараланғанлығы сабабли, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири – рақиб зарбаларига доимо тайёр туриш, уларни олдиндан күзлай билиш.

Ўрта масофадаги жанг техникаси учун гурухлашган тик туриш, ринг бўйлаб чекланган ҳаракатланишлар пайтида гавдани силжитиш хосдир. Ушбу масофада кўпроқ автоматлашган зарбалар ва ҳимояланишлар сериялари (танланган зарбалар ҳамда ҳимояланишлар сериялари билан бир қаторда) ҳамда битталик ургу берилган зарбалар қўлланилади. Зарбалар (тўғридан, пастдан, ёндан қисқа зарбалар) асосан гавданинг айланма ҳаракатлари ҳисобига, шўнфиш, тўсиш ва оғишлар билан ҳимояланишдан фойдаланган ҳолда берилади.

Ўрта масофа реакция ва ҳаракатларнинг тезкорлигига юқори талаблар қўяди. Жанговар ҳаракатларнинг юқори зичлиги ва тезлиги ишилаётган мушакларнинг қисқаришидан уларнинг бўшаштирилишига, ва аксинча, бир зумда ўтишни талаб қиласди. Боксчи шиддатли жанг вазиятида ўрта масофада, биринчидан, юқори даражада мустаҳкам диққатга эга бўлиши, иккинчидан, диққатни зарбалардан ҳимоялашишга, ва аксинча, жуда тез ўтказа олиши лозим.

Яқин масофадаги жанг боксчилар бир-бирларига деярли жуда яқин турган пайтларида ёки гурухлашган тик туришда улар бир-бирига тегиб турган вақтларда олиб борилади. Яқин масофадаги жангнинг тактик вазифаси – гавдага зарба бериш учун қулай холатни эгаллаш, зарбалар билан рақибни толиқтириш ёки унинг зарбаларини боғлаб қўйиш. Бу масофада жанг кўпинча атлетик хусусиятга эга бўлади.

Агар ўрта масофадаги жанг узоқ масофали жангнинг ажралмас бир қисми бўлса (чунки узоқ масофадан туриб

бериладиган ҳар қандай зарба ўрта масофада тугайди), унда яқин масофадаги жанг ҳар доим атайлаб ёки мажбуран юзага келади. Жисмонан бақувват, паст бўйли, кўпроқ қисқа зарбаларни қўллайдиган, рақиблари учун қулай бўлмаган яқин масофада ва айнан муваффақиятга эришишларини (очко жамғариш, рақибни толиктириш) биладиган боксчилар яқин масофадаги жангдан атайлаб фойдаланадилар. Баъзи ҳолларда боксчилар дам олиш, рақибнинг ўрта масофадаги зарбаларидан қочиш учун ҳам яқин масофада бўлишдан фойдаланадилар. Бу масофада, бошқаларга қараганда, зарба бериш янада кам, рақиб яқин турганлиги ва жанговар холат хусусиятлари сабабли, боксчи зарбаларга асосан тўсишлар ва устма-уст қўйиш билан реакция қилишга улгуради. Яқин масофада рақиб яқин турганлиги туфайли унинг ҳаракатларини кўриш орқали идрок этиш чекланганлиги сабабли, ва боксчи рақиби нима қилаётганлиги, унинг қайси жойлари очиқ эканлитини кўра олмаслиги боис, жангда асосан мушак ва сезги ҳисларига таянишга тўғри келади. Уларнинг ёрдамида рақибнинг гавда, елка, қўлларининг холати, гавда бурилишлари, қўлларининг узатилиши, уларнинг ҳаракат йўналиши, мушакларнинг зўриқиши ва бўшаштирилиши идрок қилинади.

Ўрта масофада боксчилар гурухлашган тик туришда бўла туриб, жанговар ҳаракатларни олиб борадилар, елкалари билан тегиб ва ҳатто бир-бирларига суюниб, яна ҳам мустаҳкам холатни эгаллашга интиладилар. Қисқа зарбалар устма-уст қўйиш ва тўсишлар ёрдамида ҳимояланишлар билан бирга бажарилади. Яқин масофада туриб жанг олиб бориши боксчидан юқори даражада ривожланган мушак-ҳаракат сезгиларидан ташқари, бўшашишни ва ўз рақибини ҳис қила билишни ҳамда катта маҳсус чидамлилик ва матонатни тақозо этади.

Тактик ҳаракатлар

Тактик ҳаракатлар тайёрлов, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларига бўлинади.

Тайёрлов ҳаракатлари – бу бевосита ҳужум ва ҳимоядан олдинги ҳаракатлар. Уларга разведка, алдамчи ва манёвр қилиш ҳаракатлари киради.

Разведка ҳаракатлари рақибнинг яхши кўрган комбинациялари, унинг кучли зарба бериш масофаси, индивидуал жанг олиб бориш услуби хусусиятлари, жисмоний тайёргарлигини ва ҳ.к. аниқлаш учун зарур ҳамда алдамчи ҳаракатлар ва жанг билан разведка қилиш ёрдамида амалга оширилади.

Алдамчи ҳаракатлар финталар (зарбалар имитацияси ва бўш жойларни ёлғондан очиб бериш) ҳамда ёлғон (енгил) зарбалар ёрдамида бажарилади. Уларнинг мақсади: а) рақибнинг жанг олиб бориш услубини аниқлаш учун уни фаол ҳаракатларга чорлаш; б) ўзининг ҳужум ва қарши ҳужум ҳаракатларидан рақибни чалғитиш ҳамда уни чорлаш.

Манёвр қилиш ҳаракатлари фаол ҳаракатлар учун қулай дастлабки холат ва пайтни танлаш мақсадида силжиб юришилар ҳамда ҳимояланишлар ёрдамида амалга оширилади. Тактик вазифаларга қараб, масофали (позицияли), ялпи ва қанотли манёвр қўлланилади.

Масофали манёвр – узоқ ҳимояланиш ва зарба бериш масофаларида манёвр қилиш. У узоқ масофани сақлаб қолиш учун чекинишилар (орқага, ён томонларга) ва сайд-степлар (ён томонга қадам қўйиб орқага, чапга, ўнгга бурилиш) билан ҳимояланишлар ёрдамида амалга оширилади.

Ялпи манёвр – фаол ҳужум қилаётган рақибни орқага чекинтириш ёки у билан яқинлашиш мақсадида манёврни (олдинга ҳаракатланишни) ҳимояланишлар билан (тўсишлар, оғишлар, шўнгишлар ёки комбинациялашган ҳимояланиш-

лар ёрдамида) бирга бажариш.

Қанотли манёвр – ҳаракатчан рақибнинг эркин ҳаракатланишини чеклаш мақсадида уни ринг арқони ва бурчакларига (зарба беришга таҳдид солиб олдинга ва ён томонларга қадам ташлаш орқали) “қисиб қўйиш”.

Хужум ҳаракатлари тайёрлов ҳаракатлари ва бевосита хужум ҳаракатларидан ташкил топади. Улар хужум ва қарши хужумга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, йўл-йўлакай ҳимояланишлар, турли масофалардаги хужум, қарши хужум ва жавоб зарбаларини ўз ичига олади. Шу ҳамма тактика элементларининг қўлланилиш кетма-кетлиги турлича ва жанговар вазият талаблари, рақиб ҳаракатлари хусусиятлари билан боғлиқ бўлади.

Ўрта ва яқин масофалардаги хужум ҳаракатлари зарба сериялари билан ривожлантирилади ҳамда ҳимояланишлар, манёвлар, жангдан қисқа муддатга чиқиш ва масофани кўп марта ўзгартириш билан бирга қўшиб бажарилади. Хужум – боксдаги энг асосий жанговар восита бўлиб, у турли хил тактик мақсадларга хизмат қиласи. Тезкор, кутилмаган хужум ташаббусни қўлга олиш ва ҳал қилиувчи зарбани бериш учун қўлланилади. Узоқ масофадан туриб хужум қилишдан рақиб ҳимояланишидан олдин зарба бериш орқали очколардаги устунликка эришиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Хужумлар жанг олиб бориши услубининг асоси ҳисобланади ва хужумкор ҳаракатларнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласи. Узоқ масофадан туриб жанг олиб борадиган боксчилар манёвр ёрдамида хужум тайёрлайдилар, сўнгра эса қулай пайтда битта, иккита, учта, кам ҳолларда қўпроқ зарба бериб, ундан кейин рақиб зарбалари доирасидан узоқлашадилар. Айрим хужумлар ёлғондан бўлиши мумкин. Унинг мақсади – рақибни хужум ёки қарши хужумга ўтишга чорлаш, шунингдек, кейинги

ҳаракатлар учун қулай дастлабки холатни яратиш. Узоқ масофадаги ҳужум, кейинчалик ўрта ёки яқин масофада ривожлантириладиган жанговар операциянинг бир қисми, масалан, бошланиши бўлиши мумкин.

Ҳужумлар жуда турли-тумандир. Улар битталик ёки қўшалоқ (жумладан, такрорий) зарбалардан ёхуд зарбалар серияларидан иборат бўлиши мумкин ва ҳам ўнг қўлдан, ҳам чап қўлдан бошланиши мумкин.

Қарши ҳужум узоқ масофадан туриб манёвр қилишда боксчининг асосий жанговар ҳаракатларига киради ва ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қиласди. Қарши ҳужум ҳар хил тактик мақсадларда қўлланиладиган алоҳида мустақил жанговар ҳаракатлар бўлиши мумкин. Қарши ҳужум ёрдамида очколар сонида устуникика эришилади ва кўп ҳолларда у ҳал этувчи ғалабага олиб келади.

У ёки бу боксчининг бутун жанги қарши ҳужум асосига қурилиши мумкин. Бундай боксилар қарши ҳужумни очилишлар, ёлғондан ҳужумлар, пойлаш ёрдамида тайёрлайдилар, шу орқали рақибни ҳужумга чорлайдилар ва бир зумда уни ҳимояланиш билан бирга қарши ҳамда жавоб зарбалари билан кутиб оладилар. Бундай услубда жанг олиб борувчи боксилар реакция ҳамда жанговар ҳаракатлар тезлити билан ажралиб турадилар.

Ҳимоя ҳаракатларини боксчи, агар рақибнинг тезкор ва шиддатли ҳужумидан ёки қарши ҳужумидан ҳимояланиши лозим бўлганда, яъни ҳужумни аниқлашга улгурмаганда, жанг масофасини ўзгартира олмаганда, рақибни толиқтириш ва маънавий таъсир кўрсатишни уddyалай олмаганда, рақибнинг бўш жойларини тополмаганда, берилган кучли зарбадан сўнг дам ололмаганда, қарши ҳужумларни тайёрлай олмаганда, тўхтовсиз ҳужумларга қарши тактик мақсадда бир қатор ҳимоя ҳаракатларини қарши қўя

олмаган ҳолларда қўллади.

Ҳимоя ҳаракатлари, булардан ташқари, боксчига қарши ва жавоб қарши хужумларининг таъсирини, яъни рақибнинг ташаббусни эгаллаб олишга бўлган уринишини бартараф этиб, тўхтовсиз хужум қилиш имконини беради. Ҳимояланишлар манёвр қилиш билан бирга рақибга фаол яқинлашиш ва ўрта ҳамда яқин масофани сақлаш воситаси бўлиши мумкин. Шу билан бирга бу ҳимоялар узоқ масофани сақлаб қолишга ёрдам беради. Ҳимояланишларни манёвр билан бирга амалга ошириш масофани ўзгартириш учун ҳам қўлланилади.

Ҳимоя ҳаракатларига нафақат шахсан ҳимояланишлар (тўсишлар, оғишлиар ва щўнғишлиар), балки агар улар қарши хужум сифатида ривожлантирилмаса ва рақибнинг шиддатли хужумини тўхтатиш ҳамда уни толиктириш учун қўлланилмаса, айрим қарши ва жавоб зарбалари ҳам киради. У ёки бу бокчининг хужумкор ҳаракатларига кирувчи ёки асосий хужум воситаси бўлиб хизмат қилувчи қарши хужумларни ҳимоя ҳаракатлари қаторига киритиш керак эмас.

Индивидуал жанг олиб бориш услублари ва уларга қаршилик кўрсатиш усуслари (жангни режалаштириш)

Мамлакатимиз бокс мактаби хусусиятлари, шунингдек, спортчининг индивидуаллиги, унинг гавда тузилиши, жисмоний ривожланиши, темпераменти, иродаси, ҳаракат имкониятлари ва бошқаларга қараб, боксчida ўзининг, фақат унга хос бўлган индивидуал жанг олиб бориш услуби, демак, индивидуал тактика шаклланади.

Жанг олиб бориш услуби ва у кўпроқ қайси масофаларда ўтишига қараб, олишув фаол хужумкор ёки позицион (фаол ҳимояланиш) хусусиятига эга бўлади.

Фаол хужумкор тактика кўпчилик боксчиларга

хосдир. Унинг ўзига хос қирралари: олдинга ҳаракатланиш, зарба бериш масофасига тез-тез чиқиш ва ҳужум ёки қарши ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш билан ташаббусни қўлга олиш. Жанг кўпроқ ўрта ва яқин масофаларда олиб борилади. Узок ҳимояланиш масофасида вақти-вақти билан манёвр ўтказилиб турилади. Фаол ҳужумкор тактикани танлаган боксчилар ҳужум зарбалари билан бир қаторда тез-тез қарши ва жавоб зарбаларини амалга оширадилар (кучли зарба ҳамда суръат тактикаси).

Позицион тактикага боксчининг узок ҳимояланиш масофасида уни сақлаб қолиш мақсадига қаратилган манёври хосдир. Агар боксчини яқин масофада жанг қилишга мажбур қилинса, у комбинациялашган ҳимояланишларни қўллайди ёки “клинич” холатига киради. Ҳужумлар ва қарши ҳужумлар ўрта ва яқин масофаларда жангни ривожлантирмасдан, кейинчалик узоқ масофага албатта қайтиш билан ўтказилади. Рақиб ҳужумни тутиб олган ҳолларда боксчи қарши ҳужум билан ҳимояланади ёки “клинич” холатини қўллайди, ундан сўнг узоқ масофага қайтади.

Позицион тактика рақибнинг фаол ҳаракатланиши туфайли юзага келадиган хатоларидан фойдаланишга ва уни шундай ҳаракатларга чорлашга (ўйин жанг услуби) асосланади ҳамда кўпроқ жангни қарши ҳужум услубида олиб борадиган боксчиларга хос.

Фаол ҳужумкор тактика ҳам моҳирона, ҳам кучли бокс услубининг шаклланишига олиб келади.

Моҳир боксчилар ўzlарининг юқори сифатли техникикаси ва бирор мақсад қўзланган тактикаси билан ажралиб турадилар. Кучли бокс вакилларида кўпроқ матонат ва чидамлилик ривожланган бўлади. Уларнинг тактикаси бир хил ва рақибни тез суръат, тўхтовсиз ҳужумлар ёки кескин зарбалар, шунингдек, алдамчи зарбалар билан тўхтатиб

қўйишига интилишларида акс этади. Уларда ҳимояланишларга эътибор қиласлик хусусияти мавжуд. Улар йирик мусобақаларда камдан-кам ғолиб бўладилар, чунки кўп энергия йўқотадилар ва турнир охирига келиб ўзлари яратган жангдаги шиддатни кўтара олмайдилар.

Бироқ бундай боксчилар – хавфли рақиблардир. Улар билан учрашадиган спортчилар ўзларининг тактикаларини чуқур ишлаб чиқишилари лозим ва “яншиб ташловчи” боксчининг энергияси ҳамда шиддатига қаршилик кўрсата олиш мақсадида юксак техника ва юқори даражада жисмоний ривожланишига эга бўлишлари зарур.

Кўпгина боксчиларнинг мусобақадаги жанглари таҳлили шуни кўрсатадики, тактиканинг баён этилган асосий турлари турли спортчиларда ҳар хил намоён бўлади; уларнинг ҳар бирининг жангига ўзига хослиги, индивидуал хусусиятлари билан ажralиб туради. Қуйида ҳар хил жанг олиб бориш услубига эга боксчиларга қарши тактик ҳаракатларга мисоллар келтирилган.

“Тез суръатли” боксчига қарши жанг

Мусобақаларда рақиб билан яқинлашишига фаол борувчи, ўрта ёки яқин масофада зарба сериялари билан тез суръатда ҳаракат қилувчи ва кўп сонли зарбалар бериш ҳисобига жангда ғалаба қозонишга интигувчи боксчилар кўп учрайди. Улар биринчи раундданоқ юқори, рақиб кучи етмайдиган суръатни (уни иккинчи, учинчи, тўртинчи раундларда аста-секин камайтириб ёки, аксинча, раунддан раундга ошириб) таклиф қиладилар.

Боксчининг бундай рақиб билан олишувдаги тактикаси шундан иборатки, у жанг охиригача ўз кучини сақлаб қолиши ва рақиб баланд бўлмаган суръат таклиф қилган раундларда очколар жамғариши лозим. Жанг суръати ўта

юқори бўлган раундларда боксчи ютқазмасликка ёки минимал даражада ютқазишга интилиши зарур. Бунда у рақибни унга хос бўлмаган масофада ўз ҳаракатлари билан толиқтириши керак. Ушбу ҳолда боксчининг ҳаракатлари кўпроқ узоқ масофада тез, турли-туман ва кенг манёвр олиб боришдан иборат. Буни у орқага ва ён томнларга қадам ташлашлар, оғишлар билан бирга бажариши лозим. Манёвр олиб бориш қарши зарбалар, тезкор, кескин ҳужумлар, асосан узун зарбалар билан бирга бажарилади. Боксчи рақиб масофасида ушланиб қолмасликка ҳаракат қиласди ва ҳар бир ҳужум ёки қарши ҳужумдан сўнг узоқ масофага чиқади. У ўрта масофадаги ҳужумларни ҳимояланишлар – асосан оғишлар ва шўнгишлар, баъзан тўсишлар билан бирга тезкор зарбалар ёрдамида ривожлантиради. Бунда рақибга унинг учун қулай бўлган масофада ўрнашиб олишга тўққинлик қилиш мақсадида, зарба берилгандан сўнг зудлик билан орқага қайтиш зарур бўлади. Ушбу ҳолда, агар рақиб ўрта ёки яқин масофада жанг олиб боришга ундаса, боксчи биринчи бўлиб зудлик билан зарбалар сериясини амалга ошириши ҳамда у орқага қайтиши ёки унинг зарбаларини устма-уст тўсиб қўйиши ёки “клинч” холатига ўтиши зарур. Агарда боксчи ринг арқонлари ёки бурчакларига қисиб қўйилса, у ушбу холатдан тезда чиқиб кетиши ёки рақиби қўлларини бойлаши лозим.

Кучли зарбалар билан шиддатли ҳужум қилувчи боксчига қарши жанг

Жисмонан яхши тайёрланган, кучли ва кескин зарба-

ларга эга боксчилар ўз рақибларига “тезкор старт” тактикасини таклиф қилишлари мумкин. Бунда улар жангнинг биринчи секундлариданоқ рақибни шошириб қўйишга, кучли зарба бериш ва тез ғалабага эришишга интиладилар.

Шиддат билан хужум қилаётган, кучли, кенг қулоч билан зарбалар берәётган ва тез ғалабага эришишга умидвор бўлган рақибга қарши йўналтирилган тактика шундан иборатки, боксчи бундай вазиятда рақибнинг ёғилиб келаётган зарбаларини кутиб туриши, уни толиктириши ҳамда яроқсиз ҳолга келтириши ва фақат шундан сўнг ўзи ҳал қилувчи ҳаракатларга ўтиши лозим. Бунинг учун боксчи, тез берилаётган зарбалардан ҳимояланиб ва ҳимояланишларни орқага ҳамда ён томонларга чекинишлар билан бирга қўшиб бажариб (бу рақибни хато қилишга ва зарбаларни ҳавога йўллашга мажбур қиласди), чекинишлар пайтида зарбалар беради ҳамда қарши зарбалар билан рақиб хужумини тўхтатади. Агар боксчи рақибнинг шиддатли хужумларидан қочиб қолишга ултурмаса, у унинг зарбаларини устма-уст қўйиш билан тўхтатади ёки “клинич” холатига киради.

Тўхтовсиз хужум қилаётган рақиблар одатда узоқ ва ўрта масофаларда ҳаракат қилишлари сабабли, уларга яқин масофадаги жангни қарши қўядилар. Бу ерда қўпинча ноилож қоладилар, чунки кенг қулочли зарбаларни бера олмайдилар ва ушбу масофадан туриб бериладиган зарбаларга қарши зарур ҳимояланишларга эга эмаслар.

Техник жиҳатдан моҳир боксчига қарши жанг

Кўпчилик техник тайёргарликка эга боксчилар узоқ масофадан туриб хужум қилишни ва хужумдан сўнг зудлик

билин рақибдан ўша масофага орқага чекинишни афзал кўрадилар. Бундай боксчилар одатда турли йўналишларда енгил ҳамда тез силжиб юриб ва масофани ўзгартириб усталик билан манёвр қиласадилар ва рақибнинг мўлжал олишига ҳалақит берадилар.

Техник жиҳатдан ҳар томонлама мукаммал боксчи, финглар ва енгил зарбаларни тезкор ҳамда кутилмаган хужумлар билан бирга бажариб, бунинг учун ҳаракат суръатини кескин ўзгартиришдан фойдаланади. Масалан, рақибни додга қолдириш мақсадида нисбатан паст суръатдан шиддатли суръатга ўтади. Бундай боксчи хужум ёки қарши хужумни бажаргандан сўнг рақиб ёнида узоқ қолиб кетмайди, балки зудлик билан узоқ масофага қайтади. Агар у рақиб хужумлари ёки қарши хужумларидан қочиб қолишга улгурмаса, унда тўсишлар ёрдамида ҳимояланади ёки “клинич”га киради.

Бундай боксчига қарши жанг олиб бориши тактикаси шундан иборатки, унинг зарбаларини йўққа чиқариш, тезкор манёвр олиб боришдаги устуналигини йўқотиш, уни ринг арқонлари ва бурчакларига қисиб бориб, унга хос бўлмаган ўрта ва яқин масофаларни таклиф қилиш лозим бўлади.

Шу мақсадда боксчилар қўйидагиларни қўллайдилар: йўл-йўлакай ҳимояланиб, фаол яқинлашиш; турли-туман силжиб юришларни оғишлар, шўнғишлар ҳамда тўсишлар билан бирга бажариш; тезкор жавоб қарши хужумлар; илгариловчи қарши зарбалар; яқин масофадаги жанг. Агар рақиб “клинич” холатига кирса, ўнг қўлда пастдан зарбани қўллаш ва тезда қисқа зарбалар сериялари билан хужумга ўтиш керак.

Қарши хужумларни афзал кўрувчи боксчига қарши жанг

Жангни қарши хужумлар асосига қурадиган боксчилар энг моҳир боксчилардан бири ҳисобланадилар, чунки, юқори тезкорликка эга бўла туриб, улар рақибни усталик билан хужумга чорлайдилар ҳамда бу хужумларни бир зумда ҳимояланишлар ва қарши хужумлар ёрдамида тўхтатадилар.

Бундай боксчиларга қарши жанг олиб бориш тактикаси шундан иборатки, бундай боксчиларни уларга хос бўлмаган услубда ва одатий бўлмаган масофада жанг олиб боришга мажбур қилиш лозим.

Бунинг учун чорлашлар – ёлғондан хужумлар ва очи-лишлар (кейинчалик ўрта ҳамда яқин масофаларда ривож-лантириладиган қарши хужум); хужум ҳаракатлари билан бирга амалга ошириладиган йўл-йўлакай ҳимояла-нишлар – яқинлашиш, хужумлар ва қарши хужумлар; хужум ва қарши хужумларни ривожлантириш пайтида зарбалар ҳамда ҳимояланишларни бирга бажариш; кутилмаган хужумлар (тез олдинга силжиш ва кейинчалик ривож-лантириш билан); яқин масофадаги жанг қўлланилади.

Тажрибали боксчи рақибини хужум қилишга мажбур эта олади, яъни уни ўзига хос бўлмаган услубда жанг олиб боришга ундайди, сўнгра эса яқин масофадаги жангда муваффақиятга эришиб, хужумни кескин ва тезкор қарши ҳамда жавоб қарши хужум ёрдамида тўхтатади.

Комбинацион жанг олиб борувчи универсал боксчига қарши жанг

Комбинацион жанг қўллайдиган боксчиларнинг тактикаси турли-тумандир. Бундай боксчилар ҳам кучли, ҳам кучсиз зарбага эга бўлишлари мумкин, лекин уларнинг

ҳаммаси очколарда катта устунликка эришиш ҳисобига жангда ғалаба қозонадилар. Бундай боксчилар ҳамма масофаларда ишончли ҳаракат қиласылар, яхши манёвр олиб борадилар ва турли тактик күрсатмаларни – алдаб ўтиш ва кучли зарба, зарбани тез суръат билан үйгүнлаштирган ҳолда ҳамма жанговар воситалардан усталик билан фойдалана-дилар.

Айнан комбинацион жанг боксчи маҳоратини күрсатиб беради: ҳар қандай тактика турига қаршилик күрсата олишга ва олишув давомида юзага келадиган турли хил тактик вазифаларни усталик билан ҳал қилишга имкон яратади.

Комбинацион жанг күллайдиган рақиб билан жанг олиб борувчи боксчининг асосий тактик вазифаси жанг хусусият-ларини, яъни рақибнинг яхши күрган масофаси, күллайдиган усуллари, ҳал этувчи зарба учун масофани аниқлашдан иборат. Мақсад – рақибга комбинацион жантни, унинг асосий ҳаракатларини йўққа чиқариш ва бўғиб қўйишга қаратилган комбинацион жанг олиб бориш услубини қарши қўйиш. Яна рақибга хос бўлмаган жанг суръатини таклиф қилиш жуда муҳим.

Ушбу ҳолда ҳаракатлар рақиб хусусиятларига ва унинг жанг олиб бориш услубига боғлиқ. Боксчи тактиканинг ҳамма асосий турларидан фойдаланиши мумкин. Агар боксчи, бундан ташқари, яна кучли зарбага эга бўлса, мумкин бўлган зарбадан эҳтиётланиш ҳамда рақиб учун зарба бериш қийин бўлган масофадан туриб жанг олиб бориш, боз устига, рақиб кучли зарба беришга шай турган пайтда масофани ўзгартириш зарур.

Чапақай боксчига қарши жанг

Ўнг томонлама тик туришда жанг олиб борувчи чапақай

боксчилар кўп учрайди. Бу боксчиларда жанг услуби турлича бўлиши мумкин, бироқ улар одатда чап қўлда кескин ва кучли зарба берадилар.

Чапақай боксчига қарши аввалдан тайёрланмасдан туриб жанг олиб бориш анча қийин. Чап қўлда берилган кутилмаган зарбалар ва одатдаги қарши ҳаракатларни қўллаш имкониятининг йўқлиги рақибни талвасага туширади ҳамда унинг ташаббусини сўндиради. Ўнг томонлама бокс тушувчи чапақай боксчига қарши тактика танлаётиб, биринчи навбатда, бу боксчи қайси услубда жанг олиб боришини ҳисобга олиш лозим: у ҳужумкор ёки қарши ҳужум услубида, узоқ ёки яқин масофада бокс тушадими, тўхтовсиз ҳужум қиласидими ёки унинг ҳужумлари қисқа якунланган олишув хусусиятига эгами?

Одатда бундай боксчилар ўнг қўлдаги зарба учун анча очиқ бўладилар ва шунинг учун улар билан жанг олиб борища асосий тактик восита сифатида чап қўлда чалғитиб ва хавф солиб, ўнг қўлда бошга тезкор ҳамда кескин зарбаларни қўллаш лозим. Ҳужумни тезда ривожлантириш; яқин масофага ўтиш учун зарба беришга тайёр ўнг қўлни чапақай боксчига яқинлаштириш мақсадида одатдагидан кўра анча юзма-юз тик туриш холатини қабул қилиш лозим.

Боксчи чапақай рақиби билан учрашганда шу нарсани доимо ёдда сақлаши зарурки, чапақай боксчилар, турли хил услубда жанг олиб боришлирага қарамасдан, ҳар доим чап қўлда кескин зарба беришга тайёр турадилар. Шунинг учун чап қўлдаги зарбалардан синчковлик билан эҳтиётланиш зарур. Яқин масофада жанг олиб бориши чапақай боксчининг устунилигини камайтиради, бироқ бу ерда ҳам унинг чап қўлда кучли зарба бериш имконияти сақланиб қолади.

Чапақай боксчига қарши таъсирли усуllibардан бири ўнг қўлда берилган ҳужум зарбасига қарши чапга-олдинга қадам

ташлаш билан чап қўлда амалга ошириладиган кесишма (юқоридан) зарба ҳисобланади.

Бу ерда тактиканинг тез-тез учраб турадиган асосий турлари кўрсатиб ўтилди. Жанговар амалиётда улар анча кўп, лекин уларнинг асоси ҳар доим кўп ёки кам миқдорда баён этилганларга яқин. Бироқ боксчилар тактиканинг турли-туман турларидан ҳар хил фойдаланадилар. Жанг бошидан охиригача бир хил услубда ҳаракат қиласидиган боксчини камдан-кам ҳолларда учратиш мумкин. Жанг давомида вазият таъсирида ва рақибга қаршилик кўрсатиш зарурлиги сабабли, боксчи ўзига хос бўлган жанг услуби ва тактикани тез-тез ўзгартириб туради, рақибни қийин ахволга солиб қўйиш, ўзининг қийин вазиятдан чиқиб кетиши ёки рақиб тактикасидаги ўзгаришларга мослашиши учун янги жанговар воситаларни излаб топади.

Тактикада такомиллашиш

Тактикада такомиллашиш иккита асосий йўналиш бўйича олиб борилиши лозим. Биринчидан, бу шахсий индивидуал тактикани такомиллаштириш (кучли зарба тактикаси, суръат тактикаси, алдаш тактикаси ёки уларнинг уйғуналиклари), ўзининг жанг услубини рақибга таклиф қилиш кўникмаси, ўз тактик режасини, ўзининг жанг услуларини амалга ошириш кўникмасини такомиллаштириш. Иккинчидан эса, рақиб услубини, унинг кучли ва бўш томонларини топиш ҳамда англай олишда, унинг кучли томонларини йўқ қилиш ҳамда бўш томонларидан фойдаланишга қаратилган ўзининг тактик режасини қарши қўя олишда такомиллашиш.

Бу, ўз навбатида, “кўргазмали-таъсирили” ва “кўргазмали-ижодий” фикрлашни ривожлантиришни, индивидуал

техник-тактик воситалар доираси (ўз хужумини ўтказиш мақсадида) ва жанг режасини оқилона туза билиш ҳамда уни турли рақиблар билан учрашганда амалга ошира олиш мақсадида катта ҳажмдаги тайёрлов, хужумкор ҳамда ҳимоя ҳаракатларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Шундай қилиб, тактикада такомиллашаётib, учта асосий машқлар гурухидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1) хужум ва қарши хужум усулларини амалга ошириш тактикасида такомиллашиш учун машқлар (усулни амалга ошириш учун маълум бир жанговар вазиятни яратиш);

2) тайёрлов, хужумкор ва ҳимоя ҳаракатларида такомиллашиш учун машқлар (бир хилдаги жанговар вазиятларни ўрганиш ваа муносиб ҳаракатларни қарши қўйиш);

3) мусобақа жангини моделлаштирувчи жанг шароритларида тез ва тўғри тактик фикрлашда такомиллашиш.

Хужум ва қарши хужум усулларини амалга ошириш тактикасида такомиллашиш

Ушбу усулларнинг асосий вазифаси – ёлғондан ҳаракатлар билан рақиб дикқатини сусайтириш ва у қарши ҳаракатларга тайёр турмаган пайтда шиддат билан хужум ёки қарши хужумни амалга ошириш.

Хужумга тайёргарлик кўриш пайтида ва айниқса хужум вақтида боксчи эътиборли бўлиши ҳамда рақибининг кутилмаган қарши ҳаракатларидан ҳимояланишга тайёр туриши лозим. Хужум қилаётган ўзи “тузоққа” тушиб қомаслиги учун рақибининг чинакам тайёргарлигини ёлғондакасидан фарқлаб олиши лозим. Бунинг учун хужум ва қарши хужумларни амалга оширишда мустахкам дикқат, совуққонлик (шошмаслик, пайт пойлаш) ҳамда қатъиятлилик зарур. Шу билан бир вақтда, айтилганидек, боксчи

доимо ҳимояланишга тайёр туриши керак.

Хужум усуллари рақибни алдашга, ҳақиқий зарбалардан унинг эътиборини чалғитишга қаратилган. Боксчи рақибини маълум бир жавоб ҳаракатга ўргатиб қўяди, сўнгра эса зудлик билан усул қўллайди ёки керакли дақиқада тезда усул қўллаш мақсадида турли ҳаракатлар билан рақибини адаштиради. Масалан:

1. Чап қўлда ёндан бошга бир неча марта зарба беради, сўнгра, шу зарбани такрорлашга уринаётгандай ҳаракатланиб (силтаниш учун қўлини орқага узатади), ўнг қўлда зарба беради.

2. Ўнг қўлда ёндан бошга зарба беришга отлангандек кўрсатиб (бунгача ўнг қўлда бир неча марта зарба беради), чап қўлда зарба беради.

3. Рақибни чап қўлда ёндан бошга битталик зарбага ўргатиб, кейин чап қўлда гавдага такрорий зарбани қўшиб бажаради, яъни бошга ва гавдага бериладиган зарбаларни навбатма-навбат бажаради. Рақиб ўнг томонини ҳимоялашга бутун диққатини жамлаган пайтда, боксчи чап қўлда зарбалар билан ҳужум қилаётганга ўхшаб ҳаракатланади, аслида эса ўнг қўлда ёндан бошга шиддатли ҳужумни амалга оширади.

Боксчи зарба бермоқчи эканлигига ва шу сабабли ҳимояланаётганлигига рақиб ишониши керак, аслида бу вақтда боксчи финт (чалғитиш) қўллаб, бошқа қўлида зарба беради.

Боксчи қарама-қарши тамойил асосида қурилган бошқа усуллар гурухини ҳам эгаллаши лозим: боксчи финт қўлламоқчи эканлиги ва шунинг учун ҳимояланаётганлигига рақиб ишонади, бу вақтда эса ҳужум қилаётган шундан фойдаланиб зарба беради.

Масалан:

1. Чап қўлда ёндан бошга зарба бериш билан финт бажаради ва ўнг қўлда бошга зарба беришга “интилади”. Рақиб бу манёврга ишонади ва чап қўлда ёндан бошга бериладиган зарбадан ҳимояланмайди. Боксчи чап қўлда ёндан бошга зарба беради.

2. Чап қўлда пастдан гавдага зарба бериш финтини қўллайди ва ўнг қўлда бошга зарба беришга “интилади”. Рақиб чап қўлда гавдага бериладиган зарбалардан ҳимояланмайди, чунки буни финт, деб ўйлайди. Боксчи чап қўлда пастдан гавдага зарба беради.

3. Чап қўлда гавдага ва бошга зарба бериш финтини қўллайди. Рақиб, алдамчи манёврга ишониб, гавдасининг ўнг томонини ҳимоя қилмайди. Боксчи зарбалар беради.

4. Ўнг қўлда тўғридан бошга зарба бериш финтини қўллайди ва пастдан гавдага зарба беришга “интилади”. Рақиб бу манёврга ишониб, ўнг қўлда берилган зарбадан ҳимояланмайди. Боксчи ўнг қўлда бошга зарба беради.

Боксчи янада мураккаб усуllibарни эгаллаб олиши зарур – финтлар ва ҳақиқий зарбаларни навбатма-навбат бажариш. Ушбу усуllibардан фойдаланганда рақиб қаерда финт, қаерда зарба эканлигини аниқлай олмайди. Бундай ноаниқлик унда ишончсизликни юзага келтиради, бир қолипдан чиқаради ва у ўз кучига бўлган ишончни йўқотади.

Хўжум усуllibаридаги такомиллашии учун тахминий машқлар:

1. Боксчи финт қўллайди – чап қўлда зарба, зарбани эса ўнг қўлда беради. Бунда чап қўлда зарбани кўрсатишни чап қўлдаги зарбалар билан бирга бажаради.

2. Финт бажаради – ўнг қўлда ёндан зарба, ўнг қўлда зарбани кўрсатишни ўнг қўлдаги зарбалар билан алмашлаб, чап қўлда зарба беради. Финтлар нафақат қўллар билан, балки гавда, оёқлар, шунингдек, бу ҳаракатларнинг комби-

нацияси ёрдамида амалга оширилади.

3. Зарбалар сериялари ёрдамида муваффақиятли шиддатли хужумни амалга оширади. Рақиб ҳимояланишга улгурмайды. Сүнгра хужум қилаёттан, гавда, оёқлар ҳаракати билан хужумни ишора қилиб, шу хужумни амалга оширади. Рақиб тезда ҳимояланади. Боксчи хужумни такоран ишора ёрдамида бажаради, рақиб эңди эхтиётсизроқ ҳимояланади. Учинчи мартада боксчи эңди ҳақиқий хужумни бажаради.

Узок ҳимоя масофасидан туриб хужум қилишдаги машқлар гурухи ҳам самаралидир. Бундай хужумлар рақиб учун кутылмаганды бажарилади, чунки боксчи ундан ўта узок масофада туратын, одатда, ҳимоя масофасидан хужум қилинмайды. Одатда, боксчи хужум олдидан олдинга дастлабки қадамни ташлайды (зарба масофасига чиқиш учун). Бундай яқинлашиш пайти ҳимояланиш учун сигнал бўлиб хизмат килади.

Таклиф этилаёттан машқларда боксчи, қоидаларга қарши, ҳимоя (ўта узок) масофасидан хужум қилиши лозим. Агар хужум қилувчи зарбаларни “қарама-қарши номланадиган” оёқларда ёки “сақрашда” амалга оширса, бунинг уддасидан чиқиш мумкин. Боксчининг ўз рақибини зарбаларнинг маълум бир тезлигига ва зарба бериш вақтини (зарбалар тезлитини кейинчалик алмашлаб туриш билан) сезишга ўргатишига асосланган усууллар гурухи ўрганиш учун жуда муҳимдир. Рақиб секин зарбалардан ҳимояланишга ўрганади ва тезкор зарбалардан ҳимояланишга улгурмайды ёки тезкор зарбалардан ҳимояланишга ўрганиб қолиб, секин зарбаларга (уларни финг, деб ўйлаб) эътибор қилмайди. Масалан:

1. Боксчи ўнг қўлда пастдан (ёндан) бошга секин зарбаларни беради. Рақиб осон ҳимояланади. Рақибни бундай манёврга ўргатиб қўйиб, боксчи худди ўша ерга шиддатли зарба беради.

2. Чап қўлда тўғридан бошга тезкор зарбаларни чап қўлда секин финтлар билан алмашлаб бажаради. Рақиб тезкор зарбалардан ҳимояланади ва секин зарбаларга эътибор қилмайди. Шунда боксчи финт қўллайдики, у зарба билан якунланади.

Карши ҳужум усусларида тақомиллашиш учун тажминий машқлар (ушибу машқларда боксчи ҳақиқий қарши ҳужумдан рақиб эътиборини чалгитади):

1. Рақибнинг чап қўлда тўғридан бошга берилган ҳужумидан боксчи бир неча марта чекинади, сўнгра чекиниш ўрнига чап (ўнг) қўлда бошга тўғридан шиддатли қарши зарба беради.

2. Боксчи ўзини шундай кўрсатадики, рақибнинг чап қўлда тўғридан бошга қилинган ҳужумига қарши ўнг қўлда бошга тўғридан қарши зарба билан жавоб қайтармоқчи бўлади ва бир неча марта шу зарбани бажаришга “интилади”. Рақиб ўнг қўлда берилган зарбадан ҳимояланишга ўз диққатини жамлайди, шу пайтда эса боксчи чап қўлда ёндан бошга (чап қўлда пастдан гавдага) зарба беради.

3. Рақиб чап қўлда тўғридан бошга ҳужум қиласди, боксчи гавдага тўғридан қарши зарбани амалга оширади. Рақиб чекинади. Уни шунга ўргатиб, боксчи ўнг қўлда гавдага битталик зарба ўрнига зарба сериясини беради: ўнг қўлда гавдага ва чап қўлда ёндан, ўнг қўлда қисқа тўғридан зарба ва олдинга силжиб ёндан бошга зарба.

Рақибнинг фаол ҳужум ва қарши ҳужум ҳаракатларига ўзининг ёлғондан ҳужумлари билан чорлашига асосланган машқлар:

1. Боксчи, рақибини фаол ҳужум ҳаракатларига даъват этиб, енгил зарбалар билан ҳужум қиласди. Рақиб ҳам ҳужум қиласди, боксчи ҳимояланишга тайёр, ҳимояланади ва жавоб қарши ҳужумларини амалга оширади.

2. Боксчи енгил зарбалар билан ҳужум қиласди, рақиб-

нинг ўзи хужумга ўтади, боксчи қарши хужумга тайёр ҳамда рақиб хужумидан илгарилаб (ёки биринчи зарбадан қочиб), қарши хужум уюштиради.

3. Боксчи рақибини қарши хужумга чорлаб ва мажбурлаб енгил зарбалар билан хужум қиласи. Рақиб қарши хужум қиласи. Боксчи ҳимояланади ва жавоб қарши хужумни күллайди.

4. Худди олдинги машқдаги каби, лекин боксчи рақиб ҳаракатларидан илгарилаб ёки оғиш билан ҳимояланиб, жавоб қарши хужумни бажаради.

5. Боксчи енгил зарбалар билан хужум қиласи. Рақиб олдинга силжиган ҳолда зарбалар сериялари билан қарши хужумни амалга оширади. Боксчи орқага ҳаракатланган ҳолда қарши хужум зарбаларини беради.

Ёлғондан очилишлар тамоиили бўйича тузилган машқлар:

1. Боксчи манёвр қиласи, ўнг қўлини тушириб, ўзининг масофасига чиқади, рақиб чап қўлда ёндан бошга хужум қиласи. Боксчи шўнгишни бажаради ва ўнг қўлда ёндан қарши хужум уюштиради.

2. Рақибнинг ўнг қўлда берилган қарши зарбасига “очилиб”, боксчи чап қўлда тўғридан зарба билан хужум қиласи. Рақиб ўнг қўлда бошга зарба билан жавоб қайтаради. Боксчи ўнгта оғади ва ўнг қўлда бошқа жавоб зарбасини беради.

3. Боксчи чап қўли туширилган ҳолда ўзининг зарба бериш масофасига киради. Рақиб ўнг қўлда зарба беради. Рақиб ҳаракатидан илгари ўнг қўлда бошга қарши зарба йўллайди.

4. Боксчи рақибнинг ўнг қўлда берилган қарши зарбасига очилиб, чап қўлда тўғридан бошга хужум қиласи. Рақиб бу зарбани ўнг қўлда тўғридан (ёндан) бошга зарба билан қарши олади. Боксчи чапга оғади (“шўнгийди”) ва

ёндан бошга (чап қўлда пастдан гавдага) зарба билан жавоб қайтаради.

**Турли услубда жанг олиб борувчи боксчилар билан
ўтадиган жангда зарур бўлган яхлит ҳужум ва ҳимоя
ҳаракатларида такомиллашиш**

Ҳаракатларда такомиллашиш учун тахминий машқлар:

1. Рақибга “куч” ишлатувчи боксчи тактикасини кўллаш, яъни раунднинг биринчи секундлариданоқ боксчини шиддат ва бостириб бориш билан шоширтириб қўйишга интилиб, кенг қулочли зарбалар билан ҳужум қилиш таклиф қилинади. Боксчига узоқ ҳимояланиш масофасида ҳимояга ўтиш (позицион ҳимоя манёври) таклиф этилади. Бунда у қуви-дагиларни кўллайди:

- а) манёвр олиб бориш;
- б) рақибни хато қилишга мажбур қилувчи сайд-степлар, ён томонларга қочиш;

в) рақибнинг ҳужумкор шиддатини тўхтатувчи стоп-пинглар – ўнг қўлда қарши зарбалар. Бунда ҳужум кейинчалик ривожлантирилади ёки муваффакиятсизликда “клинич” холатига кирилади;

г) чекинишлар пайтида чап қўлда қарши зарбалар ёки зарбалар сериялари.

2. Рақиб худди шундай топшириқ олади. Боксчи юзмаз юз ҳимоя манёврини кўллайди – яқинлашади, ҳимояланади ва қарши ҳужум қиласи. Бу ҳаракатларни қуидағича амалга оширади:

а) муштлари ва билакларини рақиб елкаси ҳамда бицепслари устига қўйиб унинг қўлини боғлаб, кейин эса орқага қадам ташлаш ҳамда қўлни тўғрилаш билан яқин

масофадан хужум ёки қарши хужум уюштириш;

б) кейинчалик фаол ҳаракатлар билан комбинациялашган ҳимояланишни құллаш (үнг құлда пастан зарба ва чап құлни түғрилаш билан чиқиш, кейинчалик яқин масофадан туриб хужум ёки қарши хужум уюштириш);

в) фаол ҳимояланишлар – шүнғишилар, оғишилар, яқин масофадан қарши ва жавоб зарбалари серияларини құллаш.

3. Рақиб худди шундай топшириқ олади. Боксчи 2-чи ва 3-чи машқларда келтирилган ҳаракатларни позицион ҳамда юзма-юз ҳимоя манёврини алмашлаб құллайды.

4. Яқин масофадан жанг олиб борувчи рақиб боксчига яқин масофада юқори жанг суръатини таклиф қилишга интилиб, фаол яқинлашишта топшириқ олади. Боксчи узоқ масофани сақлаб қолиши учун курашиши лозим, бунинг учун күпроқ узоқ масофадан туриб тез, турли-туман ва кент доирада манёвр олиб бориши ҳамда бир вақтнинг ўзида орқага ва ён томонларга қадам ташлаш, оғишилар орқали ҳимояланиши керак. Бунинг ёрдамида боксчи зарбалардан ва яқинлашишлардан қутилиб қолиши мүмкін. Манёвр олиб бориши қарши зарбалар, тезкор, кескин хужумлар, асосан, узун зарбалар билан бирга бажарилади. Боксчи рақиби олдида ушланиб қолмайды, ҳар бир хужум ёки қарши хужумдан кейин узоқ масофага чиқади. У ҳимояланиш – асосан, оғишилар ва шүнғишилар, баъзан түсишлар билан бажариладиган тезкор серияли зарбалар орқали ўрта масофада хужумни ривожлантиради. Зарбалардан сүнг рақибига қулай масофада ўрнашиб олишига қўймасдан зудлик билан узоқ масофага чекинади.

5. Рақиб худди шундай топшириқ олади ва боксчини арқонларга қисиб қўяди. Боксчи чапга алдамчи ҳаракатни бажаради ва орқага қадам ташлаб ўнгта қочади (агар рақиб чапақай бўлса – чапга қочади) ҳамда арқонлар олдида туриб

қолган рақибга ҳужум қиласы.

Боксчи ринг бурчагига туриб қолган. Рақиб зарбалар сериясини амалға оширишта ҳаракат қиласы. Боксчи муштлари билан ёки билакларини рақиб елкаси ёки бицепслари устига құяды ва унинг ўнг елкасини босади. Рақиб қаршилик күрсатади ва боксчи унинг чап елкасини босиб, уни тез ва шиддат билан буради. Рақибнинг ўзи боксчига ёрдам берди ва ринг бурчагига туриб қолди. Боксчи, орқага кичик қадам ташлаб, чап құлини чұзади (рақиб ҳаракатларини боғлаш учун) ва унга ҳужум ёки қарши ҳужум қиласы.

6. Рақиб енгил ва тез манёвр олиб бориб ва кутилмаганда түғридан зарбалар билан ҳужум қилаётіб, яқин масофада ушланиб қолмасдан жанг олиб боради.

У ўз услубида жанг олиб бориши топширигини олади, боксчига эса унга ноқулай бўлган яқин масофадан жангни таклиф қилиб, унинг манёвр олиб боришидаги устунлигини йўқотади. Бунинг учун у қанотдан манёврни (ёнлама қадам ташлашлар) оғишлар билан бирга қўллайди: рақибни арқонларга қисиб қўяди, ринг бурчагига суреб боради ва орқага кичик қадам ташлаб (рақиб ҳимояланганда ёки “клинический” кирганда) ҳамда енгил чалғитувчи зарбаларни ургу берилган кескин зарбалар билан қўшиб бошга ва гавдага зарбалар бериши орқали яқин масофадан қисқа зарбалар сериясини амалға оширади.

7. Қарши ҳужум услубини қўлловчи рақиб жангни узоқ масофада боксчининг хатоларидан фойдаланиб, қўпроқ жавоб шаклида олиб боради. У ўз услубида жанг олиб бориши топширигини олади, боксчи эса – ўзининг ёлғондан ҳужуми, алдамчи ҳаракатлари билан (ёлғондан очилишлар, ҳимояланишта тайёр турмаслик) рақибни ҳужумга чорлаб қарши ҳужум жангини амалға оширади. Қарши ҳужумлар ўрта ва яқин масофалардан амалға оширилади.

Тезкорлик ва түғри тактик фикрлашда такомиллашиш

Хужум ва ҳимоя ҳаракатларини ўрганаётиб ҳамда уларни такомиллаштираётиб, боксчи жанг олиб боришнинг деярли ҳамма хусусиятлари билан танишади. У ёки боксчи-ларга қарши қандай техник-тактик усуллардан фойдаланиш мумкинлигини билиб олади ҳамда уларни қўллашга ўрганади.

Бироқ бунинг ҳаммаси жанг режасини түғри тузиш ва уни амалга ошириш учун ҳали етарли эмас. Бу шу нарса билан тушунтириладики, боксчи машғулотда ҳамма қўлланиладиган ҳаракатларни ўрганган ҳамда уларни такомилластирган. Бунда у рақиби хужумда, қарши хужумда, яқин масофадан жанг олиб боришни таклиф қилганда қандай ҳаракат қилишни олдиндан билади. Мусобақаларда эса умуман бошқача. У ерда боксчи ёки нотаниш рақиб билан, ёки, агар у таниқли бўлса, қандай спорт формасида эканлиги, унинг жисмоний холати, психологик тайёргарлиги қандай, ушбу жангда қайси тактикани қўллаши номаълум.

Рингда боксчи рақибнинг хусусиятлари, ўзининг имкониятлари, шунингдек, жанг давомида юзага келадиган муайян вазиятни ҳосибга олган ҳолда маълум бир ҳаракатлар режасини белгилайди ва амалга оширади.

Боксчи рақиби, унинг жанг олиб бориш услуби, тактикаси, кучини бир зумда ва түғри англаши, таҳлил қилиши ҳамда баҳолдай олиши ва шунга мувофиқ умумий режа тузиши, шунингдек, жанг давомида муайян қарорларни қабул қилиши зарур.

Бунинг ҳаммаси жанг олиб бориш тактикасини ташкил қиласди. Боксчи уни ўқув, эркин ва мусобақа жангларида эгаллайди. Биринчи навбатда рақиб ҳаракатларини куз-

тишга ва зудлик билан уни топишга ҳамда түғри ҳаракатни танлаб, максимал тез қарор қабул қилишга ўрганиши зарур. Бунинг учун боксчи рақиб қандай эканлигини, унинг яхши кўрган зарбалари қайсилигини, ҳимояланишлари, финтлари, техни-касининг кучли ва бўш томонларини, жанг олиб бориш услуги, жисмоний, психик ва иродавий тайёргарлигини имкон борича тезроқ баҳолдашга ўрганиши керак.

Мураббий финтлар, ёлғондан очилишлар ва енгил зарбалар ёрдамида рақибнинг яхши кўрган зарбалари ва хужумларини қандай аниқлаш мумкинлигини спортчиларга тушунтириб бериши зарур ҳамда жанг бошида ва унинг бутун давомида разведка олиб бориш вазифасини олдинга қўйиши ҳамда жангда кўпроқ учрайдиган шароитларда рақиб ҳаракатларини разведка қилиш бўйича бир қатор топшириқларни бажаришни таклиф этиши лозим.

Топшириқлар турли-туман бўлиши ва уларни эгаллаб борган сари мураккаблашиб бориши зарур. Боксчиларга рақибларнинг ҳаракатларини аниқ белтиламай туриб, балки турли техника, тактика ва жисмоний сифатларга эга, яъни турли услубда жанг олиб борувчи рақибларни танлаб, разведка учун топшириқ бериш мумкин. Ниҳоят, иккала боксчига ҳар бири жангда қандай ҳаракат қилишини разведка қилиш учун топшириқ бериш ҳам мумкин.

Ушбу ҳаракатларни такомиллаштираётib, боксчи кузатувчан, эътиборли, эҳтиёткор, турли хил кутилмаган вазиятларга тайёр бўлади; шунингдек, у жангда тез англаб олиш зарур бўлган типик вазиятларни эслаб қолади.

Боксчи ҳамма таклиф этилаётган машқларда рақиб хужумни қандай тайёrlаяпти, қандай финтлардан фойдаланяпти, қандай ҳимояланяпти, хужумда ва қарши хужумда унинг энг яхши кўрган усувлари қайси, кучли ва бўш томонлари қайси эканлигини аниқлаши, балки ўзининг

жанговар кузатишлидан зудлик билан хulosса чиқариши, оқилона ва түғри қарши ҳаракатларни құллай билиши зарур. Айниқса шу мұхимки, боксчилар жанг олиб бориш услуги турлича бўлган рақибларга қарши тактик ечимларни түғри қўллашга ўрганиши лозим.

Спортчилар қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун фаол курашиши, жанг давомида юзага келадиган қийинчиликларни енгіб ўтиши ва зарур пайтларда белгиланган режани ўзгартириши керак. Агар боксчи нотүғри қарор қабул қиласа ёки, агар рақиб мұваффақиятсизликка учраб, тезда тактикани ўзгартирса, у жанг режасини ўзгартириши керак.

Ўргатиш жараёнида боксцида жанг давомида рақиб ҳаракатлари ва уларнинг алмашишини узоқ вақт кузатиб туриш қобилиятини тарбиялаш лозим. Рақибни мунтазам кузатиб туриши, қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш, уларни зарур ҳолларда ўзгартириш реакция тезлиги, дикқатнинг мустаҳкамлиги, фикрлаш қайишқоқлигини ривожлантиради ҳамда иродавий сифатларни тарбиялайди.

V. КИЧИК СПОРТ РАЗРЯДИГА ЭГА БОКСЧИЛАРНИ ҲУЖУМ, ҲИМОЯ, ВА ҚАРШИ ҲУЖУМ ҲАРАКАТЛАРИГА ЎРГАТИШ

III разряд олган боксчи мусобақаларда мунтазам қатнашиши бошлайди ва жанговар тажриба ортирига боради. Спорт такомиллашувининг бу босқичида у ўқувмашғулот иши ва мусобақаларни бирга қўшиб олиб боради, спорт фаолиятини эса шундай режалаштирадики, спорт маҳоратини доимо ошира бориб, ҳар доим мусобақаларга тайёр туриши лозим.

Мураббий ўз ўқувчиларини спорт техникасини аниқ ва ҳар томонлама эгаллаган, тактикадан мақсадли фойдалана диган, ҳужум ҳаракатларида фаол, чаққон, яхши ҳимояланадиган, кучли зарба беришга ортиқча берилмасдан енгил ва эркин бокс тушадиган моҳир боксчи қилиб тарбиялаши шарт.

Спорт такомиллашуви жараёнида ёш боксчи ўз техник тайёргарлиги устида тинмай ишлаши лозим: ҳужум, ҳимоя ва қарши ҳужумларнинг асосий усусларини тақрорлаган ҳолда техника воситалари комплексини такомиллаштириши, унинг индивидуал жанг олиб бориш услуби қандай усуслар асосига қуриладиган бўлса, ўша усусларга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Боксчини ўргатишнинг бошланғич даври мақсади (унда техника воситаларининг кенг комплексидан фойдаланилади) – турли хил тактик йўналишга эга жанг шароитларида ҳаракат қила оладиган ҳар томонлама етук спортчини тарбиялаш. Бундай тарбия замонавий боксчига қўйиладиган умумий талабларга мувофиқ кейинчалик ҳам давом эттирилиши лозим.

Ёш боксчи ўзининг спортдаги фаолиятида ҳар томонлама жисмоний ривожланишга интилиши зарур. Машқлар,

биринчи навбатда, ўйин машқлари тезкорлик ва чаққонликни ривожлантиришга қаратилиши лозим. Улар орасида баскетбол афзалроқ, чунки ушбу ўйин жараёнида боксчи учун айниқса қимматли бўлган сифатлар: фикрлаш, ҳаракатчанлик ва реакция тезлиги тарбияланади.

Шу билан бир қаторда ёш боксчи ўзининг жанговар индивидуаллигини такомиллаштиради. Бошланғич ўргатиш давриданоқ у жанг олиб боришининг маълум бир услубларига қизиқиши билан қараган, энди эса, машғулотлар ва мусобақаларда тажриба орттира бориб, жангчи сифатида ўз мавқеини белгилаб олади, яъни унинг индивидуал жанг олиб бориш услуби пайдо бўлади. Гарчи спортчилар битта мураббийдан типик техника бўйича бокс тушишни ўрганган бўлсалар-да, ўргатиш курси тутагандан сўнг улар бир-бирига ўхшаган бўлмайдилар. Мураббий ёш боксчининг қобилиятини очиши ва ривожлантириши, уни маълум техника воситалари билан қуроллантириши зарур.

Индивидуал қобилиятни очишига кўпинча мусобақалар ёрдам беради. Мусобақалар боксчининг иқтидори ва тайёр-гарлигини баҳолдашга, унинг ютуқлари ва камчиликларини аниқлашга ёрдам беради. Мураббий секция спорт ишини шундай ташкил қилиши лозимки, ёш боксчилар учун мусобақаларда қатнашиш алоҳида бир нарсага айланмаслиги керак. Мусобақалар – бу ўқув-машғулот жараёнининг ажралмас қисми, уларда қатнашаётуб, боксчилар бокс техникаси ва тактикасини эгаллаш борасидаги қобилиялари билан мусобақалашадилар.

Моҳирона техника ва тактикани назар-писанд қилмайдиган спортчиларни қоралаш, ёшларнинг табиатан берилган иқтидорлари ривожланишини чеклайдиган бир қолипдати ҳамда стандарт ўқув-машғулот иши билан қатъий курашиш зарур.

Мусобақаларни ташкил қилиш йил фаслига боғлиқ эмас. Мусобақалар тақвимига амал қилиб, мураббий умумтаълим мактабларидағи ўқув машғулотларига халақит бермайдыган ва шуғулланувчиларнинг тайёргарлик даражасига мос келдиган вақтни белгилаб олади. Мусобақа олдидан ўтказиладиган бевосита машғулот ушбу мусобақа хусусиятларига спортчи дикқатини жамлашта қаратылған.

Ёш спортчи мусобақалар тақвимидан қатыи назар ўз спорт маҳоратини доимо ошириб бориши зарур. У, машғулотларни ўқиш билан бирга олиб бориб, мусобақаларга унинг спортда такомиллашувидағи муваффақиятларига якун ясовчи назорат текшируви сифатида қараши лозим.

Ёз кунларида боксчи ўзининг умумий жисмоний тайёргарлиги түғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиши ва машғулотларда очиқ ҳаводаги умумий ривожлантирувчи машқларни (югуриш, сакраш ва улоқтириш, баскетбол, волейбол, эшкак әшиш ва ҳ.к.) кенг қўллаши керак.

Спорт такомиллашуви жараёнида ўсмир техник жиҳатдан ўзини пухта тайёрлаши: асосий хужум, ҳимоя ва қарши хужум усуllibарини тақрорлаган ҳолда техник малакалар комплексини такомиллаштириши лозим.

Хужум ҳаракатларига ўргатиш

Агар малакали боксчиларнинг жангига дикқат билан эътибор қаратылса, унда шуни сезиш мумкинки, хужумлар, ҳимоялар ва қарши хужумлар доимий равишида жанговар ўйин вазиятларида алмашиниб туради. Масалан, бокчининг ҳимояси, фаол бўлиш мақсадида, қарши зарбалар билан бирга амалга оширилиши керак. Фақат шундагина у мустахкам ва ишончли бўлади. Қарши зарбаларсиз ҳимояланиш – рақиб хужумларига доим йўлиқиши демақдир.

Бокчининг ҳимояланишларсиз ўз ҳужумларини ташкил этиши нотўғри бўларди. Ҳар бир ҳужум зарбасини ҳимоя билан мустаҳкамлаш зарур. Масалан, чап қўлда тўғридан бошга зарба билан ҳужум қилаётиб, уни мумкин бўлган қарши зарбага ўнг кафтни очиқ ҳолда қўйиш билан бирга бажариш лозим. Манёвр олиб бораётиб, боксли бир вақтнинг ўзида ҳужум ва қарши ҳужумларни амалга ошириш учун имконият қидиради.

Ҳужум қилиш ҳаракатларини эгаллаётиб, боксли биринчи навбатда тўғридан зарбалар бериб ҳаракат қилишни ўрганиши зарур. Улар орасида чап қўлда бошга такорий зарбалар кенг тарқалган. Улар одатда ўнг қўлда тўғридан бошга зарба билан бирга амалга оширилади.

Бокчининг юксак техник маҳорати ўлчови – бу унинг зарбалар серияси ёрдамида ҳужум қилиш қобилиятидир. Серия ташкил қилувчи зарбалар турли хил уйғуналиқда алмашлаб турилиши лозим.

Кўп ҳолларда фақат бошга ёки бош ва гавдага навбатманавбат бериладиган тўғридан зарбалар сериялари қўлланилади.

Ёш боксли иккала қўлда пастдан ва ёндан зарбалар бериш билан ҳужум қилишни эгаллаши керак. Уларни амалга оширишдан олдин рақиб диққатини ҳужум бошланишидан чалғитувчи алдамчи зарбалар (финглар) қўлланилади. Бундай финглар масофани ўзгартириш билан боғлиқ ўйин қўринишидаги манёвр олиб бориш билан биргалик ҳужумдан аввал бажарилади.

Ҳар бир ҳужум боши ва охири бор бўлган яхлит ҳаракат сифатида амалга оширилади. Ҳар қандай ҳужум қўйидаги фазалар бўйича қурилади: тайёргарлик, бошловчи (биринчи) зарба, зарба сериялари билан ҳужумни ривожлантириш ва жангдан чиқиши. Ишончли тарзда ҳаракат қилиш мақсадида,

ҳар бир ҳужумни шу фазалар бўйича ўрганиш ва такомиллаштириш шарт.

Ҳимоя ҳаракатларига ўргатиш

Ҳимоя спорт маҳоратининг негизидан бири ҳисобланади. Ҳимояни на вактни, на энергияни аямасдан эгаллаш лозим. Энг биринчи мусобақалардан бошлаб ўсмир шуни ёдда тутиши керакки, ғалабанинг моҳияти зарба ўтказмайдиган ҳимояланишдан иборат.

Ҳар бир машғулотда шерик билан ҳимояланишдаги машқлар ўта муҳим ҳисобланади. Масалан, чап қўлда тўғридан бошга бериладиган жонга тегувчи зарбалардан ишончли ҳимояланиш учун рақиб билан шартли жангда рақибнинг тез ҳужумларидан чап қўлда тўғридан бошга зарба бериш билан ҳимояланишнинг турли усуllibарини эркин қўллаш ажойиб машқ ҳисобланади. Бундай машқ машғулот жангига олдидан руҳан яхши тайёрланишга ёрдам беради. Агар ҳимоянинг айрим турларини қарши зарбалар билан бирга қўшиб бажарилса, боксчи рақиб ҳужумларга мустаҳкам тура олади.

Ўнг қўлда тўғридан бошга бериладиган зарбадан ҳам ҳимояланиш муҳим аҳамият касб этади, айнан бундай зарбадан ноқдаун холатига тушиш мумкин. Бу зарбадан ҳимояланишда комбинациялашган ҳимоялар энг яхши восита ҳисобланади. Бунда битта ҳимоя ҳаракатида ҳимояланишнинг бир нечта турлари: қочиш, оғиш, ўнг кафт, чап елка ва чап тирсак билан тўсиш бирга қўшиб бажарилади. Бундай ҳимояланишни бошга бериладиган қўш зарбаларга қарши ҳам қўлланилади. Зарбаларга мустаҳкам ва пухта дош беришни таъминлаш учун ҳар доим битта ҳаракатда ҳимоянинг бир нечта турларини бирга бажариш зарур. Шуни ёдда тутиши керакки, орқага чекиниш билан рақибнинг ҳар

қандай хужумидан қутилиб қолиш мүмкін, лекин кейин зудлик билан жавоб зарбасини йўллаш учун дастлабки холатга қайтиш лозим.

Қарши хужум ҳаракатларига

Боксчи ёш шуғулланувчилар гурӯҳида машғулотларда қатнашаётіб, турли хил қарши зарбаларни ҳимоя жанти асоси сифатида ўргана бошлаган. Ҳозир эса у ўзи учун мос бўлган қарши зарбаларни танлаб олиши лозим. Бундай қарши зарбалар мусобақа тажрибаси ортган сари унинг шахсий, яъни унинг жант олиб бориши услубини ташкил этувчи қарши хужум усулига айланади.

Агар боксчи ишончли ҳимояланишни истаса, у ҳимоя жангининг техник воситаларини ўзлаштириб олиши лозим. Шунда у фаолликни йўқотмаган ҳолда жанговар ташаббусни сақлаб қолиш имкониятини олади.

Ҳимоянинг ҳар бир тури техника нуқтаи назардан жавоб зарба бериш учун қулай дастлабки холат бўлиб хизмат қиласи ёки қарши зарба билан бирга бажарилади. Бу боксчига жанг суръатини туширмай, оқилона ҳолда ташаббуслик билан ҳаракат қилишга ёрдам беради. Масалан, орқага чекиниш пайтида у ҳимоя холатидан исталган жавоб зарбасини амалга ошириши мүмкін.

Ўнг қўлда жавоб зарбаларини ўнгта оғиб бажариш ҳам мүмкін, гавдани ўнгта буриш эса бу зарба учун қулай дастлабки холатни яратади. Орқага чекингандан сўнг рақиб хужумига зарба сериялари билан ҳам жавоб қайтариш мүмкін. Бунда орқага чекинишда рақибнинг очилиб турган жойларини мўлжаллаб олиш лозим.

Қаршидан (рўпарадан) зарбалар ўзининг қутилмаганлиги билан таъсирлидир. Улар ҳимояланиш ҳаракати қарши

зарба ҳаракати билан бир хил йўналтирилганда бажарилади. Масалан, чап қўлда қаршидан (рўпарадан) зарба ўнгга оғиш билан бирга берилади.

Рақиб ўнг қўлда хужум қилганда уни шундай зарба билан қарши олиш қулайроқ. У чап қўлда бошга хужум қилган пайтда эса ўнг қўлда бошга қаршидан кесишма зарба бериш жуда самаралидир. Қаршидан зарбалар боксчидан маълум бир қатъий ҳаракат қилишни тақозо этади.

Яқин масофада жанг олиб боришда такомиллашиш

Бошланғич тайёргарлик даврида узоқ ва ўрта масофадаги жангнинг техник асосларини эгаллаб, боксчи яқин масофадан жанг олиб бориш малакаларини такомиллаштиришга киришади. Яқин масофадан жангда, узоқ масофадаги каби, лекин яқиндан худди ўша зарбалар ва ҳимоя усуллари қўлланилиши сабабли, боксчига таниш бўлган жанговар ҳаракатларни “калталатиш” қийин бўлмайди.

Яқин масофадаги жангда уни яхлитлигича эгаллаш услуги табиий ва самарали ҳисобланади. Аввал боксчи шайланган ҳолда жанговар холатда рақибга яқин туришга ҳамда у билан ўртадаги масофани бузмасдан силжиб юришга ўрганиши лозим. Фақат ҳимояли тик туришда эркин турган ҳолда рақибнинг турли йўналишда ҳаракатланишига қараб яқин масофани ушлаб туришни ўрганиб олгандан кейингина зарбалар ва ҳимоя техникасини такомиллаштиришга ўтиш мумкин.

Жанговар ҳаракатларни тўсишлар билан ҳимояланишдан эгаллаш лозим, яъни рақибнинг қисқа зарбаларини ўтказиб юбормасликни ўрганиш керак. Ушбу ҳимоя турининг моҳияти шундан иборатки, букилган қўллар ва елкалар билан бошни ва гавданинг олди қисмини беркитишдир. Боксчининг

пишиқлиги, яъни зарба емаслиги тавдани ён томонларга бирмунча юмшоқ ҳаракат қилдириш билан кучаяди. Бундай ҳаракат билан шугулланувчи рақибнинг турткилари ва сиқувини юмшатгандек бўлади.

Боксчининг кейинги ҳимояланиш малакаси – рақиб қўлларига ўзининг кафтлари ва билакларини қўйиб, унинг қисқа зарбаларини тўхтата билиш.

Рақибнинг қисқа зарбалари таъсири доирасида зарба ўтказиб юбормай сақданиб туриш кўникмасини ҳосил қилиш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш мақсадида, аввалти иккита ҳимоя турларига қўшимча оғишлар билан ҳимояланишни ҳам қўшиш лозим. Яқиндаги жангни эгаллашда шерик билан бажариладиган машқларда тўсишлар (қўйишлар), тўхтатишлар ва оғишлар билан ҳимояланишдан фойдаланиш мумкин. Боксчи бу учта асосий ҳимоя турларини биринчисидан иккинчисига силлиқ ўтган ҳолда бирга қўшиб бажаришни билиши зарур.

Шерик билан шартли жангда шериги ўз зарбалари билан эркин ҳаракатланиши, лекин уларни енгил, фақат зарба текканлигини кўрсатган ҳолда бериши лозим. Бу орқали кучли зарбаларни ўтказиб юбориш хавфи йўқолади. Машқлардаги бундай шартли вазият яқин масофадаги жант техникасини диққат билан ва аниқ эгаллашга имкон яратади ҳамда боксчини ўзини эркин тутишга ўргатади.

Боксчи яқин масофада эркин ва мустаҳкам ҳимояланишни ўрганиб олиши биланоқ, зарбалар бериш машқларига ўтиш керак. Бу зарбалар аввалига енгил бўлиши лозим. Бу ерда бир томонлама шартли жант каби услубий усул қўлланилади, яъни бундай жанг вақтида битта шерик енгил зарбалар беради, иккинчиси эса фақат ҳимояланади. Бу иккала боксчига ҳимоя ва хужум ҳаракатларида реакция тезлиги ҳамда аниқлигини ривожлантиришга диққатни

қаратиши имконини беради.

Яқин масофадаги жангни янада такомиллаштириш икки томонлама шартли жангда содир бўлади, бу ерда иккала спортчи бир вақтнинг ўзида ҳам ҳимояланади, ҳам зарбалар беради. Жанговар машқ муштларда қиличбозлик қилиш хусусиятини олади.

Яқин масофадаги жангни эгаллаш жараёни тактил сезгиларни тарбиялашга асосланган. Агар боксчи узоқ масофада юзага келадиган жанговар вазиятларни баҳолдашда асосан кўзга таянса, яқин масофадаги жангда у ракиб ҳаракатларини ҳис қилиш орқали унинг ниятини олдиндан билиб олади. Рақиб билан бевосита тўқнашганда боксчига унинг зарба беришга ёки ҳимояланишга ўрганиши билан боғлиқ бўлган мушак кучланишлари ўтади.

Тери-мушакнинг сезиш жараёни тактил анализатори ишига асосланади. Унга учта турдаги сезгилар киради: терига тегиш, теридаги жунларнинг сезувчанлиги ва сиқув.

Яқин масофада моҳирлик билан жанг олиб бора оладиган боксцида сезувчанлик ҳислари юқори ва тактил қўзгатувчига асаб-мушак реакцияси тезлиги жуда ривожланган бўлади.

Яқин масофадаги жангта ўргатиши ва уни такомиллаштириш усулияти реакция тезлиги ҳамда аниқлигини тарбиялаш асосига қурилган. Яқин масофадаги жангта қаратилган машқларда яқин масофадаги жангни жипслашиб олиб бориш хусусиятига асабни шайлаш амалга оширилади.

Боксчи жангда ўзини эркин ва бемалол тута билиши зарур. Яқин масофадаги жанг устаси, рақибнинг қисқа зарбалари доирасида бўла туриб, ўзининг мушак кучланишларини аниқ ўлчай олиш қобилиятини доимо сақлаб туради. Бундай боксцида тактил сезгилар идеал тарзда ривожланган бўлади. У кучини ҳеч қачон рақибни туртишга ёки унинг

сиқувини енгиб ўтишга сарфламайди, ўз саъй-ҳаракатларини фақат зарбаларга қаратади.

Рақиб қўпол равишда жисмонан сиқиб борган ҳолларда у унга ён босади. Лекин орқага чекинаётган пайтда ҳам хужумдаги каби катта самара билан зарбалар бера олади.

Энди яқин масофада ҳимояланиш ҳаракатлари комплексига шўнғишилар, қайтаришилар ва қочишиларни қўшиш лозим. Қайтариш билан ҳимояланиш ҳамма қисқа зарбалардан қўлланилади ва асосан билак билан бажарилади. Шўнғиб ҳимояланиш фақат ёндан бошга берилган зарбалардан, қачонки рақиб боксчидан баланд бўлганда, қўлланилади. Агар боксчи масофани узиб, яқин масофадаги жангдан чиқиши лозим бўлса, ушбу ҳолда фақат қочиш билан ҳимояланиш қўлланилади.

Яқин масофадаги жангни эгаллаб олиш боксчига хужум ва қарши хужумларда ишонч беради. Рақибнинг яқинида туриб ҳаракатланишда у зарбалар серияси билан ҳужумни ривожлантиради.

Хозирги замонда буюк спортчилар одатда узоқ ва ўрта масофадан жанг олиб борадилар. Бироқ, йирик турнирлардаги тажрибанинг кўрсатишича, яқин масофадаги жанг узоқ ва ўрта масофалардан жанг олиб боришининг техник ҳамда тактик воситаларига зарур бўлган қўшимча ҳисобланади. Унинг зарурати қуйидаги ҳоллардан ҳам кўриниб турибди. Ҳужум охирида, рақибнинг зарба ҳаракатлари доирасига кириб, боксчи қўпинча ҳимояда туриб қолади ва уни рақиб қўлларини ушлаб олиш, фақат суст ҳимояла нишдан қидиради ёки, энг ёмони, зарбалар билан алмашишга ўтиб олади.

Бундай саросимали ҳаракатлар яқин масофадан туриб бокс туша олмасликни англаади.

Яқин масофадаги жанг техникасини эгаллаган боксчи

рақиб зарбалари доирасида ўзини ишончли ҳис қилади ва фаол ҳаракатларни амалга оширишда давом этаверади.

Рақибга яқин турганда боксчи ўзини қандай тутиши керак?

Биринчи галда асабийлашмаслик ва бир вақтнинг ўзида шайланиб туриш лозим. Бунда гавданинг ҳамма аъзоларини бирмунча буқкан ҳолда туриш ва букилган қўллар билан гавданинг бўш жойларини беркитиб, рақибнинг қисқа зарбаларидан ҳимояланиш керак. Рақиб зарбаларига қўлларни қўйиш билан ҳимояланишга қўшимча зарбалардан четлашиб, бир оз оғишларни қўллаш зарур. Ҳимояланишдаги тик туришда турган боксчи мушакларни бўшаштириш эвазига ўз зарбаларини нишонга аниқ йўллаш ва уларни кескин тарзда бажариш имконига эга бўлади. Бундай кўникма – яқин масофадаги жангда энг қийини ҳисобланади, лекин уни мукаммал даражада эгаллаб олиш лозим. Фақат шундагина боксчи эркин ва танлаб ҳаракат қилиш имконига эга бўлади.

VI. ЁШ БОКСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛАНИЛИШ ШИДДАТИ ВА ХАЖМИ МЕЬЁРЛАРИ

Халқ ҳаракатли ўйинларининг бошлангич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда қўлланилиш шиддати ва хажмларини меъёрлаб олиш зарур.

Бир қатор олимлар С.А. Косилов (1981), Г.С. Содикова (1985), А.А.Рихсиева, Ф.Н.Насриддинов, А.И. Рихсиев (1992), З.Х. Бадаева (1994) ва П.Х. Ходжаевларнинг (1993) илмий ишларида жисмоний тарбия воситаларини танлашда шуғулланувчиларнинг ёши, жинси ва тайёргарлигини хисобга олиш зарурлиги таъкидланган.

Мутахассислар Мейксон Г.Б., Любомирский Л.Е. (1989), Солиев Х.Х. (1997) ўсиб келаётган ёш организмнинг ривожланиши ва камол топиши учун жисмоний машқлар ҳаётда муҳим аҳамиятга эканлигини таъкидлайдилар. Шунга биноан ўсмирлик ёшидаги етарли жисмоний юкламалар организмдаги кўп жараёнларнинг ривожланишини мувофиқлаштиради (С.Я. Вайнбаум, 1991), айни вақтда жисмоний фаолликнинг етишмаслиги эса организмнинг функцияларини ва жисмоний ривожланишини, чақонлик, тезкор-куч, куч ва чидамлилик каби асосий ҳаракат сифатларининг шаклланишини сусайтиради (Л.Е. Любомирский, 1982, А.К. Отаев, 1990).

Кўп сонли текширишлардан аёнки, ўсиб келаётган организмнинг ривожланиши ва шаклланиши учун жисмоний машқлар ҳаётий зарурдир (Мейксон Г.Б., Любомирский Л.Е. 1989). Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний юкламага мослашиши муҳимлигини аниқлаган бўлиб, спортда

қўлланиладиган юклама тенденцияси катта шиддатдаги ва хажмдаги юкламаларнинг ёш ва катта спортчиларни тайёрлаш учун хосдир, бу кўпинча болаларни жисмоний тарбиялаш амалиётида жисмоний юкламадан фойдаланиш тизимига кўчирилмоқда (Верхушанский Ю.В. 1988).

С.А. Бақулин (1972), В.М. Волков (1969), Р.В. Гуминскийлар (1990) жисмоний юкламани чегаралаш ва илмий асослашда текширилувчининг функционал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қуиидаги уч ҳолат бўйича ёндашишни тавсия этадилар. Булар қуиидагилар:

1. Алоҳида физиологик кўрсаткичлар – ЮҚТ, кислород талаби, ўпка вентиляциясини эътиборга олиб жисмоний юкламани меъёrlаш.
2. Ҳаракатнинг максимал тезлигига қараб жисмоний юклама шиддатини меъёrlаш.
3. Организмнинг максимал энергия таъминоти имкониятларидан келиб чиқиб, юклама шиддатини баҳолаш.

В.М. Зациорский (1970) юкламаларни меъёrlашда 5 та асосий тамойилларни ҳисобга олишни тавсия қиласди.

1. Машқларнинг давом этиши.
2. Шиддати.
3. Машқлар оралиғида дам олишнинг давом этиши.
4. Дам олиш хусусияти (дам олиш танаффусини бошқа фаолиятлар билан тўлдириш).
5. Машқларни тақрорлаш сони.

Спорт физиологиясида кўпроқ жисмоний юкламанинг 2 та шиддатдаги туркумларидан фойдаланилади. Улардан бири юклама шиддати, кислород талаби ва икинчиси сарфланган энергия билан баҳоланади. Бошқача вазиятда жисмоний юклама жадаллигининг ҳамма томони инсон олиб бораётган механик ишларнинг кўрсаткичларига боғлаб

погоналарга ажартылади.

Н.А. Фомин, (1973) Л.Е. Любомирский (1982) ҳар хил биологик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун юкламани меъёрлаш услугияти замонавий шароитда муҳим амалий ҳамда назарий аҳамиятга эга ва шу асосда маълумотларни аниқлаш, ишлаб чиқиш зарур, акс ҳолда, ўқувчиларнинг соғлиғи ёш ўтиши билан ёмонлашишини айтиб ўтган.

Машуғлотларга әмпирик тарзда ёндашиш, машқларни бажаришда кетма-кетлик нотүгри танланса, якуний натижага режага нисбатан бошқача бўлиши мумкин.

М.А.Годик 1980) ўз манбаларида ижобий натижаларга эришиш учун дастлаб:

1. Алактатли анаэроб (тезкор-куч), кейин анаэроб-гликолитик машқлар (тезлик-чиdamлилиги);
2. Алактат-анаэроб, кейин аэроб машқлар (умумий чидамлилик машқлари);
3. Анаэроб-гликолитик (кичик ҳажмдаги), кейин аэроб машқлар қўлланилади деб келтириб ўтган.

Мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан машгулот юкламаларини шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда тизимлаштириш, режалаштириш, оптималлаштириш, қўлланиладиган восита ва усулларни меъёрлаш ҳамда бошқалар юзасидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган (Я.С. Ваймбаун, 1991, Б.А. Миранчук, 1984, Б. Г. Бойбобоев, 1999 ва бошқалар).

Бироқ бошлангич тайёргарлик гурухларида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда восита сифатида қўлланиладиган ҳалқ ҳаракатли ўйинларининг шиддат ва ҳажмларини меъёрлаш борасида илмий изланиш олиб борилмаган.

Тадқиқот ишимизнинг вазифаси ечимини топишда С.В. Хрушевнинг жисмоний машқлар билан шуғулланганда

чарчашининг ташқи белгилари юзасидан берган маълумотларидан фойдаландик (6-жадвал).

6-жадвал.

Жисмоний машқлар билан шуғулланганда чарчашининг ташқи белгилари (С.В. Хрушев бўйича)

Чарчаш даражаси			
Белгилари			
Юз, тана рангининг ўзгариши	Бир оз қизариш	Анча кўпроқ чарчаш	Кескин равишда қаттиқ чарчаш
Терлаш	Бир оз	Анча кўп қизарган	Тўсатдан қизариш, оқариб кетиш, (лабларда пайбо бўлади)
Нафас олиш	Тинч, тезлашган	Анча тезлашган, доимий, оғиз орқали	Тўсатдан тезлашадиган, юзаки
Ҳаракат	Одатдаги-дек (бузилмаган)	Ишончсиз	Ҳаракат уйғунлигининг йўқотилиши, гавда пастки қисмининг қалтираши, оғишлар
Ўзини ҳис этиш	Шикоят йўқ	Чарчаганлик ҳақида шикоят, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши ва ҳ. к.	Кучли чарчоқ, оёқларда оғриқ, бош айланиши, нафас олишнинг тезлашиши, қулоқларда шовқин бош оғриғи, кўнгил айниши ва бошқалар

11-13 ёшли боксчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддат ва хажмларини меъёrlаш қуидагича амалга оширилди.

Халқ ҳаракатли ўйинларини саралашни биз илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва малакали мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш ҳамда анкета сўровномаси ёрдамида амалга оширидик. Халқ ҳаракатли ўйинларининг жисмоний сифатларни ривожлантиришда қўлланилиши чигалёзди машқларидан сўнг амалга оширилади. Чигалёзди машқлардан сўнг, шуғулланувчиларнинг ЮҚТдақиқада 116-124 зарба атрофида бўлади.

Боксчиларнинг ринг бўйлаб ҳаракатланишида ҳар хил координацион мураккаб ҳаракатларни самарали бажаришда, шу билан биргаликда ғалабага эришишда чаққонлик сифатининг ривожланганлиги мухим ўрин тутади.

Чаққонлик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг давомийлигини бокс спорти турининг мусобақа фаолияти учун белгиланган вақт оралиғига асосланиб олишни лозим топдик. Ушбу вақт оралиғида чаққонлик сифати фаол ривожланишини М.А. Годик (1980) ўз илмий манбаларида келтириб ўтган.

“Оёққа эҳтиёт бўл”. Бу ўйинни 2-4 мартадан тақроран ўйнаш 11-13 ёшли боксчилар учун белгилаб олинди.

1-2 марта тақроран ўйналганда шуғулланувчилар ўйин ҳаракатларини одатдагидек (бузмаган ҳолда бажаришлари) 3-4 мартадан кўп, 5 марта тақроран ўйналганда уларда ўйин техник ҳаракатларини бажаришда хатоликлар сонининг ортиб бориши, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши ва ҳ. к. Холатлар кузатил, шуларни хисобга олган ҳолда 11-13 ёшли боксчиларда 2-4 марта тақроран ўйнаш меъёри меъёри сифатида белгилаб олинди.

Ўйиннинг энг қизиган вақтида шуғулланувчиларнинг ЙОТҚ кўрсаткичлари дақиқада 130-170 зарбага тенг бўлади (аралаш).

7-жадвал.

Чаққонлик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари

Ўйин номлари	Ўйиндан оддин ЮҚТ дак/ури	Ўйин вақтида ЮҚТ дак/ури	Ўйиндан сўнг ЮҚТ дак/ури	Ўйин давом этиш вақти	Такрор лаш сони	Дам олиш вақти
Оёққа эҳтиёт бўлиш	110/120 дак/ури	Шиддати кичик	130-170 дак/ури	Шиддати арадаш	120/130 дак/ури	90-120 сония
Моки усулида мусобақалашиш	110/120 дак/ури		150-170 дак/ури		120/130 дак/ури	90-120 сония
Арқонга тегиб кетма	100/124 дак/ури		150-170 дак/ури		122/136 дак/ури	90-120 сония
Рингда кувлашмачоқ	110/122 дак/ури		150-170 дак/ури		114/120 дак/ури	90-120 сония
Пўшт-пўшт	108/114 дак/ури		160-180 дак/ури		112/120 дак/ури	90-120 сония
						90-120 марта

Ўйин 90-120 сония вақт оралиғида ўйналади. Дам олиш вақти 50-60 сонияни ташкил этади. Дам олиш учун белгиланган вақтдан дастлаб камроқ яъни 35-40 сония вақт берилганда шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи ўйин бошидаги холатига нисбатан яқинлашмади, 50-60 сонияда эса нисбатан дастлабки ЮҚТ дастлабки кўрсаткичларга тенглашди (дақиқада 90-120 зарба).

“Моки усулида мусобақалашиш” ўйинини ўйнаш жараёнида шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи бир дақиқада 130-170 зарба атрофида бўлади. Ўйиннинг давом этиш вақти 90-120 сонияни ташкил этади. Дам олиш вақти 50-60 сония.

Ўйин 11-12 ёшлиларда 2-3 марта, 13 ёшлиларда 4 марта гача такроран ўйналади. 11-12 ёшлиларда 3 марта дан кўп такроран ўйналса, ўйин техник ҳаракатларида хатоликлар юзага келади, нафас олиш анча тезлашади ва оғиз

орқали амалга оширилади, чарчаганлик ҳақида шикоят, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши юз бера. Ўйин шиддати ва хажми шуларни ҳисобга олган холда меъёрланди. 50-60 сония дам олиш учун берилган вақтда ҳам юрак уриш тезлиги дастлабки холатга яқинлашмаганини, ўйин вақтида шуғулланувчиларнинг нафас олиши тезлашганини ва бошқа холатлар эътиборга олинди.

13 ёшлиларда белгиланган такрорлашлар сонидан кўп ўйналган вақтда уларнинг ЮҚТ кўрсаткичлари ортиб кетиши, нафас олишининг тезлашиши шу билан биргаликда машғулот вақтида кейинги бериладиган юкламаларга нисбатан толиқиши, белгиланган ҳаракатларни бажариш вақтида хатоликлар сонининг ортиб бориши ва бошқа холатларнинг содир бўлиши кузатилди.

“Арқонга тегиб кетма”, “Рингда қувлашмачоқ” “Пўшт-пўшт” ўйинларнинг шиддат ва хажмлари меъёри 7-жадвалда батафсил келтирилган .

Чаққонлик сифатини ривожлантириш учун қўлланилган халқ ҳаракатли ўйинлари 11-13 ёшли боксчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштиришда ҳам ўз самарасини берди.

А.М.Ачилов, Ж.А.Акрамов ва О.В. Гончароваларнинг (2009), таъкидлашича тезкор-куч сифатини ривожлантиришда портлаш хусусиятига эга динамик машқларга устунлик бериш мақсадга мувофиқ. Биз ушбу сифатларни ривожлантиришда портлаш хусусиятидаги динамик ҳаракатларга бой бўлган халқ ҳаракатли ўйинларини саралаб олиб уларнинг қўлланилиш шиддати ва хажмлари меъёрини ишлаб чиқдик (8-жадвал).

“Аравачалар мусобақаси 2” ўйиннинг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрларини қуийдагича белгиланиб олдик: чигалёзди машқларидан сўнг шуғулланувчиларнинг

ЮҚТ күрсаткичлари дақиқада 118-124 зарбада бўлади, ўйиннинг энг қизиган вақтида ЮҚТ дақиқада 160-180 зарбага та етади. Ўйиннинг давом этиши вақти 12-14 сонияни ташкил этади. Такрорлашлар сони 11-12 ёшлиларда -2-3 марта, 13 ёшлиларда - 3-4 марта. Биз “Аравачалар мусобақаси 2” ўйинининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрларини машгулот жараёнида бевосита қўллаб берилаётган юкламага 11-13 ёшли боксчилар организимининг ташқи жавобларига қараб белгилаб олдик.

8-жадвал.

Тезкор-куч сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари

Ўйин номлари	Ўйиндан олдин ЮҚТ дақ/ури	Ўйин вақтида ЮҚТ дақ/ури	Ўйиндан сўнг ЮҚТ дақ/ури	Ўйин давом этиши вақти	Такрорлаш сони	Дам олиш вақти
Аравачалар мусобақаси 2	112/124 дақ/ури	Шиддати кийик	160-180 дақ/ури	Шиддати юқори	120/130 дақ/ури	10-12 сония
Ким бир оёқда югуради	110/120 дақ/ури		150-180 дақ/ури		120/130 дақ/ури	18-22 сония
Панжа уриш	108/114 дақ/ури		160-180 дақ/ури		112/120 дақ/ури	2-3 марта
Тарвузни отиш эстафетаси	110/122 дақ/ури		150-180 дақ/ури		114/120 дақ/ури	3-4 марта
Тўлдирма туплар билан югуриш	100/120 дақ/ури		160-180 дақ/ури		110/120 дақ/ури	30-45 сония
						12-14 сония
						12-16 сония
						2-3 марта
						40 сония

Бунда биз ўйинларни такрорлаш сони ва давом этиши вақтларини 11-12 ёшлиларда 2-3 марта деб белгилаб олишимизга сабаб шундаки, 4 мартада баъзи боксчиларда уч

марта ўйин ўйнатилганда чарчаганлик ҳақида шикоят, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши ва ҳ. к. холатлар юз берди. Шунинг учун ушбу ёшда “Аравачалар мусобақаси ўйинини” 2-3 марта такрорланиб ўйналиши мақсадга мувофиқ деб билдик. Дам олиш вақтни 40-45 сония, шуғулланувчилар ушбу белгиланган вақтдан кам вақт ичида кейинги бериладиган юкламага тайёр бўлмайди, ЮҚТ пасаймайди.

“Ким бир оёқда тез югуради” ўйинининг деб олишимиз асосида эса қўлланилиши қуйидагича: чигалёзиш машқларидан сўнг, ўйинчиларнинг ЮҚТдақиқада 112-124 зарба атрофида бўлади, белгиланган масофани ўйинчилар юқори шиддатда бир оёқда сакраб юргурган холда босиб ўтишлари керак. Ўйиннинг энг қизиган вақтида шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичлари дақиқада 170-180 зарбага етади. Бир марта югуриб ўтиш вақти 10-12 сонияга тўғри келади, такрорлашлар сони 11-12 ёшлиларда 2-3 марта, 13 ёшлиларда эса 3-4 марта. Дам олиш вақти ҳар бир такрорлашлар орасида 40-45 сонияни ташкил этади.

“Ким бир оёқда тез югуради” ўйинининг қўлланилиш шиддати ва хажмлари меъёри қатор мутахассислар томонидан ушбу сифатни ривожлантириш юзасидан олиб борилган илмий изланишлар хulosаларига таянган холда ҳамда машғулот жараёнида бевосита қўллаш орқали аниқланган.

Ўйинни 11-12 ёшли боксчиларда юқорида белгиланган вақтдан кўпроқ давом эттирилса ва кўп такрорланса шуғулланувчилар ўйин ҳаракат техникасини бажаришда хатоликларга йўл қўядилар, оёқларида қалтироқ пайдо бўлади, бир оёқда сакраб югуриш вақтида иккинчи оёқларини толикиш сабабли беихтиёр ерга қўйиб

юборадилар. Шуни эътииборга олган холда юқоридаги шиддат ва хажмда қўллаш меъёrlанди.

Ўйинни тақрорлашлар сонини кўпайтириш шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига қараб амалга оширилади.

“Панжа-уриш” ўйинининг тезкор-куч сифатини ривожлантиришда қўланилиши қўйидагича: ўйиннинг давом этиш вақти 18-24 сонияни ташкил этади, тақрорлашлар сони -2-4 марта 12-13 ёшлиларда, 11 ёшлиларда эса 2 марта, баъзи вақтларда дарснинг вазифасидан келиб чиққан холда 3 мартагача ўйнатиш мумкин.

Чигалёзди машқларидан сўнг шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичлари дақиқа 118-124 зарба атрофида бўлади, ўйиннинг энг қизиган вақтида уларнинг ЮҚТ кўрсаткичи дақиқада 160-180 зарба атрофида бўлади, ўйин оралигига берилган 40-45 сония фаол дам олиш вақтидан сўнг ЮҚТ дақиқада 124-130 зарбага teng бўлади.

11 ёшлиларда 2 марта тақрорлаш сонини меъёrlашимиизга асосий сабаб шундаки, шуғулланувчилар ўйинни 3-4 марта тақроран ўйнагандан сўнг, нафас олишлари жуда тез содир бўла бошлайди, ҳаракат уйғулигининг йўқотилиши, гавда пастки қисмининг қалтираши баъзи вақтларда ўйинни умуман давом эттира олмаслик холатлари ҳам учрайди. Юқоридаги холатлардан хulosा қилиб, ушбу ўйинни 11 ёшлиларда 2 марта, баъзи вақтларда 3 мартагача давом эттириш мумкин. Асосан 11 ёшда 2 мартадан ўйналганда шикоятлар бўлмади. 12-13 ёшлиларда эса юқоридаги холатлар 3-4 марта тақроран ўйналганда деярли содир бўлмади. 5 марта тақроран ўйналганда эса шуғулланувчиларнинг ўзларида шикоят бўлмаса-да 12 ёшлиларда 13 ёшлиларга нисбатан оёқ мушакларида толиқиши, ўйинда белгиланган ҳаракатларда хатоликлар кузатила бошлади,

ЮҚТ да ҳам ўзгариш сезилди, 13 ёшлиларда бўлса 12 ёшлиларда юз берган ҳолатлар нисбатан камрок кузатилди. Шу боисдан 11 ёшлиларда ушбу ўйинни тақроран 2 марта, 12-13 ёшлиларда бўлса 3-4 марта тақроран ўйнаш меъёри белгилааб олдик.

Халқ ҳаракатли ўйинларининг куч сифатини ривожлантирувчи самарали восита эканлигини қатор мутахассислар ўз манбаларида тавсия қилганлар. Куч сифати боксчи ғалабага эришишида асосий омиллардан бири саналади. Шуларни хисобга олган холда ёш боксчиларнинг куч сифатини ривожлантиришда қўлланиладиган халқ ҳаракатли ўйинларини шиддат ва хажмларини меъёрлаб олдик (9-жадвал).

9-жадвал.

Куч сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари

Ўйин номлари	Ўйиндан олдин ЮҚТ дақ/ури	Ўйин вақтида ЮҚТ дақ/ури	Ўйиндан сўнг ЮҚТ дақ/ури	Ўйин давом этиш вақти	Тақрор лар сони	Дам олиш вақти
Тўпни эгаллаш	100-110 дақ/ури	Шиддати кичик	130-150 дақ/ури	Шиддати кичик	120-126 дақ/ури	90-120 сония
Тарвузни отиш эстафетаси	106-112 дақ/ури		140-160 дақ/ури		110-120 дақ/ури	90-120 сония
Қаторлар ўртасида тортишув	100-120 дақ/ури		130-160 дақ/ури		110-120 дақ/ури	90-120 сония
Хўролзар жангি	110-120 дақ/ури		130-160 дақ/ури		108-124 дақ/ури	90-120 сония
Аравачалар мусобақаси	108-114 дақ/ури		130-160 дақ/ури		108-116 дақ/ури	90-120 сония
						2-4 марта
						3-4 марта
						60 сония
						60 сония
						60 сония
						60 сония

“Тўп учун қураш” ўйинининг меъёри. Ўйин 90-120 сония вақт оралиғида давом этади. Ўйиннинг энг қизиган вақтида шугулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи дақиқада

140-160 зарба атрофида бўлади.

11-12 ёшлилар 2-3 марта, 13 ёшлилар эса 4-5 мартадан тақроран ўйнайдилар. Ушбу белгиланган шиддат ва хажм меъёрларининг амалга оширилиши қуийдагича. Асосан ушбу ўйинни ўйнаш жараёнида 11-12 ёшли шуғулланувчиларда кўпроқ чарчаганлик ҳақида шикоят, кўлларда толиқишиш пайдо бўлганлиги, юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши ва ҳ. к. кузатилди.

Дам олиш вақти ушбу ўйинда 60 сонияни ташкил этади, дам олиш тури эса фаол. Дам олиш вақтини 60 сония деб белгилаб олишимизга сабаб шундаки, ушбу белгиланган вақтдан кам вақт ичида шуғулланувчиларнинг ЮҚТ дастлабки холатга нисбатан яқинлашмайди.

“Тарвуз отиш эстафетаси” ўйини асосан эстафета шаклида эмас балки бокста мослаштирилган варианта ташкиллаштирилди. Ўйиннинг энг қизиган вақтида шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи дақиқада 140-160 зарба атрофида бўлади.

11-12 ёшлилар ўйинни 2-3 марта, 13 ёшлилар эса 4-5 марта гача тақроран ўйнашлари лозим. Ўйин хажмини меъёrlаш қуийдагича амалга оширилди. 11-12 ёшлиларда ўйинни 4-5 марта ўйнаш жараёнида шуғулланувчиларда толиқишиш, юрак уриш ва нафас олиш тезлашиши, ўйинда белгиланган ҳаракатларни бажаришда хотоликлар сонининг ортиб бориши, ҳар икки ўйинчида ҳам тўлдирма тўпларни ерга тушириб юбориш холатлари кўп кузатила бошлади. Шу асосида 11-12 ёшлилар 2-3 марта гача ўйинни тақроран ўйнашлари меъёrlанди.

13 ёшли боксчиларнинг куч сифати ёшга нисбатан таҳлил қилинганда 11-12 ёшлиларга нисбатан ушбу ёшда кўпроқ ривожланиш хусусиятига эга эканлигини кўпгина соҳа мутахассислари ўз манбаларида келтириб ўтганлар. Шу

боисдан ҳам 13 ёшлиларда куч сифатини ривожлантиришда қўланиладиган ўйинларнинг тақрорлаш сони бошқа ёшларга нисбатан кўпроқ.

“Хўроллар жанги” ўйини давомида этиш вақтида ЮҚТ дақиқада 130-160 зарбага етади. Ўйин 90-120 сония давом этади. 60 сония дам олиш вақтидан сўнг ЮҚТ дақиқада 124-132 зарбага яқинлашади. Ўйин 11-12 ёшлиларда 2-3 марта, 13 ёшлиларда эса 4-5 мартадан тақрорланиши меъёrlанди.

Ушбу ўйинни 11-12 ёшли боксчилар 2-3 мартадан кўп ўйнасалар ҳаракат уйғуланигининг йўқотилиши, оёқларда қалтираш, иккинчи оёқнинг ерга қўйиб юборилиш холатлари содир бўлади. Баъзи холларда шуғулланувчиларнинг ўзларида чарчаш тўғрисида шикоят бўлмаса ҳам, лекин уларнинг нафас олишлари ўта тезлашиб кетганлиги ва ЮҚТ ортиб кетганлиги сабабли меъёрлар шу тарзда белгиланди. 13 ёшлиларда 6- марта тақроран ўйналганда уларда ўйинга нисбатан қизиқиш қисман пайдо бўлганлиги, оёқ мушакларида толиқиши пайдо бўлганлиги нафас олиш тезлашиши холатлари кузатилди.

Агар шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи ортиб кетса, бу бошқа жисмоний сифатнинг ривожланишига олиб келади. Бу ҳол бизнинг мақсад вазифамиздан бир оз четлашишига олиб келади.

“Қаторлар ўртасида тортишув” ўйинининг энг қизиган вақтида ЮҚТ дақиқада 130-160 зарба атрофида бўлади. Ўйин 11-12 ёшлиларда 2-3 марта, 13 ёшлиларда эса 3-4 марта гача машғулотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ташкиллаштирилади.

11-12 ёшлиларда 2-3 марта ўйин ўйналганда шуғулланувчилар ўзларини яхши хис этдилар, толиқиши тўғрисида шикоятлар бўлмади, нафас олиш тезлиги ҳам кўзда тутилган даражада бўлди. 4- марта ўйин давом

эттирилганда эса шугулланувчиларда қўл мушакларининг толиқиши, нафас олишнинг кескин тезлашиши, юракнинг дақиқалик хажми ортиби кетди.

13 ёшлиларда ўйин 2-3 марта тақороран давом эттирилганда уларнинг ўзида ўйинни яна давом этириш истаги борлиги кузатилмади, юракнинг дақиқалик хажми ортиши, нафас олиш тезлашганилиги ҳамда толиқиш аломатлари билинмади, шундан сўнг 4-5 марта гача тақороран ўйинни давом эттириш меъёри белгилаб олинди.

Дам олиш вақти 60 сония деб белгиланди. Сабаб шундаки, ўйинни меъёрлаш вақтида 60 сониядан кам вақт дам олиш учун ажратилганда шугулланувчиларда оёқ ва қўл мушакларида толиқиши, юракнинг дақиқалик хажми дастлабки ҳолатга нисбатан яқинлашмаганилиги кузатилди.

“Аравачалар мусобақаси” ўйиннинг асосий қисмida ўйиннинг энг қизиган вақтида ЮҚТ кўрсаткичлари 140-160 зарбага кўтарилиди. Ўйинни 11-12 ёшлиларда 2 марта, 13 ёшлиларда эса 3-4 марта гача шугулланувчиларнинг жисмоний холатини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштириш мумкин.

Ушбу ўйиннинг ҳам шиддати ва хажмларини аниқлашда юқоридаги ўйинлардаги ҳолатларга ва омилларга таянилди. Бунда биз ўйин вақтида фаол ишлайдиган асосий мушаклар фаолиятини кузатдик. Ўйинни меъёрлаш давомида 11-12 ёшлилар 2 мартадан кўп 3 марта ўйнаганларида шугулланувчиларнинг қўлларида қалтироқ, юрак уриши ва нафас олиш тезлашиши, қўлларда юриб белгиланган масофани босиб ўтишда юра олмасдан, тўхтаб қолиш ҳолатлари ҳам содир бўлди.

11-12 ёшлиларда 2 марта, баъзи холларда 3 марта шугулланувчиларнинг жисмоний холатини ҳисобга олган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўйинларнинг қўлланилиш шиддати ва хажмларини меъёrlаш ўйинлар қўлланилгандан сўнг шуғулланувчилар машғулотларни қандай давом эттиришларини кузатиб, доимий машғулот жараёнида ўзларини жисмоний хис қилишларига, кейинги берилган юкламаларга нисбатан уларни организимларининг ташқи ва ички таъсиirlарини хисобга олган холда амалга оширилди.

Жангнинг ҳар бир эпизодида боксчилар ҳаракатлари шиддати кичикдан мумкин қадар чегарагача ўзгариб туради. Шунинг учун боксчининг аэроб ва анаэроб маҳсулдорлиги даражаси (яъни унинг умумий ва маҳсус чидамлилиги) унинг учун муҳим аҳамият касб этади. Чидамлилик сифатини ривожлантиришда қўлланиладиган халқ ҳаракатли ўйинлари-нинг шиддат ва хажми меъёrlари қўйидагича амалга оширилди.

“Аргамчи билан сакраш” ўйинини мураббий машғулотнинг мақсад ва вазифасидан келиб чиққан холда қўллайди. Унда ҳар бир боксцида биттадан аргамчи бўлади. Улар 3,5-4 дақиқа давомида бир ҳил суръатда сакрайдилар. Шуғулланувчиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи сакраш вақтида дақиқада 130-160 зарба атрофида бўлиши керак, мураббий бажарилаётган ишнинг шиддати секинлашиб ва тезлашиб кетишини назорат қилиб туриши лозим. Сабаб шундаки юқоридаги шиддатдан ошиб кетса, бошқа сифатнинг ривожланиши юзага келиб чиқади.

Ўйинни такрорлашлар сони 11-13 ёшлиларда 2-3 марта давом этади. Шуғулланувчилар 4-5 марта такроран ўйнаганларида юрак уриши ва нафас олиш тезлашиши, ҳаракат ўйнулигининг йўқотилиши, гавда пастки қисмининг қалтираши, аргамчида сакраш ҳаракатини бажариш сонининг камайиши ва бошқа холатлар ҳисобга олиниб, шиддат ва хажмлар меъёrlанди.

Дам олиш вақти 60-90 сония белгиланди. Ушбу вақтдан кам вақт дам олиш учун ажратилганда шуғулланувчиларда тикланиш жараёни кўзда тутилган холатга қайтмаганлиги маълум бўлди.

10-жадвал.

Чидамлилик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари

Ўйин номлари	Ўйиндан олдин ЮҚТ дақ/ури	Ўйин вақтида ЮҚТ дақ/ури	Ўйиндан сўнг ЮҚТ дақ/ури	Ўйин давом этиш вақти	Такрор лаш сони	Дам олиш вақти
Аргамчи билан сакраш	100-112 дақ/ури	Шиддати кичик	130-160 дақ/ури	Шиддати ўртача	118-126 дақ/ури	4 Дақиқа
Кувиб етиб ол	108-116 дақ/ури		140-160 дақ/ури		118-124 дақ/ури	
Арқондан сакраб қувлашмачоқ	108-118 дақ/ури		130-160 дақ/ури		126-132 дақ/ури	
Байроқчалар учун курашиш	110-118 дақ/ури		130-160 дақ/ури		118-122 дақ/ури	4 Дақиқа
Поездлар эстафетаси	118-124 дақ/ури		130-160 дақ/ури		104-112 дақ/ури	
						6 Дақиқа
						3,5-4 дақиқа

“Кувиб етиб ол”, “Арқондан сакраб қувлашмачоқ”, “Байроқчалар учун курашиш”, “Поездлар эстафетаси” ўйинларининг шиддати ва хажмларини меъёрлашда шуғулланувчилар организимининг берилаётган юкламага нисбатан қарши жавоби, яъни юрак уриши, нафас олиш, ўзини хис этиш ва толиқишиш аломатларини ҳисобга олган холда амалга оширилди.

Боксчининг эгилувчанлиги – усулни керакли амплитудада бажариш қобилиятидир. Эгилувчан боксчининг бўғимлари ҳаракатчан бўлади, бу мушаклар ва бойламларининг чўзилувчанлигига боғлиқ.

Эгилувчанлик сифатини ривожлантириш учун

қүйидаги илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва малакали мураббийлар фикр мұлоҳазаларини умумлаштирган холда халқ ҳаракатли үйинларини саралаб олдик (11- жадвал).

Халқ ҳаракатли үйинларини машғулот жараёнида қўллаш учун мақбул вақт бу машғулотнинг тайёрлов ва якуний қисмдири. Бунинг сабаби юқорида саралаб олинган үйинлардан “Олдинга, орқага ўмбалоқ ошиш” үйинини оладиган бўлсак бу үйин нисбатан тикланувчи восита сифатида ҳам ўз самарасини кўрсатди. Шуғулланувчилар ушбу үйинни үйнаш жараёнида ўзларини жуда яхши хис этганикларини, асосан кўпроқ машғулот жараёнида юклама олган мушакларни бўшаштиришда ёрдам берганлигини кўришимиз мумкин.

“Олдинга-орқага ўмбалоқ ошиш” үйинини үйнаш вақтида шуғулланув-чиларнинг ЮҚТ кўрсаткичи дақиқада 110-130 зарба атрофида бўлади. 11-13 ёшлиларда 10-12 дақиқадан 2 марта машғулотнинг мақсад ва вазифасидан келиб чиқсан холда давом эттирилади.

Такрорлашлар сони 3 ёки 4 марта бўлганда шуғулланувчиларнинг юрак уриши ва нафас олиши

Үйин номлари	Үйиндан олдин ЮҚТ дақ/ури	Үйин вақтида ЮҚТ дақ/ури	Үйиндан сўнг ЮҚТ дақ/ури	Үйин давом этиш вақти	Такрор лар сони	Дам олиш вақти
Олдинга орқага ўмбалоқ ошиш	98-112 дақ/ури	Шиддати кичик	104-112 дақ/ури	Шиддати кичик	10-12 дақиқа	2-3 марта
Кўпприк ва мушук	96-104 дақ/ури		102-104 дақ/ури		10-12 дақиқа	2-3 марта
Жонли кўприкчалар	100-108 дақ/ури		104-112 дақ/ури		8-10 дақиқа	2-3 марта
Таёк орқага	108-112 дақ/ури		108-112 дақ/ури		9-11 дақиқа	2-3 марта
Бош устига ўтиргич	98-112 дақ/ури		108-114 дақ/ури		10-12 дақиқа	2-3 марта

тезлашди, баъзи вақтларда мушакларда оғриқ пайдо бўлганлиги ҳақида шикоятлар ҳам бўлди.

Дам олиш вақти -60-90 сония ушбу вақтдан кам вақт дам олиш учун ажратилса юрак уришининг дастлабки холатта яқинлашмаганини кузатилди.

11-жадвал.

Эгилувчанлик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёrlар

Эгилувчанлик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларини восита сифатида қўллаш билан биргаликда гиманастика машқларини ҳам комплекс тарзда қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтиши лозим. Сабаби мутахассислар эгилувчанлик сифатини ривожлантиришда спорт турининг хусусиятидан келиб чаққан холда ривожлантирадиган машқларнинг қўлланиш самарадорлигини юқори баҳолаганлар.

“Кўприк ва мушук”, “Жонли кўпrikчалар”, “Таёқ орқага” ва “Бош устига ўтиргич” ўйинларининг шиддати ва хажмларини меъёrlашда шуғулланувчилар организимининг берилаётган юкламага нисбатан қарши жавоби, яъни юрак уриш, нафас олиш, ўзини хис этиш ва толикиши аломатлари, мушакларда оғриқ пайдо бўлиши ва бошқа холатлар ҳисобга олинган холда амалга оширилди.

Шундай қилиб, мураббийлар халқ ҳаракатли ўйинларини машгулот жараёнига тадбиқ этишда шуғулланувчиларнинг ёшга хос хусусиятларини, жисмоний ва функционал тайёргарликларини эътиборга олган холда қўллашлари лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш” тўғрисидаги фармони. Т., 2002 йил 24 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси “Ўзбекистонда боксни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш жамғармасини ташкил этиш” тўғрисидаги 279 сонли қарори 01.06.1999 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида (Янги таҳрири) // Ҳалқ сўзи газетаси, 28 июнь, 2000 й.
4. Балдаев К.В. Подвижные игры на этапе начальной спортивной специализации в вольной борьбе. Автореф. кан.пед.наук. – М., 1986, - 22с.
5. Ачилов А.М, Акрамов Ж.А, Ганчарова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. «Lider Press» nashriyoti, Тошкент. 2009. С-198.
6. Балдаев К.В. Подвижные игры на этапе начальной спортивной специализации в вольной борьбе. Автореф. кан.пед.наук. – М., 1986, - 22 с.
7. Бойбобоев Б.Г. Жисмоний тарбия дарсларида 11-14-ёшли ўғил болалар учун нагрузкаларни меъёrlаш. Дисс. ... пед. фан. ном. Тошкент 1999 й.
8. Бернштейн Н.А. Очерки по физиологии и физиологии активности. – М.: Медицина, 1966. – 349 с.
9. Бернштейн Н.А. О построении движений // - М.: Медицинская литература, 1968. – 256с.
10. Бим Б., Аман А. Бокс на 100%. Феникс. Ростов-на-Дону. 2007. С – 244.
11. Былеева Л.В., И. Коротков, В.Г. Яковлев «Подвижные игры» «Физкультура и спорт» Москва – 1974.

12. Волков В.М., Филин В.П. Спортивной отбор. – М.: физкультура и спорт, 1983. – 176 с.
13. Власова В.Н. Экспериментальное исследование методики воспитания быстроты и скорости бега у детей младшего и среднего школьного возраста: Автореф. дис. ...канд.пед.наук. – М., 1971.-21с.
14. Джандаров Д.З. Сопряженное развитие физических и психических качеств юных боксеров 13-14 и 15-16 лет: Автореф. дис. ...канд.пед.наук.- М., 2003. -27с.
15. Дмитриев А.В. Факторы, определяющие индивидуальную манеру боя в боксе. Автореф. дис. ...канд.пед.наук. / А.В. Дмитриев. – М., 1980. – 22с.
16. Дегтярев И.П. Бокс. Учебник для ин-тов физической культуры. Физкультура и спорт. – М.: 1979. С. 90-105.
17. Галкин П.Ю. Направленность методики тренировки боксеров на развитие готовности к выбору тактика боя. Автореф. дисс. ...канд.пед.наук/ П.Ю.Галкин. – Челябинск. – 2002. – 22с.
18. Гаракян А.И. Формирование точности ударных движений боксеров-юношей на этапе начальной спортивной специализации. Автореф. дисс. ...кан.пед.наук./ А.И. Гаракян. – М., 2003. – 23с.
19. Каримов М.А, Халмухамедов Р.Д, Шамсематов И.Ю, Тажибаев С.С. Боксчиларнинг спорт-педагогик маҳоратини ошириш. Тошкент, 2011. С. 478.
20. Керимов Ф. А. Спорт кураши назарияси ва услубияти. Тошкент. 2007. С. 330.
21. Киселев В.А. Систематизация средств тренировки боксеров / В.А. Киселев // Методические разработки. - М.: РИО ГЦОЛИФК, 1992.-35 с
22. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. – Киев. Олимпийская литература,

1999. – С. 137.

23. Морозов С.И. Особенности влияния функциональной подготовленности юных боксеров на их координационные способности// Научно-практические основы двигательных действий в сложно координационных видах спорта/ Под общ. Ред., В.П. Губа – Смоленск: СГИФК, 2001. – С. 94-96.
24. Мельцер М.И. Кик-боксинг. Поурочная программа с методическими рекомендациями для ДЮСШ. – М., 2000. – 67 с.
25. Платонов В.Н., Сахновский К.О. Подготовка юного спортсмена. – Киев: Радянська школа, 1988. – 288 с.
26. Рубаш.К.В. Подвижные игры как средство повышения скорости бега мальчиков 9-11 лет. Дисс. ... кан. пед. наук. – М., 1983, - 156с.
27. Соловей Б.А. Упражнения с отягощениями как средство совершенствования быстроты ударов юных боксеров // Бокс: Ежегодник. – М.: Физкультура и спорт, 1982. С.36.
28. Супов Б.П. Методы обучения боксеров экстренному изменению действий в ходе спортивной поединка. Автореф. дис. ...канд.пед.наук./ Б.П. Супов. –М, 1983. – 24с.
29. Тихвинский С.Б., Хрущев С.В. Детская спортивная медицина. – М.: Медицина 1991. – 560с.
30. Тышлер Д.Л., Мовшович А.Д. Физическая подготовка юных фехтовальщиков. – М.: Советский спорт, 1996. 74 с.
31. Усмонхўжаев Т.С., М.У.Қосимова. 500 машқ ва ҳаракатли ўйинлар 1- қисм.Тошкент.1999. с 4-14.
32. Усмонхўжаев Т.С., М.У.Қосимова. 500 машқ ва ҳаракатли ўйинлар 2- қисм.Тошкент.1999. с 4-15.
33. Филин В.П. Теория и методика юношеского спорта. Учебное пособие для институтов физической культуры. – М.: Физкультура и спорт, 1987. – 28с.

34. Филин В.П., Фомин Н.А. Основы юношеского спорта. – М.: Физкультура и спорт, 1980. С – 255.
35. Филимонов В.И., Физическая подготовка начинающего боксера. – М.:МГИ, 1990. – 159 с.
36. Филимонов В.И., Хусайнов З.М., Кулигин В.А. Методика силовой подготовки боксеров// Актуальные вопросы подготовки высококвалифицированных боксеров: Информационно-методический бюллетень. – М.: Федерации бокса СССР, 1990. – С.23-28.
37. Филимонов В.И., Нигмедзянов Р.А. Бокс, кикбоксинг, рукапошный бой. – М.: ИНСАН, 1999. – С. 39-44.
38. Филимонов В.И. Бокс. Спортивно-техническая и физическая подготовка. – М.: МНСАН, 2000. – 432 с.
39. Платонов В.Н., Сахновский К.О. Подготовка юного спортсмена. – Киев: Радянська школа, 1988. – 288 с.
40. Халмухамедов Р.Д. Бокс. Ўқув қўлланма. Тошкент 2008. С. 308.
41. Хрущев С.В., Круглый М.М. Тренеру о юном спортсмене. – М.: Физкультура и спорт, 1982. – 157 с.
42. Ширяев А.Г. Педагогические основы организации содержания многолетней подготовки спортсмена (на примере бокса): Автoref. дис. ...канд.пед.наук./ А.Г. Ширяев. – М., 1997. – 25 с.
43. Ширяев А.Г. Бокс. Учителю и ученику (изд. 2-е, перераб. и допол.)/ А.Г.Ширяев. СПб:Изд-во«ШАТОН», 2002.– 192с.
44. Юнусова. Ю.М. Теория и методика физической культуры. «IQTISOD-MOLIYA» Ташкент. 2007. С.167 – 172.
45. Курбонова М. А. Бошналангич тайёргарлик даврида ёш валейболчилар-ни танлаш ва машгулот жараёнида халк харакатли ўйинларидан фойдаланиш. Дисс. ...пед.фан.ном. Тошкент. 2006, – 127 с.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Ўзбекистонда бокс спортининг ривожланиш тарихи	9
II. Ёш боксчилар тайёргарлигининг мазмунни ва турлари	24
Ёш шуғулланувчилар учун мўлжалланган дастур бўйича ўқув-машғулотларни ўтказишга доир услубий кўрсатмалар	25
Ёш боксчини ўргатишида ёшга хос хусусиятларни ҳисобга олиш	44
III. Бокс техникаси	51
Жангавор масофалар	59
Қўлларда зарба бериш техникаси	62
Қўл зарбасидан ҳимояланиш техникаси умумий тушунчаси	67
Тўғридан зарбалар ва улардан ҳимояланишлар	70
Ёндан зарбалар ва улардан ҳимояланишлар	97
Пастдан зарбалар ва улардан ҳимояланишлар	111
Тўғридан иккиталик зарбалар комбинациялари	121
Тўғридан учталик зарбалар сериялари	125
Тўғридан тўрталик зарбалар сериялари	128
Тўғридан бериладиган зарбалар билан қарши ҳужум	131
IV. Бокс тактикаси	160
Тактик ҳаракатлар	166
Индивидуал жанг олиб бориш услублари ва уларга қаршилик кўрсатиш усуллари (жангни режалаштириш)	169
V. Кичик спорт разрядига эга боксчиларни ҳужум, ҳимоя, ва қарши ҳужум ҳаракатларига ўргатиш	191
Ҳужум ҳаракатларига ўргатиш	193
Ҳимоя ҳаракатларига ўргатиш	195
Қарши ҳужум ҳаракатларига ўргатиш	196
VI. ЁШ БОКСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚ	

ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛАНИЛИШ ШИДДАТИ ВА ХАЖМИ МЕЪЁРЛАРИ	201
Чаққонлик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари	205
Тезкор-куч сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари	207
Куч сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари	211
Чидамлилик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари	215
Этилувчанлик сифатини ривожлантиришда халқ ҳаракатли ўйинларининг қўлланилиш шиддати ва хажми меъёрлари	217
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	220

Мұхарирлар:

Түрдіалиев Р.

Назаров С.

Абдурахмонов А.